

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

АХМЕДОВ БУРХОН

БАЛОҒАТ фанидан

Дарслик

ТОШКЕНТ – 2023

Муаллиф:

Б.А.Ахмедов. – ЎзХИА “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

Масъул муҳаррир: фил.ф.д., проф. З.Исломов

Тақризчилар:

М.Ҳайдаров – ЎзХИА “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси мудири, PhD фалсафа доктори., доцент.

С.Примов – Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Илмий ишлар ва фан” бўйича проректори, PhD фалсафа доктори.

Мазкур дарслик Қуръони карим, ҳадиси шариф, жоҳилият шеърлари ва аждодларимиздан бизгача етиб келган асарларни туб моҳиятини тушиниб етишда қўл келади. Дарсликда балоғат фанини фан сифатида шакилланишидан тортиб то ҳозиргача бу фанни ривожига ҳисса қўшган олимлар ҳаёти ва ижоди билан танишиш билан бир қаторда, араб тилининг мажоз, ҳақиқат, ташбеҳ, истиора, киноя, баён, маоний ва бадий каби жиҳатлари билан танишиб, ҳар бир гапни вақти ва мақомига қараб, муқтазо ҳолга мувофиқ ифода этиш услублари ўрганилади.

Дарсликка киритилган мавзулар Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқув режасига киритилган «Балоғат» фани бўйича тузилган ўқув дастур асосида тайёрланган. Шунингдек, мазкур дарслик талабаларнинг Қуръон, ҳадис, жоҳилият шеърлари бўйича ёзилган асарлардан мустақил фойдаланиш, балоғат фанлари бўйича ёзилган ҳамда мавжуд қарашлар ва ёндашувлардан илмий хулосалар чиқара билишлари борасидаги билимларини бойитишга хизмат қилади.

Тақдим этилаётган дарслик исломшунослик, тилшунослик ва диншунослик йўналишларида таҳсил олаётган магистр ва бакалавр талабалари ва шу соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Ушбу дарслик “Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича Қўмитанинг _____хулосаси асосида нашрга тавсия этилди.

КИРИШ

Ҳозирда Ўзбекистон дея аталмиш бу муқаддас заминимиз неча-неча олим-уламо, фозилу-фузалоларнинг бешигин тебратиб, жаҳон саҳнига олиб чиққани, диний ва дунёвий илмларнинг асослари ҳам айнан мана шу юртда яратилгани, сайқал топгани барчамизга маълум. Шундай экан, буюк аجدодларимиз қолдирган беназир бойлик ҳисобланмиш илмий ва маданий меросни кўз қорачиғидай авайлаб асраш, уларни ўрганиш биз халафлар учун ҳам фарз ҳам қарз. Зеро, “жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган куч бу – маърифатдир. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”.

Такрор ва такрор айтиладики, диний ва ижтимоий таълимотимиз Қуръон ва ҳадисларда мавжуддир. Қуръон ва ҳадислар эса араб тилидадир. Яна динимизга оид аксар китобларимизни олимлар араб тилида ёзганлар. Бинобарин, шуларни тушунмоқ ва билмоқ учун араб тилининг сарфун-наҳвини ўрганишимиз зарур. Лекин бу етарли эмас, балки Қуръон маъноларини тушунишимиз учун балоғат илмини – баён, илми бадиъ ва маоний илмларини ҳам билишимиз лозим.

Жамиятда ҳеч қандай ҳодиса объектив заруратсиз содир бўлмайди. Шу жумладан балоғат илмининг ҳам дунёга келиши ана шундай заруратдан келиб чиққан. Наҳв илмининг яратилишига араб бўлмаган мусулмонларнинг Қуръони Каримни тўғри ўқиш зарурати сабаб бўлган бўлса, балоғат илмига унинг маъноларини теран англаш, ва уни тушунишда ҳар-хил ихтилофларни олдини олиш каби омиллар туртки бўлган. Арабларда бу илм IX асрлардан шакллана бошлаган ва даставвал “илм ал-бадиъ” дея аталган. XIII асрга келиб бу илм ўз камолига етади ва ўзининг таркибига уч бўлим: илм ал-маъони, илм ал-баён, илм ал-бадиъларни олади.

Бу илмнинг ривожига Абу Ҳилол ал-Аскарӣ, Ибн Рашиқ ал-Қайрувонӣ, Сафи ад-Дин ал-Ҳиллий ва айниқса Ўрта Осиёдан чиққан олимлар: Абдулқоҳир ал-Журжонӣ, Маҳмуд аз-Замахшарӣ, Юсуф ас-Саккокийлар улкан ҳисса қўшадилар.

1-мавзу. Балоғат илми ва унинг шаклланиши

Режа:

- 1. Балоғат фанининг моҳияти ва унинг тарихи.**
- 2. Балоғат фани ривожланиш босқичлари.**
- 3. Балоғат фани ривожланишига ҳисса қўшган олимлар.**

Мавзуга доир истилоҳлар: Балоғат ва фасоҳат, илми маоний, илми баён, илми бадиъ, “Мажозул Қуръон”, “Эъжозул Қуръон”.

1. Балоғат фанининг моҳияти ва унинг тарихи.

Араб тили дунёдаги тиллар ичида кўп ўрганилган ва хануз ўрганилаётган тил ҳисобланади. Луғат бойлиги билан ва қоидаларининг турли-туманлиги, бир калимани бир неча услубда ишлатиш имкониятларининг кўплиги билан комилликда тиллар ичида ажралиб туради. Балки, дунёда шеваларининг жуда кўплиги билан ҳам аввалги ўринни эгаллайди.

Бу тил Қуръони карим тили, жаноб Пайғамбаримиз тиллари бўлгани учун ҳам уни ўрганиш йўллари илгариги замонлардаёқ ишлаб чиқилган. Араб тилини ўрганиш учун ҳам бошқа тилларни билиб олиш учун керак бўладиган фонетика-грамматика ва ҳоказолар, яъни сарф ва наҳв илми мукаммал ўрганилади. Кўпгина тилларда гап тузиш, феъл ясаш қоидаларини билиб олишнинг ўзи – соддароқ бўлса ҳам енгилгина гаплашиш имконини беради.

Аммо араб тилида мукаммал гаплашиш ва уни тушиниш учун албатта, балоғат фани қоидаларини яхши билиш керак. Мазкур қоидалар араб тили руҳини тўла очиб бергани учун Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, шариат китоблари ҳамда арабларда мўътабар ҳисобланган жоҳилият даврида ўтган буюк араб шоирларининг ижодлари маҳсулидан баҳраманд бўлиш ва тўғри идрок этиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам балоғат фанининг аҳамияти юксакдир.

Бу фанни ўқишга сабаб деб қуйидагиларга аҳамият қаратиш лозим бўлади:

Балоғат илмининг бошқа илмлардан ўзининг етарли даражада ортиқлиги бор. Зеро, бу илмнинг луғат сир-асрорларини очишда бетакрор ўрни ва услублари бор. Луғат хазиналарини кашф этишда бекиёсдир. Шунинг учун ҳам тилнинг нозик, нафис ва дақиқ жиҳатларини ўрганишда беназирдир.

Энг асосийси, бу илм тил мусобақаларида, суҳандонлик беллашувларида олий мукофотни қўлга киритиш усулларини чуқур ўргатади. Бу билан ақлларни лол қолдирадиган сўз ўйинлари, бир калимани турли маъноларда нуқсонсиз ишлатиш малакаларини ривожлантиради. Қўнгилдаги мақсадни чуқурроқ ва кенгроқ қилиб, тушунмовчиликлардан холи қилиб етказиш тажрибасини камолга етказади.

Балоғат ва фасоҳатда ҳар томондан мукаммал ҳисобланган, мўъжизакор Қуръони карим шу тилда нозил бўлди. Қуръони карим тилни балоғат ва фасоҳати юзасидан мақсадни етказишда сўз ишлатиш йўналишларини кенгайтириб таълим берди. Зеро, шу нозик жиҳатлар воситасида араб тили бошқа тилларда учрамайдиган маъноларни ифодалашда ўзига хослик, гўзаллик, бетакрорлик ва улуғликка эришди.

Қуръони карим мўъжизаларни кашф этишда балоғат илмларининг аҳамияти буюқдир. Бу эса балоғат илмларига эҳтиёжимиз кучли эканини билдиради.

2. Балоғат фани ривожланиш босқичлари.

Аввалда бу фан балоғат фани деб юритилмаган. Тил олимлари, ўзи алоҳида мустақил ва бир-бирини тўлдирувчи бўлган учта илм: илми маоний, илми баён ва илми бадиъдан таркиб топган балоғат илмлари ҳақида сарф-наҳв ва луғатга оид китобларни чуқур ўргангандан кийин бу илмни ўрганишар эдилар. Шундай қилиб, кичик рисола ва мақолалар тўпланиб бориб, уни алоҳида мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди.

Илми маонийда маъноларни, баъзи лафзларни ишлатиш усуллари ва баъзи калималарнинг ўрни ва салмоғи ҳақида баҳс юритади. Илми баён эса, керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда

калималарни ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари; Илми бадиъ эса, илми маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушириладиган фикрларни чиройли, бадий, қофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари устида баҳс қилади.

Балоғат фани бўйича ҳижратнинг II асридан бошлаб китоблар битила бошлангани тўғрисида тарих зарварақлари шоҳидлик беради. Энг биринчи бўлиб илми баён ҳақида китоб ёзилган дейиш мумкин. 206-ҳижрий санада дорул бақога рихлат қилган Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрийнинг “Мажозул Қуръон” китоблари илми баённи биринчи бўлиб алоҳида илм сифатида шаклланишига тамал тошини қўйган десак бўлади. Абу Убайда Юнус ибн Ҳабибнинг шогирди бўлиб, ҳазрат Сибавайҳнинг шайхи бўлган.

3. Балоғат фани ривожланишига ҳисса қўшган олимлар.

Ибн ал-Муътазнинг “ал-Бадиъ” асари. Ибн ал-Муътаз бу асарини 274 йил ёзиб тугаллаган. У ушбу китобнинг биринчи сатрлариданок, бу асарини муҳаддислар бадиъ деб ишлатган сўз фақатгина муҳаддислар замонида пайдо бўлган эмас, балки бу атама қадимдан мавжудлигини билдиради. Унинг айтишича; “бу атама Қуръон, ҳадис, исломдан олдинги давр ва ислом кишиларининг кўпларида ҳам бўлган”. У китобнинг бобларида Қуръон, луғат, сунна, саҳобий ва аробийлар сўзлари ва олдин ўтган шоирлар шеърларида учраган бадиъларни келтирган. Унинг фикрича Башшор, Муслим ва Абу Наввослар бу фанни биринчи ижод қилишган, лекин бу ҳол уларнинг шеърларида кўп учрайди. Кейинчалик бу ишга Ҳубайб ибн Авс ат-Тоий кўп меҳр қўйган. Унинг айтишича: “Биз бу китобни ёзишимиздан мақсад, кишиларга бадиъ бобларида муҳаддислар пешқадам бўлишганини билдиришдир. Башшор ва унинг шериклари бу истилоҳни кўп ишлатишган. Абу Тамома эса, бу бадиъни ишлатишда чегарадан чиқиб кетган. У бу ишда гоҳида тўғри гоҳида хато йўл тутган у буборада бир рисола ёзган бўлиб, уни ал-Мирзабоний сақлаб қолган. Бундан бошқа

ўринларда бадиъ бобида биринчи сўз юритган киши Муслим ибн ал-Волид бўлган деб келтирилган.

Баъзи файласуфларнинг таълимотлари. Файласуфлар ҳижрий 3 аср мобайнида Арасту ва Юнон файласуфларидан олган балоғат қоидаларини билганларича такрорлаб юришар эди. Улардан Арастунинг шеър ва нутқ сўзлашга доир икки асарини Юнон тилидан кўпроқ ўринларда Сурёний тилидан араб тилига таржима қиладиганлар ажралиб чиқди. Ҳатто луғатшунослар қаторида Юнон балоғат қиёсларига солиштирадиган кишилар намоён бўла бошлади. Бу борада ёзилган асарларнинг энг биринчиси ал-Киндийнинг (ваф. 252 ҳ.) “Мухтасару китоб аш-шеър” асаридир. Бу асар тўғрисида ибн ан-Нодим: “Абу Бишр Матто ибн Юнус (ваф. 328 ҳ.) бу асарни Сурёний тилидан араб тилига кўчирди ва яна уни унинг шогирди Яҳё ибн Адий (ваф. 364 ҳ.) ҳам кўчирган. Бир ривоятда бу асар тўқиб ёзилган, дейилган” деган. Ибн ан-Надим бошқа бир ўринда; “Исҳоқ ибн Ҳунайн (ваф. 298 ҳ.) уни кўчирганлиги аниқ эмас”, деган. Шунга кўра Матто ибн Юнус бу асарни биринчи бўлиб, араб тилига тўлиқ таржима қилган. Аммо нутқ ҳақидаги китоб борасида ибн ан-Надим икки хил нақл келтирган. Биринчи нақл Исҳоқ ибн Ҳунайнга мансуб бўлиб, иккинчисининг нисбати аниқ эмас.

Қудома ибн Жаъфарнинг “Нақду-ш-шеър” китоби. Бу асарнинг муаллифи ҳижрий 337 санада вафот этган Қудома бўлиб, у ҳам отаси Жаъфар каби Бағдоддаги Аббосийлар девонидаги котиблардан эди. У ўша девонда “ал-Харож ва сунъату-л-китоба”, “Жавоҳир ал-фазл”, “ас-Сиёса” ва “Санъату-л-жадал” номли китоблар муълифи. У “Нақду-ш-шеър” китобини шеър турларини бир неча қисмга бўлинишини айтиш билан бошлаган ҳамда охирги қисмда шеър бобида китоб танлаганлигининг сабабини баён қилади. Унинг фикрича кишилар бу борада кўп хато қилишган, унинг ушбу асари ундан олдинги ёзилган барча асарлардаги яхши ва ёмон шеърларни ажратиб бериш учун ёзилган ягона асар эканлигини айтиб, бу борада бирорта киши етарли даражада ҳеч нарса ёза олмаганлигини баён қилган.

Баён ҳақида ёзилган “Нақду-н-наср ёки ал-Бурҳон” китоби. Тоҳо Ҳусайн ва Абдулҳамид ал-Ибодийлар 1932 йили “ал-Искуриял” кутубхонасида Қудомага мансуб “Нақду-н-наср” номли рисолаи нашр қилишди. Котиб рисола хотимасида “Аллоҳга ҳамд бўлсин! “ал-Баён” ўз ниҳоясига етди”, деб ёзиб қўйган. Шундан билинадики, рисоланинг асл номи “Нақду-н-наср” эмас балки, “ал-Баён” бўлган.

Тоҳо Ҳусайн бу рисола Қудомага тегишли эмас, балки, фикҳ ва дин соҳасида бир неча рисоалар ёзган мутассиб шиа олимига тегишлидир, деб таъкидлаган. Абдулҳамид ал-Ибодий эса бу рисола Қудомага тегишли эканини таъкидлаб келтирган. Бироқ, бу рисолаи Қудомага тегишли эканини на Ибн Адамнинг фихристида на “Мўъжаму-л-удобо”да келганини қўриш мумкин. Бу рисола шундай шубҳа остида турган вақтда 1948 йили Дамашқдаги “Арабча илмий тўплам” ойлик журналида Али Ҳасан Абдулқодир бир мақола ёзади, унда ушбу “Нақду-н-наср” номи билан хато нашр қилинган асар Қудомага мансуб эмас, балки у Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Сулаймон ибн Ваҳбнинг “ал-Бурҳон фи вужуҳи-л-баён” номли китобининг бир жуъи эканлигини таъкидлаган. Али Ҳасан Абдулқодир бу асарни Европа кутубхоналарининг биридан топган. Шу мақола сабабли масала шакл-шубҳа доирасидан чиқади.

Руммонийнинг “Қуръон мўъжизалигидаги ўткирликлар” асари. Бу рисоланинг муаллифи Али ибн Исо Руммоний 356 ҳижрий санада вафот этган. У тафсир, луғат, наҳв ва илми калом тўғрисида кўплаб асарлар ёзган. Ёзган асарларидаги муҳим хусусият шундаки, унинг сўзларни мантиқ илми билан аралаштириб ишлатиши бўлган. У “Қуръон мўъжизалигидаги ўткирликлар” китобини ундаги мазкур ўткирликларни далил ҳужжатларни чўзиб юбормасдан қисқа қилиб тушунтиришни талаб қилган шахснинг саволларига жавоб тариқасида ёзган. У рисолаи енгил услуб билан ёзиб ўша ўткирликларни етти қисмда баён қилган. Булар: 1. даъволар тўлиб-тошиб, ҳожатлар жуда қаттиқ бўлганига қарамасдан Қуръон билан юзлашишликнинг тарқ қилиниши; 2. барчага таҳаддий қилиши; 3. граматик софлиги; 4.

нотиклиги; 5. келажакдаги ишлардан аниқ хабарлар берганлиги; 6. ғайри оддийлиги; 7. ҳар бир ожиз қолдирувчи нарса билан Қуръонни қиёслаб кўриш.

Ушбу рисоланинг бизга муҳим жойи унинг балоғат тўғрисидаги гапларидир. У балоғат уч табақада эканлиги билан бошлайди: 1) Олий; 2) Ўрта; 3) Паст. Олий - бу Қуръон балоғатидир. Ўрта билан паст эса балоғат олимларининг бу илмдаги тафовутлари эътиборига кўра бўладиган балоғатдир. Яна айтадики; балоғат 10 қисм бўлади: 1) ийжоз; 2) ташбех; 3) истибора; 4) талаъум; 5) фавосила 6) тажаннус 7) тасриф 8) тазмин 9) муболаға; 10) хусну-л-баён. Ушбу қисмларнинг ҳар бирини таърифи билан ажратиб келтиради.

Боқиллонийнинг “Эъжозу-л-Қуръон” асари. Бу китобнинг мусаннифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Тоййиб Боқиллоний ҳижратнинг 403 санасида вафот этган. Бу зот ашъарий мазҳабидаги мутакаллимларнинг даҳоларидан бўлган. Унинг жуда кўплаб таснифотлари, Рум уламолари билан қилган баҳсу-мулоҳазалари бор. Унинг “Эъжозу-л-Қуръон” асарини замондошлари эътироф этганлар.

Абдулжабборнинг “Эъжозу-л-Қуръон”и. Қози Абу Ҳасан Абдулжаббор Асад Абадий Эрондаги Буйҳия шаҳрининг катта қозиси бўлган. У зот ҳижрий 415 йилга қадар яъни то вафот этгунига қадар шу мансабда бўлган. Унинг жуда кўп таснифотлари бўлиб уларнинг энг аҳамиятлиси “ал-Мағна фи абвоби-т-тавҳид ва-л-адл” (Тавҳид ва адл бобларидаги бошпана) китобидир. Бу китоб бир неча жузьли бўлиб унинг 16 жузьи эъжозу-л-Қуръонга бағишланган. Бу жузь 348 саҳифадир. Бунда эъжозу-л-Қуръон масалалари ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг нубувватлари тўғрисида сўз юритилган. Қуръоннинг эъжози унинг Расулуллоҳ (с.а.в.) нубувватига далолати учун унинг қандай қилиб ғайри оддий тарзда олий мартабадаги балоғатда воқеъ бўлгани ҳақида баҳс юритилган. Бу жузьлардан бизларга муҳими балоғат тўғрисидаги икки қисқа фаслдир. Абдулжаббор бу фаслларнинг аввалгисида устози Абу Ҳошим Жуббойининг фасоҳат

тўғрисидаги фикрларига қўшилган. Аммо иккинчисида эса калом фасоҳатидаги ўзаро афзалликлар тўғрисида фикри ўзгарган.

“Мажозул Қуръон” китобининг ёзилиши сабаби ҳақида. Машҳур олим Фазл ибн Рабийънинг мажлисида Абу Убайда ҳазратлари ҳам катнашдилар. Шунда одамлар у кишини:

- “Заққум” тўғрисидаги оятни маъносини тушиниш қандай бўлади, шу вақтгача биз шайтонни ва унинг бошини кўрмадик, оятдаги дарахт меваси ва унинг шодасини қандай экан, билмаймиз!? Нимага ўхшар экан, тушинмаймиз? Сиз араб тилини биздан кўра комилроқ биласиз, нима бўлади?- деб саволга тутдилар. Фазл ибн Рабийънинг рухсати билан Абу Убайда ҳазратлари жавоб бердилар. Уларга ўзларига машҳур бўлган ялмоғиз кампирнинг ўткир ва учли тишлари зикр қилинган Қайсийнинг байтини ўқидилар:

أ يقتلنى و المشرق مضاجعى و مسنونة زرق كأنياب أغوال ؟

Мени охир ўлдирурми ул,

Вале, ётар ерим машириқи кулл?

Ҳавони кесгувчи ўткир тишларим,

Ки, ялмоғизнинг кескир тишлари.

Шоир ботирнинг журъатини ва душманнинг ҳам бўш келмаётганини бу байтида баён қилган. Мени у ўлдиради-ми, ахир қандай мени қатл этар экан, ваҳоланки, ётар жойларим машириқларга чўзилган бўлса-ю ва яна ялмоғиз кампирнинг озиқ тишларидек жуда ўткир (қурулларим бор-ку),- шоир ана шундай демоқчи. Зеро, ялмоғиз кампир ҳақиқий мавжуд бўлмаган нарса, уни инсон ўз хаёли билан ўйлаб топган.

Мана шу байт маъносини қандай тушунсангиз, оятнинг ҳам маъноси шундай бўлади. Ким ялмоғиз кампирни кўрган, унинг оғзидаги тишини-чи?! Ҳеч ким кўрмаган, аммо буни ҳамма яхши билади. Доим ундан кўрқитиш ёки даҳшатга солиш учун ишлатилади.

Оятдаги ўхшатиш ҳам, ўхшатиладиган ҳам номаълум бўлган нарсалардир. Яъни, ташбеҳнинг шартларида ўхшатилаётган нарса

эшитувчига маълум ва машхур бўлиши қайд этилган. Аслида эса, араблар барча сурати хунук, кўнгилга ўтирмайдиган, нафрат ва зажр туйғуларини уйғотадиган нарсаларни шайтонга ўхшатишни одат қилганлар. Аллоҳ бу дарахтни, унинг меваси ва мевасининг шодасини шунчалик даҳшатлик, хунук эканини ифодалаш учун ўзлари ишлатадиган ўхшатиш билан келтирган, - деб таърифлаб бердилар.

Бўлиб ўтган бу мулоқот Қуръони каримдаги ана шундай нозик ва дақиқ ўринларни изоҳлаб берадиган китобни таснифотига Абу Убайдани чорлади. Кейин эса, бошқа олимлар ҳам у кишига эргашиб, истиора ва киноялар ҳақида рисоалар ёздилар.

Илми маоний ҳақида биринчи қалам тебратган олимнинг номи маълум эмас. Баъзи рисола ва асарларида Жаъфар ибн Яҳё ҳамда Саҳл ибн Ҳорун каби бошқа олимлар ҳам илми маоний ҳақида сўз юритганлар. Илми маонийни алоҳида мустақил фан ва китоб қилган зот Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиздир. Бу ҳақда иккита китоблари биринчилардан бўлиб олам юзини кўришга ошиқди. “Ал-баён ват-табйин” ҳамда “Эъжозул Қуръон” (Қуръон мўжизалари) номли китоблари ўз вақтида машхур ва мўътабар бўлган. Бу зотдан кейин Абу Аббос ал-Мубаррад ва Қудома ибн Жаъфар ал-Котиб ва бошқалар асарлар битганлар.

Илми бадиъ тўғрисида биринчи китоб Абдуллоҳ ибн ал-Мўътаз ал-Аббосий (296 ҳижрий санагача яшаган)нинг китоби ҳисобланади. Шунгача шоирлар шеърларини илми бадиънинг баъзи-баъзи турларида ижод қилар эдилар. Ибн ал-Мўътаз илми бадиънинг ўн навини жамладилар. У кишининг ҳамасри Қудома ибн Жаъфар буларни ўрганиб чиқиб, навларнинг сонини йигирматага етказдилар. Бунинг етти навида Абдуллоҳ навларига мувофиқ келди. Қолган ўн уч нави янгилик эди. Абдуллоҳ бундан илҳомланди ва изланиб, бошқа ўн етти навни кашф этди. Шундай қилиб, илми бадиънинг навлари жами ўттизтага етди.

Кейинги асрларда ҳар бир олим бу илмнинг ривожига ҳисса қўшиб борди. Натижада илми бадиъда мўътабар ва нодир ҳисобланган китоблар

дунё юзини бирин-кетин кўра бошлади. Абу Хилол Аскарийнинг “Саноатайн”, ибн Рашиқнинг “Ал-Умда” китобларини шулар жумласидан келтирса бўлади.

Илми бадиънинг чўққисини балоғат илмининг шайхи имом Абдулқохир забт этганлар. “Далоилул эъжоз” ҳамда “Асрорул балоғат” китоблари ҳалигача ўз қимматини йўқотмаган, мўътабар манбалардан ҳисобланади. Бу кишидан кейин илми бадиънинг беназир шоҳсупасига форс ўғлони Абу Яъқуб Юсуф ас-Саккокий чиқдилар. Ас-Саккокий балоғат илмларини яхшилаб ишлаб чиқиб, уни илм, боб ва қисмларга ажратдилар. Китобларининг номи “ал-Мифтоҳ” бўлиб, қолган барча уламолар балоғат илмлари соҳасида ас-Саккокийга муҳтождирлар.

Балоғат илмларини мукаммал ўрганишимиздан аввал унда кўп ишлатиладиган баъзи атама – термин, яъни балоғат ва фасоҳат ҳамда уларга алоқадор истилоҳлардан хабардор бўлишимиз керак.

Бўлим номи	Арабча	Мазмуни
Илмул баён	علم البيان	Бир маънони турли услубда ифодалаш
Илмул маоний	علم المعاني	Гап тузилиши ва маънони вазиятга мос ифодалаш
Илмул бадиъ	علم البديع	Нутқни безаш усуллари

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Балоғат фанининг таърифини айтинг.
2. Балоғат фанининг аҳамияти қандай?
3. Балоғат фанининг ривожланиш босқичлари нечта?
4. Балоғат фани ривожланишига ҳисса қўшган олимлардан кимларни биласиз?
5. Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрийнинг “Мажозул Қуръон” китобининг балоғат фанида қандай аҳамияти бор?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтаҳ. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннахр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

2-мавзу. Фасоҳат

Режа:

1. Фасоҳатнинг луғавий ва истилоҳий маънолари.

2. Калиманинг фасоҳати.

3. Сўзловчининг фасоҳати.

Мавзуга доир истилоҳлар: балоғат, фасоҳат, таркиб, илми баён, илми маоний, илми бадиъ, ижоз, мажоз, киноя, калима фасоҳати, танофур, шадид, хафиф, ғароба, танофур, зеъфут таълиф, таъкид, такрор, возеъ, муҳолифатул вазъ, ғайри зоҳир, танофур, ғаройиб, муҳолифул қиёс, зеъфут таълиф, таъкиди лафзий, такрор, ихлол, таслим, тазниб ва тағйир

1. Фасоҳатнинг луғавий ва истилоҳий маънолари.

Фасоҳат лафзининг луғатда баён ва зоҳир, очиқ, аниқ қилиш маъноларини билдиради. Араблар бола тили чиқиб равон гапира бошласа болани тили – гапириши зоҳир бўлди маъносида *أفصح الصبى فى منطقه* -, дейдилар. Тонгда ёруғлик қоронғуликдан ажралса, *أفصح الصبح* тонг, қоронғуликдан ёруғлик ажралди, зоҳир бўлди, - дейдилар. *هذا يوم مفصح* Бу кун мусаффо, осмонда булут йўқ ҳамда *أفصح اللبن* сут ёғидан ажралди, қаймоғи чиқди, - деб фасоҳат лафзини санаб ўтилган маъноларда ишлатадилар.

Истилоҳда эса, тайинли таърифи йўқ, лекин фасоҳат уч калиманинг бирига боғланиб келганда, таъриф келтириш мумкин. Балоғат олимлари наздида фасоҳат калима калом ёки мутакаллим лафзларига боғланиб келади ва ўз ўрнида маъноларни аниқ, маълум ва машҳур эканига далолат қилади.

Бундан калиманинг фасоҳати, каломнинг фасоҳати ва мутакаллимнинг фасоҳати бўлишини билинади. Фасоҳатни ўзини сўзамоллик, нотиклик ва ҳатто ҳозиржавоблик, деб маъно берадилар. Балоғат илми эътибори билан эса, фасоҳат ҳар бир калима ва гап маъноларини ҳамда лафзларини ҳаммага тушинарлик, маълум ва машҳур қилиб келтириш ҳисобланади. Нотикдаги бу сифатлар унинг фасоҳатини белгилайди. Шунинг араблар фасих калима, фасих калом ёки фасих мутакаллим дейдилар.

2. Калиманинг фасоҳати.

التعريف : فصاحة الكلمة هي سلامتها من العيوب الثلاثة : تنافر الحروف و مخالفة الوضع و الغرابة

Калиманинг фасоҳати, яъни калима маъноларининг маълум-машҳур ва тушунарлик бўлиши унинг учта айбдан саломат бўлишидир. Бу айблар: 1) Калима ҳарфларининг биридан беиши; 2) Калима машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги; 3) Калимани соф араб тилида йўқлигидир.

Ҳарфларнинг бир-биридан беиши асосан талаффуз қилишга қийинлигидан пайдо бўлади. Тил ҳарф маҳражларига бориб келишга улгурмайди, натижада лафз бузиб айтилади. Бу эса ўз навбатида калима маъносини чалкаш ва тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Араб калималари ва уларни маъноларини аниқлашда вазн алоҳида аҳамият касб этади. Соф бадий тил бу вазнларни ўз ўрнида ишлатилиши талаб қилади. Ҳақиқий вазнидан бошқа вазн билан келтирилса, маъноси бузилади ёки ғалати, яъни хато бўлади. Бундай ҳолатлар калима вазни бузилишида рўй беради ва муҳолифатул вазъ бўлимида ўрганилади.

Ғароба кўпинча, соф араб тилида бўлмаган сўзни араб тилига хос хусусиятлар билан аралаштириб келтиришдан ҳосил бўлади. Энди буларни ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқамиз.

تنافر الحروف

التعريف: هو وصف في الكلمة ينشأ عنه ثقلها على اللسان و عسر النطق بها

Калима ҳарфларининг бир-биридан беиши (танофур) калиманинг ўзидаги ҳолат бўлиб, талаффузни ва тилга қийин келишини туғдиради. Бу асосан калимадаги ҳарф маҳражларининг бирига жуда яқинлиги ёки бир маҳраждан экани сабаб бўлади. Шунинг учун товушларни меъёрга келтириб берувчи тил ҳарфларнинг ҳар бирини маҳражга бориб келишга улгурмайди. Натижада талаффуз қийин, тилга ҳам бу лафз оғирлик қилади. Танофур икки хил бўлади: қаттиқ – шадид, яъни талаффузи жуда қийин ва енгил – хафиф, бунда талаффузи кўп оғир ва қийин бўлмайди.

Шадид танофурга мисол: الظَّنّ янтоқ (туянинг севимли емиши), қаттиқ тепалик. Биринчи калимадаги ҳарфларнинг маҳражи битта бўлиб, ҳаммаси ҳалқум маҳражидан чиқяпти. Иккинчи калима ҳарфлари эса тил

махражидан келяпти. Кўриб турганингиздек, бу калималар тилга оғир, талаффузи ҳам қийин. Ана шундай калималарни ғайри фасих, яъни фасоҳатли бўлмаган калималар дейилади.

Хафиф танофурга мисол: المستشزرات тиниқ, шаффоф сув, кўтарилган, кўтариб қўйилган ёки ғилай қилиб қўювчи маъноларида бўлиб, шоир Имриул Қайс мусташзиротни ушбу байтида аввалги икки маънода ишлатган:

غداًر مستشزرات إلى الغلا تضل العقاص في مثني و مرسل

Ёримнинг сочи қалин жуда,

Эблай олмас уни бунда.

Ўрилган сочи гоҳи тик турар,

Гоҳ оёқларига ўралар.

Кўриб турганингиздек бу мисолларда ҳар бир ҳарф махражлари яқинлиги ёки бир махраждан экани сабаб талаффузга ва тилга қийинчилик туғдирыпти.

Биринчи мисолимизда калиманинг ҳарф махражлари битта – тил (лисон) махражида, иккинчи мисолдаги ҳарф махражлари эса ҳалқум махражида жойлашган. Демак, ҳарф махражлари битта ёки бир-бирига яқин бўлган калималар тилга оғир, талаффузи қийин бўлиб, улар ғайри фаси ҳисобланади.

Аммо баъзан мазкур сифатлари бор, лекин фасих ҳисобланган калималар ҳам учрайди. Улар тилга енгил ва талаффузга оғир бўлмагани учун шундайлигича ишлатиш қабул қилинган الشجى ҳазин, хафа, дардлик; الجيش кўшин; Қуръони каримдаги ألم أعهد “аҳдлашмаган эдимми?!” каби калималарини мисол келтириш мумкин.

مخالفة الوضع

التعريف: هي أن تكون الكلمة مخالفة لما ثبت عن الواضع سواء كانت مخالفة للقياس الصرفي أو لا

Калиманинг возеъ томонидан қўйилган машҳур вазнларга хилоф бўлиши, уларга мос келмаслиги бўлиб, унинг сарф қоидалари ёки бошқа қоидаларга тўғри келмаслиги баробардир.

Маълумки, араб тилида калималарнинг вазни маъноларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бирини ўз вазнида келтирилмас экан, маънога ҳам, талаффузга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тажвид қоидаларида бунини лаҳн ёки лағв деб айтиладики, улар хато сўз саналади. Биз эса нутқимизни ана шундай нуқсонлардан тозалашимиз керак.

Аммо кўпинча шоирлар шеърларининг вазни, қофияси ва бошқа санокларини келиштириш учун ана шу қоидаларни бузишга йўл қўядилар. Бунга мисол шоир Мутанаббий шеъридаги “буқот” калимасидир. Шоир шох атрофидаги ҳамма кишилар ҳам халқ ғамида бўлмаслигини қаламга олади:

فإن يك بعض الناس سيفاً لدولة ففى الناس بوقات لها و طبول

Давлат-чун қилич бўлур одамларни сараси,

Лек аларнинг орасинда бор одамларни оласи.

Қилич бўлмоғин билдинг эй, ёшу гайёра!

Билки, баъзилари чалур сурнаю нағзора!

Баъзи одамлар давлатнинг тинчлиги, тараққиётини таъминлашда қилич бўлсалар, уларнинг баъзилари эса, қўлидан иш келмайдиган карнайчи-ю нағорачидирлар.

Ушбу байтдаги بوقات лафзи қоидага ҳилоф равишда зикр қилинган, чунки бу лафзнинг муфради, яъни бирлик сийғаси باب أبواب каби қоидага вазнида келиши керак эди. Қоидага кўра, агар исм калималарнинг ажваф ақсомига тўғри келса, яъни айн бобидаги ҳарфи ноқис-иллат ҳарф бўлса, у албатта أفعال синиқ бўлган жам-кўплик вазнида келади. Шунга кўра: باب أبواب ، قول أقوال ، مال أموال، حال أحوال ва ҳаказо бўлади.

Шоир шеър вазнини риоя қилиш учун بوقات лафзини бузиб келтирди ва натижада у ғайри фасиҳ бўлди. Шу билан бирга маъносини ҳам англашда қийинчилик туғдирди.

Сарфий вазннинг бузилганига мисол:

الحمد لله العلىّ الأجل أنت مليك الناس رباً فأقبل

Ҳамду сано жалолатлиқ олиймақом Аллоҳга хосдир,

Зоти инсонга подшолиқ ва мураббийлиқ сенга мосдир!

Қабул қилай сени раббим, зоти нигорим!

Банданг бўлай, эй мени Парвардигорим!

Ушбу байтдаги **الأجل** калимаси сарф қоидасига хилоф истеъмол этилгани учун ғайри фасихдир. Асл қоидага кўра **فعل** нинг айн ва лом баробарида икки ҳарф бир жинсдан келса, айн ва ломни бир-бирига киритиб, идғом билан ўқиш вожиб бўлади. Ушбу калимада ҳам, **فعل** нинг айн ва лом баробарида икки ҳарф бир жинсдан келди. Уни идғом қилиб, **الأجل** деб ўқиш керак эди. Аммо шоир шеър вазнини бузмаслик ва қофия мос келиши учун факкул идғом, яъни идғомни очиб юборди.

Гоҳ **قال** “деди” каби лафзларни **قَوْل** шаклида ишлатилиши учрайди. Бу ҳам хатодир. Чунки, қоидага кўра, ҳаракатлик **واو** ёки **ياء** ҳарфларидан аввалги ҳарф фатҳалик бўлса, бу ҳарфларни **الف** га айлантириш вожибдир.

Баъзан мазкур қоидага хилоф бўлса ҳам, фасоҳатлик саналган калималар истеъмолда учрайди. Тилга енгиллиги, талаффузининг осонлиги буни асосий сабабидир. Масалан: **أبى أبى** *ибо қилди, юз ўғирди* феъли аслида **ضرب يضرب** урди вазнида келиши керак. Аммо музорийда айн бобини касра билан айтиш тилга қийинроқдир. Енгил ҳаракат ҳисобланган фатҳа билан айтилади ва фасоҳатлик саналади.

الغرابية

التعريف: هي أن تكون الكلمة وحشيّة أى غير ظاهرة الدلالة على المعنى

Ғароба луғатда ғариб, ёлғиз, камёб, нодир ва бегона бўлиб, истилоҳда маънога очиқ далолат қилмайдиган бегона (ёввойи) калимадир. Бундай бўлишини икки сабаби бўлади: 1. Калима соф араб тили истеъмолида йўқлиги бўлиб, унинг маъносини тушуниш учун луғатлар ва ажам тилларига мурожаат қилиш керак бўлади. Мисол: машҳур наҳв олими Исо ибн Умар бир куни бозордан ўтиб кетаётганларида беҳосдан уловларидан йиқилиб тушдилар. Атрофларига дарҳол одамлар тўпландилар. Уларга ғашлари келган олим:

ما لكم تكأّاتم على كتكأّوكم على ذى جنة افرنقوا
(تكأّاتم و افرنقوا) лафзлари ғайри фасихдир. Чунки, бу лафзлар соф араб тилида

истеъмол қилинмайди, шунинг учун маъноси ҳам маълум эмас. Буларнинг маъносини билиш учун қадимги араб-иброний тилига мурожаат қилиш керак бўлади. Шунда انصرفوا – اجتمعتم و افرنقوا – تكأكأتم ижтимоъ - жамланиш, тўпланиш ва инсироф - тарқалиш, кетиш маъноларида экани маълум бўлади. Демак, олим бундай деган экан:

ما لكم اجتماعتم على كاجتماعكم على ذى جنة انصرفوا

*Менинг бошимга жинни одамнинг олдига тўплангандек тўпландингиз?!
Тарқалинглар!*

Демак, ўзга тиллардан кирган калималар ҳам маъносини тушунарлик бўлмагани учун ғароба, ғайри фасих бўлар экан.

2. Калимани бирор ишорасиз умуман бошқа маънода ишлатиш бўлиб, унинг маъносини аниқлаш учун баҳс юритиш керак бўлади.

Шоир ўз маҳбубасини таърифлар экан, унинг гўзаллигини бир қиррасини المسرح лафзи билан ифодалайди:

أيامٌ أبدت واضحا مفلجا أغر براقا و طرفا أدعجا

و مقلّة و حاجبا مزججا و فاحما و مرسنا مسرجا

Ёдимда ҳандон отиб кулиб намоёнларинг,

Оралари очик маржон дандонларинг.

Яшин ёғдусидек кўнглимни равшан этдинг,

Ки оҳудек қаро кўзлар-ла ўзингга ром этдинг.

Камондек ингичка узун сийрак қошларинг,

Қаро тунни уёлтирмиш дароз сочларинг.

Арқонланган, юганланган гоз бошларинг!

Бу المسرح калимаси туя каби ҳайвонларнинг юганланган ҳолатига айтилади ва уни инсонга нисбатан ишлатиш ғайри табиий ҳолдир.

Балки, шоир юганланган туя чиройли кўринишини назарга олиб, ёрининг бурнидан қулоқлари узра тақилган болдоқларини гўзаллигини тасвирлашга урингандир. Калима умум истеъмолдан бошқа ўринда бошқа мақсадда ишлатилди. Ғайри фасих, ҳам ғароба бўлди.

Бунга яна баъзи китобларда учрайдиган “ахшияж” калимасини мисол қилиш мумкин. Бу калима ҳам маъноси маълум эмас. “Хадойиқус сеҳр” китобида “ахшияж” лафзи арабча ضد “зид” маъносида келади. Аммо “зид”ни бошқасидан кўра кўпроқ ишлатилади, дейилган.

فصاحة الكلام

و هي سلامتها عن العيوب الثلاثة: تنافر الكلمات و ضعف التأليف و التعقيد

Каломнинг фасоҳати, маъноларининг аниқ ва тушунарлик бўлиши уч айбдан саломат бўлишидир. 1. Калималарнинг бир-биридан беиши; 2. Гапни хато тузилгани; 3. Маъносини чигаллиги.

Калималарнинг бир-биридан беиши ўзбек тилидаги тез айтишларга ўхшаш, калималарнинг ҳарф маҳражлари яқин бўлгани ва бир нафас билан айтишда тил калималарни кетма-кет талаффуз қилишга қийналади. Натижада калималарнинг бир-биридан қочиши, яъни танофури пайдо бўлади.

Гапнинг хато тузилиши асосан наҳв қоидаларини бузишдан келиб чиқади.

Гап маъноси тушунарсиз бўлиши гап бўлақларини ўз ўрнида келтирмасликдан келиб чиқади. Энди буларни ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқамиз.

تنافر الكلمات

هو وصف في الكلمات مجتمعة يوجب ثقلها على اللسان و عسر النطق بها

Калималарнинг бир-биридан беиши калималар биргаликда ўқилганда уларни тилга қийинлигини ва талаффузга оғирлиги келиб чиқишидир. Ҳудди танофурул ҳуруф каби, бу танофурнинг ҳам сабаби бир калимани такрор келиши ва ундаги ҳарф маҳражлари ўзгарган ҳолда ёнма-ён келиши ёки шу кабилар бўлиши мумкин. Аммо калималар алоҳида олинганда ҳар бири фасоҳатлик бўлиши керак. Калималардаги бир-биридан беишни ҳам қаттиқ ва енгил турлари бор.

Шадид танофурга мисол: ривоят қилишларича, баъзи саҳобийлар ғазотдан қайтаётганларида Ҳарб ибн Умайянинг қабри олдидан ўтганлар. Шунда баъзилари жинларнинг бу байтни ўқиётганини эшитганлар:

و قبر حرب بمكان قفر و ليس قرب قبر حرب قبر

*Қабри Ҳарбни қабр йўқ бир қурбида,
Қабри Ҳарбни ўрни баланд ўринда.*

Ҳарбнинг қабри даштдек кимсасиз баланд жойдадир, унинг қабри якинида ҳеч қабр йўқдир.

Бу байтнинг иккинчи мисрасида танофурул калимотнинг кўряпсиз. Чунки, бу мисрадаги калималарни бирга айтиш мушқил бўляпти. “Қабр”, “Ҳарб”, “қурб” каби калималарни бирга ўқишда тил талаффузга қийналади, махражларга бориб келишга улгурмайди. Шунинг учун бу калом ғайри фасих ҳисобланади.

Бу каби мисолларни ўзимиздаги тез айтишларимизда кўришимиз мумкин: Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ; Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди; Салима Салимдан савол сўрадимиз, Салим Салимадан савол сўрадимиз?; Олим олдидаги олтига олмани олди; Ҳашар – ҳашардан шаҳар яшнара ва ҳаказо.

Хафиф танофурга мисол: шоир Абу Таммом ўзи мақтаётган кишига шундай эътироз билдиради:

كريم متى أمدحه أمدحه و الوری معی و إذا لمته لمته وحدي

Мақтасам одамлар ҳам мен билан уни мақтарлар,

Осмонга кўтариб, нарвонни олиб қўярлар,

Каромату саховоти мақтовлардан жўш урар.

Маломат айласам гар ани, ёлғиз ўзим айбларман ани,

Не учунким, чю чигунасин бир ўзим биларман ани.

Аввалги мисрадаги أمدحه أمدحه лафзларининг такрор келиши тилга оғир бўляпти. Бу каломнинг ғайри фасих эканини билдиради.

ضعف التأليف

التعريف: هو أن يكون الكلام في تركيبه مخالفا للمشهور من قوانين النحو كالإتيان بالضمير متصلا بعد "إلا"
و كالإضمار قبل الذكر

Каломнинг бўш тузилгани, таркибида машҳур наҳв қоидаларига ҳилофликнинг, тўғри келмасликнинг борлигидир. Масалан, "إلا" истисно

харфига муттасил замир бериш ёки замирни илгари зикр қилиш кабилар бўлиши мумкин. Бунда замирлар лафзий, маънавий ёки ҳукмий бўлиши мумкин. Шеър:

و ما علينا إذا ما كنت جارتنا ألا يجاورنا إلاك ديار

*Мадомики, бизга жавр қилар экансан, парвоимиз йўқ,
Сендан ўзга диёрлар бизни қўшниликка олиб келдилар,
Огоҳ бўлким, сендан ўзга диёрлар жавридин биз тўқ.
Биз парво ҳам қилмаймиз, хотиримиз жам,
Жавру адолатсизлигинга, бор сабримиз ҳам.
Аё, сендан бошқа диёрлар бизни қўшни қилди,
Аё, сендан ўзга қанчалар бизни яқин қилди!*

Байтда шоир ҳарфи истисно бўлган "إلا" га замири муттасил бўлган "ك" мухотабни келтирди. Қабул қилинган қоидага биноан эса, бундай ҳарфларга муттасил замирлар келиши дуруст эмас, балки мунфасил замир, яъни алоҳида келадиган олмошларни бериш керак. Шоир, "إلا أيك" дейиши керак эди. Аммо у фасих бўлмаган йўлни танлади.

Шоирларда يجوز للشاعر ما لا يجوز لغيره бошқаларга жоиз бўлмаган иш, шоир учун жоиз бўлади, деган қоида юради. Улар шу қоидани ўзларига кучлик дастак қилиб олганлар. Ваҳоланки, шеър зарурати деган баҳона етарлик, кофий ва вофий сабабдир. Бундай ишлар асосан араб шоирларига хосдир. Уларга бу ишларни мумкин санамоғимиз ҳам дуруст, чунки улар каломи назмнинг асосчилари ва шеър йўллариининг йўлбошчиларидирлар.

Каломнинг фасоҳатига айб бўлувчи иллатлардан бири гапда замир, яъни эгалик ва бошқа олмошларни тартибиги ҳилоф равишда илгари келтириш ҳисобланади. Маълумки, олмошлар ўзидан аввалроқда ўтган бирон исмдан бадал бўлиб, унинг маъносига ва мақсадига ишора қилади. Албатта, бундай замирларни аввал келтириш билан гап маъносин англаш мушқиллашади. Бу билан гап ғайри фасих бўлиб қолади. Бунинг мисолига араб шеърияти дурдоналаридан ушуб байтни келтириш мумкин:

و لو أن مجدا أخذ الدهر واحدا من الناس أبقى مجده الدهر مطعما

*Ёри бўлса эди кишига бахту омад,
Кишини мангу қилур эди бу саодат,
Гар бўлса, башар орасида ўшал зот,
Бешик бўлгуси эди ул, Матъамдек зот.*

Байтнинг иккинчи мисрасидаги **مجدہ** лафзидаги **о** олмоши ўзидан кейин зикр қилинаётган Матъам лафзига тегишлидир. Буни унинг маъноси ҳам билдирыпти. Аммо уни мана шу жойда, яъни Матъам лафзидан аввал келиши “الإضمار قبل الذكر”, яъни замирни илгари келтириш бўлади. Бу билан калом ғайри фасих бўлди.

Форс тилида ҳам изофалик иборада музоф илайҳни музофдан аввал келтириш мисол бўлади. Масалан улар Алининг ғуломи, деган маънони ифодаладиган қилиб, “Ғуломе Али” деб эмас балки, “Алий-и ғулом” дейдилар.

Араб тилидаги бундай иллатга машҳур ушбу мисолни келтирадилар: **زيد ضرب غلامه** яъни, урди ғуломини Зайд.

Гап бўлаклари бўлган эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, сифат ва бошқаларнинг араб тилида ҳам ўз ўрни бор. Улар ўз ўринларида келиши шартдир. Ўрни ўзгарса, калом фасоҳатига айб ёпишади ва уни ғайри фасих қилади.

التعقيد

هو أن يكون الكلام غير ظاهر الدلالة على المعنى المراد لخلل واقع فيه

Таъқид каломдаги иллат туфайли ирода қилинган маънога очиқ далолат қилмаслиги, яъни мақсадининг чигаллигидир. Бу иллатларга гап бўлақларининг ўрни ўзгариши сабаб бўладиги, унинг маъносини англаш мушкул бўлиб қолади. Таъқид икки хил: лафзий, яъни лафзларни хато келтирилиши ва маънавий таъқид – гап маъноси ва мақсадини чигаллиги ҳисобланади.

Лафзий таъқид – гапнинг назми ёки таркибидаги иллат, яъни тақдим (илгари келтириш), таъхир (кейинроқ келтириш), фасл (ажратиш), хазф

(олиб таишлаш) ва шу кабилар сабаб маъносини англашни мушкиллигидир. Унинг каттиқ – шадид ва енгил – хафиф турлари бор.

Шадидга мисол: Шоир Фарзадақ халифа Ҳишом ибн Абдумаликнинг тоғаси Иброҳим Махзумийни мақтайди.

وما مثله فى الناس إلا مملكا أبو أمه حى أبوه يقاربه
Қишлоқдаги ҳешу ётлар орасинда топилмас,
Тенги йўқ, ақлу фазилат-ла аларда топилмас,
Топар бўлсанг, ани шоҳлар наслидан кўргил,
Онасининг отаси, унинг ҳам отаси билгил.

Байтнинг мазмуни мана бу кўринишда бўлади:

وما مثل هذا الممدوح فى الناس حى يقاربه فى الفضائل إلا مملكا ، أبو أمّ ذلك الملك أبو الممدوح أى لا يحاكيه إلا ابن أخته

Шоирнинг мадҳига тушган зотнинг одамлар ичида қишлоқ қариндошларида ҳам ўхшаши бўлса, фақат маликлардан бўлиши керак. Ўша малик онасининг отаси мадҳга тушганнинг ҳам отасидир. Яъни, унга малик бўлган онасининг ўғли тенг келади.

Ушбу байтда 4та иллат бор: 1. Бадал ва мубаддал минху ўртасида **фосила** : حى – бадал, مثله – мубаддал минху; 2. Мустасно – مملكا ни мустасно минху – حى га **тақдим**; 3. Мубтадо ва хабар – أبو أمه أبوه ўртасида **фосила**; 4. Мавсуф-сифат – حى يقاربه ни ўртасада **фосила**. Байт мазмуни шарҳланган гапда ҳаммасини ўз ўрнига қўйиб, гапга тушунарлик маъно берилди.

Хафифга мисол: Шоир Абу Тоййиб Мутанаббий қоғозга нақш чизадилар:

جفخت و لا يجفخون بها بهم شيم على الحساب الأغر دلاءل

Боболари мавқеига қилди фахр,
Боболар ҳеч қилмадилар фахр.
Фахрлари амалу фазоил ила боқий,
Топганлари ўзлари чун вофию кофий.

Ушбу байтда қуйидаги иллатларни кўриш мумкин: 1. Феъл ва фоил *جفخت شيم* ўртасида **фосила**; 2. Мавсуф-сифат *شيم دلاءل* ўртасида **фосила**. Маълум бўлдики, жумла маъноларини англаш қийин, демак у ғайри фасихдир.

Маънавий таъкид – гапнинг зоҳирий маъноси англангандан кейин гапдан ирода қилинган мақсадни зеҳн аста идрок этишидир. Гапни мухотаб эшитиши биланок, бирон нарса тушунади, лекин бу сўзлардан мақсад нима эканини мулоҳоза қилишга мажбур бўлади. Бундай жумлаларни тушуниш учун калималарнинг зоҳирий, яъни очик, дарҳол маълум бўлган ва хафий, яъни яширин маъноларини топиш ва билиш керак бўлади.

Дўстлар дийдорига кучли соғинч ҳақида шоир Аббос ибн Аҳнаф қалам тебратади:

سأطلب بعد الدار عنكم لتقربوا و تسكب عيناى الدموع لتجمدا

Узоқларга кетаман сиз яқинроқ бўлинг деб,

Селдай ёшлар оқизсин кўзларим, ҳам қурисин деб.

Сизларга яқинроқ бўлиш мақсадида тезда узоқларда яшашга ҳовли излайман. Ҳар сафар кўришганда кўз ёшлар сел бўлиб оқсин, кўзлар қуриб қолсин.

Шоир ёронларидан уларни жуда яхши кўрса-да, йироқларда маскан қилишни хоҳлайди. Ҳижрон ва айрилиқ, соғинч ва аламга у парво қилмайди. Чунки шундай бўлса, ўртада учрашувга шавқ ва интилиш кучли бўлади. Шодлиги ҳам узоқ ва ёқимли кечади. Бунда гўё вақтни алдамоқчи ҳам бўлади, лекин асосий мақсад дўстлар дийдорига ҳақиқий маънода етиш, унинг ришталарини мустаҳкамлашдир.

Шоир *لتجمدا* лафзини ишлатиши билан икки нозик кинояга ишора қилган:

1. Кўз ёшларнинг селдек оқиши ёронлардан айрилиқ, ҳижронга ташвиш ва хафаликни ифодалайди. Бу билан чиройли киноя ишлатган ва у тўғридир. Чунки, йиғи одатда хафалик, ғам-ғусса ва шу кабиларнинг белгиси ҳисобланади.

2. Кўз ёшларнинг селдек оқишини хурсандликдан киноя қилган. Дўстлар дийдори гўё барча ғам ва хафаликлардан озод қилгандек ҳамда энди фақат шоду-хуррамлик келганини киноя қилмоқчи бўлган. Бу киноя эса муваффақиятли чиқмаган. У хатодир. Чунки, кўз ёшлар хурсандлик эмас, балки қаттиқ хафалик, ҳазин ишораси бўлади. Ёш қолмагани, қуриб қолиши ҳам дард-аламга далолат қилади.

Балоғат уламолари каломнинг фасоҳатли бўлиши учун асосан мазкур учта айбни келтирганлар. Аммо ўрганиб кўрилганда уларнинг ҳаммаси ўн хил экани маълум бўлди. Улар танофур, ғаройиб, муҳолифул қиёс, заъфут таълиф, таъқиди лафзий, такрор, ихлол, таслим, тазниб ва тағйир дейилади.

Такрор ҳам гап фасоҳатига тушадиган нуқсонлардан ҳисобланади. Таърифи:

التكرار هو أن يكثر فيه التكرار أو تتوالى فيه الإضافات

Каломда лафзлар (кўпинча замирлар)нинг қайта-қайта келиши ва ёки изофа занжири жуда узунли бўлиши такрордир. Мисоллар ёрдамида танишиб чиқамиз. Шоир Абу Тоййиб отни сифатлайди:

تسعدنى فى غمرة بعد غمرة سبوح لها منها عليها شواهد

Саман отим зотдор от,

Юрмогин сузмоқ деб боқ.

Унинг чун, ундан ҳам унга кўп,

Шоҳидларни бисёр деб боқ.

Ҳар сузганда қара бу ажаб отга,

Ғарқ этар каминани нақд саодатга.

Шоир унинг балиқдек енгил ҳаракатлари, булутдек учиши менга саодат бахш этади, уни шундай кўриб қувнайман,- деб айтмоқчи бўлади.

Байтдаги لها хабари муқаддам ўзи махзуф лафзга мутааллиқ, شواهد дан شواهد ни ўзи мубтадои муаххар га мутааллиқ, عليها эса شواهد га сифатдир. жумла سبوح ҳол бўляпти.

Иккинчи мисрадаги замирларнинг такрори калом фасоҳатига ҳалал беради.

Изофа занжирининг узунлигига мисол: шоир ибн Бобук кабутарга дил розини айтади:

حمامة جردا حومة الجندل اسجعى فأنت بمرأى من سعاد و مسمع

Сайра кабутар сайра,

Сенинг жойинг гиёҳ унмас,

Тепаликдир, сув чиқмас,

Шагалдир у жой, тупроқ эмас,

Зероки, сен эй, кабутар

Нигоҳим етган жойда

Овозинг борган жойда

Саодат сенга ёр бўлар.

Биринчи мисрадаги ҳамома, журъо, ҳавма, жандал лафзларининг бири-бирига кетма-кет изофа занжири калом маъносини англашга мушқиллик туғдирыпти. Бу эса калом фасоҳатига айб ҳисобланади. Бу каби гап ва жумлалар ғайри фасих дейилади.

3. Сўзловчининг фасоҳати. Гапирувчининг фасихлиги бу энг аввало, унинг гапларининг равонлиги, ҳаммага маълум ва машҳур бўлиши, сўзларни ўз ўрнида ишлата билишидир. Таъриф:

فصاحة المتكلم هي صفة قائمة بنفس المتكلم يستطيع بها أن يعبر تعبيراً صحيحاً

мутакаллим, яъни нотик фасоҳати ўзининг кўнглига келган фикр ва мулоҳазаларни саҳиҳ, аниқ ва фасоҳатлик ифодалашга қодир этадиган ҳислатдир. Мутакаллим тажрибаси ва малакасидир. Киши фасоҳатлик гапириши учун аслида Аллоҳ бу фазилатни унга илтифот қилиши керак. Қолаверса, изланиши, кўп адабиётлар мутоала қилиши, айниқса, Қуръони карим, ҳадиси шарифлар фасоҳатига, улуғ мутафаккир олимларнинг асарларидаги сўз ишлатиш услубларига эътибор бериб, ўрганиб бориши керак бўлади. Калима ва каломнинг фасоҳатларига риоя қилган ҳамда хоҳлаган мавзуда дилидаги гап, фикр-мулоҳазаларни юзага чиқара билса, уни фасих дейиш жоиз. Аммо бунга қодир бўлмаса фасих бўла олмайди.

Мавзу деб, мадҳ – мактов, мазаммат – ёмонлаш, рисо – марсиялар ўқиш, бирон кишини (вафотидан сўнг, баъзан ҳаётлигида ҳам) шаънини улуғлаш, фахр, ташбиб – шеърхонлик, ғазалхонлик қилиш ва бошқа мазмун-моҳиятларни ифодалаб беришга чорловчи, гап-сўзларни маржондек териб нутқни гўзал қилишга ундайдиган мақсадларни келтириш мумкин.


Мутакаллим ўзининг фасоҳатига ёрдам ёки халал берадиган шартларга катъий риоя қилмоғи керак:

1. Калима ва каломнинг фасоҳатига риоя қилиш;
2. Бир оз бўлсада товушини ўз ўрнида баландлатаб-пасайтариб гапириш;
3. Гапираётганда эшитувчининг эътиборини чалғитадиган ёки зериктирадиган турли ҳаракатлардан сақланиш лозим бўлади. Масалан, юзи, сақолини силаш, бошини ва бошқа аъзоларини қашиш, бурун ковлаш, кийим ўйнаш, бирон кишига ёки нуктага қараб гапириш, сўз келмай қолганда турли товушлар чиқариш – йўталиш, тамоқ қириш, бурун тортиш каби, маъруза ва нутқи давомида баъзи сўзларни билиб ё билмаган ҳолатда ўринсиз такрорлаш, бундай сўзларни паразит сўзлар ҳам дейилади – масалан, энди, хўш, хўп, ана, инчунин, яъни ва ҳоказо;
4. Оят ва ҳадисларнинг маъноларини ўзбекона бадий тилда жаранглатишга ҳаракат қилиш;
5. Эшитувчиларнинг билим салоҳиятини ҳисобга олиб, фанда қўлланадиган истилоҳий терминларни ишлатишда эҳтиёт бўлиш;
6. Имкон қадар соф бир тилда гапириш, бошқа тил луғатларини келтирганда эса, унинг маъноларини ҳам англатиб ўтиш ва бошқа шу кабиларга риоя қилиб, нутқини равон ва таъсирлик қилишга эътибор қаратмоғи зарурдир.


Балоғат илмларининг билимдонларидан бири Шамс-и Қайс шундай деган: шоирлар вазн бутун, қофия дуруст бўлиши учун шеърларига ўзгаришлар киритадилар ва шеърини ёки маънавий хатоларни жоиз деб ҳисоблайдилар. Шоирларнинг бу тўғрида يجوز للشاعر ما لا يجوز لغيره бошқаларга

жоиз бўлмаган иш, шоир учун жоиз бўлади, деган кучли қоидалари бордир. Аслида шеър зарурати деган баҳона етарлик. Аксари бундай ишлар араб шоирлари қаламига мансуб. Зеро, улар шеърят мулкининг асосчилари ва унинг султонлиги йўлларини бошловчиларидирлар. Тил қоидалари, сарфнаҳв ўзгаришлари ҳам турли-тумандир.

Мутааххир уламолар қадимгиларнинг айб ва нуқсонлик саналаган ишларидан бошқаларига эргашмоқ дуруст, деб ҳисоблайдилар. Демак, болиғ ва фасих ўз назму насрида ва нутқида, хослар билан ёки оддий халқ билан бўлган сўзлашувида, рисола-ю мақолаларида, равон қисса-ю хикоятларида балоғат ва фасоҳат талабларидан оғишмаган ҳолда, қайси тилда бўлса ҳам, сўз ва гапларини равон ва енгил келтира олган кишидир.



Калом фасоҳатли бўлиши учун керак бўладиган шартлар



ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Фасоҳат ва балоғатнинг қандай фарқи бор?
2. Қандай калом фасоҳатли ҳисобланади?
3. Сўзловчининг фасоҳати нима?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтаҳ. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннахр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

3-мавзу. Балоғат, каломнинг балоғати

сўзловчининг балоғати

Режа:

1. Балоғатнинг луғавий ва истилоҳий маънолари.

2. Калом ва сўзловчининг балоғати.

3. Калима ва сўзловчининг балоғати.

Мавзуга доир истилоҳлар: Булуғ, вусул, каломнинг балоғати, мутобақа, муқтазо, ҳол, таъкид, инкор, ижоз, итноб, муткаллим балоғати, малака, иллат.

Балоғат. Балоғатнинг луғатдаги маъноси البلوغ و الوصول «булуғ ва вусул» бўлиб, эришиш ва етишиш каби маъноларда ишлатилади. Араблар бирон киши мақсадларини чуқур ифодалаб, етказа олса بلغ الرجل بعبارته كنه مراده - дейдилар.

Истилоҳий маъноси эса, калом ёки мутакаллимга сифат бўлишига қараб белгиланади. Демак балоғат, фасоҳат каби калимага сифат бўлмайди. Шунинг учун هذا الكلام بليغ бу гап «балиғ»дир, وهذا المتكلم بليغ бу нотик «балиғ»дир дейдилар. Лекин, бу калима «балиғ» демайдилар.

Каломнинг балоғати:

بلاغة الكلام هي مطابقته لمقتضى الحال مع سلامته من العيوب المخلّة بفصاحته

Фасоҳатлик бўлиш билан бирга гапнинг муқтазои ҳол - талаб қилинган шароитга мос келиши гапнинг етуклиги, балоғати дейилади.

Ҳол - мутакаллимни шу гапни гапиришга ундаган ҳолат ва турткига айтилади.

Муқтазо - тақозо, талаб ва ҳукм қилинган маъносида бўлиб, муқтазои ҳол гапни у ёки бу шакл ёки тартибда келтиришни талаб қилган ҳолатга айтилади.

Соддароқ айтиш жоиз бўлса, гапни ана шундай тартибда келтиришга мажбур қилган ҳолат муқтазои ҳол бўлади. Мақташ, ёмонлаш, ўргатиш, ўрганиш, хабар бериш ва бошқа шу каби мақсадлар мазкур мазмунни ифодаладиган гапларни келтиришни талаб қилади. Агар мақсаддан бошқа

ёки талабга жавоб бермайдиган гаплар келтирилса, унда балоғатлик гап бўлмайди. Масалан, бир гуруҳ талабалари ўз устозларига мунтазир бўлсалар ва ҳозир мана шу эшикдан келадиган киши шу устоз экани кутилаётган бўлса, эшикка қараб ўтирган бир талабанинг “Келдилар”, - деган сўзи ҳаммага бирдек маълумдир. Чунки, кирган киши улар мунтазир бўлган ўз устозларидир. Шу билан бирга бу гап балоғатлик ҳам ҳисобланади. Агар бошқа киши кирса, “Келдилар” , - дейилиши ғайри балиғ бўлади, балки балиғ бўлиши учун “Фалончи келдилар”, - дейилиши керак бўлади.

Бирон киши *البستان مثمر* *боғ мева берувчидир*, - деб оддий мубтадо-хабар, яъни исмий жумла қилиб айтса, аммо эшитган киши масалан, бунга ишонмайди. Унинг инкорини кетказиш ва гапига ишонтириш учун гапини таъкид билан келтириши мақсадни амалга оширишда тўғри йўл ҳисобланади: *إِنَّ البستان لمثمر* *Албатта боғ ҳақиқатан мева берувчидир*. Ана энди мухотабга ишонишдан бошқа иложи қолмади. Чунки, унга таъкид билан икки қайта: бири сифати мушаббаҳа бил фео̣л литтаъкид “*إِنَّ*” ва “*لمثمر*” калимасида “ломи таъкид” билан қайд этиб гапириляпти.

Ушбу мисолдаги мухотабнинг ҳолати муқтазо, мутакаллимнинг гапи эса ҳол бўлади, яъни муқтазо инкор, ҳол таъкид бўляпти.

Худди мана шу каби мисолни Қуръони карим оятларидан келтириш мумкин. «Ёсин» сурасининг 13-16-оятларида Исо алайҳиссалом элчиларининг ишлари баён қилинади:

واضرب لهم مثلا أصحاب القرية إذ جاءها المرسلون * إذ أرسلنا إليهم اثنين فكذبوهما فعززنا بثالث فقالوا إنا إليكم مرسلون * قالوا ما أنتم إلا بشر مثلنا وما أنزل الرحمن من شيء إن أنتم إلا تكذبون * قالوا ربنا يعلم إنا إليكم لمرسلون *

(Эй, Муҳаммад,) Сиз уларга қишлоқ (аҳли)ни - у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг! (13)

Ўшанда Биз уларга икки (элчи)ни юборганимизда (улар) иккисини ёлгончига чиқаришгач, учинчи (элчи) билан қувватлантирдик. Бас, (уччала элчи Антокия аҳлига): «Ҳақиқатан, биз сизларга (юборилган) элчилармиз», - деган эдилар. (14)

Улар: «Сизлар ҳам худди бизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (Аллоҳ) бирор нарса (ваҳий) нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлгон сўзламоқдасизлар», — дедилар. (15)

(Элчилар) айтдилар: «Раббимиз билурки, бизлар, албатта, сизларга (юборилган) элчилардирмиз» (16) ...

Ушбу оятларда қавм элчиларни қабул қилмай мункир бўлиб туришлари муқтазодир. Элчиларнинг قالوا رَبَّنَا يَعْلَمُ إِنَّا إِلَيْكُمْ لَمُرْسَلُونَ сўзлари эса ҳол, яъни уларнинг инкорларига қатъий таъкид билан жавоб беришлари бўлди.

Инкорнинг мақомида, яъни муқтазо сифатида мадҳ ҳам туради, чунки мутакаллим мақташ учун гапни чўзиши – итноб қилиши керак бўлади. Шунингдек, мухотабнинг зийраклиги, фаҳм-фаросати ҳам мутакаллимни қисқа – ижоз гапиришга ундайди.

Муқтазои ҳол – турли ва ҳар хил бўлиб, мухотабнинг аҳволидан келиб чиқиб, унга мос бўлиб ўзгараверади. Гап келтирилишига турли сабаблар ворид бўлгани учун муқтазои ҳоллар ҳам турлича бўлади. Агар мухотабнинг аҳволи – муқтазо инкор бўлса, мутакаллимнинг аҳволи – ҳол таъкид бўлади. Муқтазо зийрак сифатли киши бўлса, ҳол ижоз, агар ғалча ва омий бўлса, ҳол итноб ва ҳоказо бўлади.

Араблар لكل مقام مقال و لكل مقال مقام *Ҳар жойининг ўз сўзи ва ҳар сўзнинг ўз ўрни бор*, - дейдилар. Гап балиғ ва уни хатолардан ҳоли бўлиши учун фасоҳат ва балоғатга тегишли барча қонун-қоидаларни комил билиш керак. Бу кўрсатмаларга риоя қилинмасдан, масалан омийга ёки мақташ керак бўлган ўринда қисқа, зийракка эса гапни чўзиб, итноб билан келтирилса, хурсандчилик ўрнида кўрқув ва азобдан гапирилса, вақт бекор кетказилган ва қимматлик сўзлар қадрини туширилган бўлади. Балоғат қонунларига мутлақ зид иш бўлади.

Шунинг учун, гап кимга ва қаерда, қандай ҳолатда айтилаётганига жиддий аҳамият бермоқ керак бўлади. Содда ишчиларга гапириладиган гапни зиёлиларга, деҳқонларга тегишли гапни деҳқончиликка алоқаси бўлмаган кишиларга гапириш дуруст эмас. كَلَّمُوا النَّاسَ عَلَى حَسَبِ عَقْلِهِمْ

«Инсонларнинг идроклари имкониятига қараб гапиринглар!» ҳадиси шарифнинг кўрсатмасига мувофиқ эшитувчиларнинг ақлу-идрокларини ҳисобга олиб, қабул қилиш имкониятларидан келиб чиқиб гап ва ибораларни яхшилаб танлаб олиш керак бўлади. Нутқ доимо фасоҳат ва балоғатлик чиқишига ҳаракатда бўлиш нотиқларнинг асосий вазифаси бўлиши керак.

Нотиқ балиғ бўлиши учун ишлатадиган ҳар бир сўз, иборалари, каломи лафзи ҳам, маъноси ҳам фасоҳатли, ҳамма тушунадиган, биладиган бўлиши билан белгиланади. Шунингдек, мақсадини ифодалашда керакли ва таъсирлик сўзларни танлай олиш иқтидори бўлиши ҳам аҳамиятга эгадир. Нотиқ нутқини равон, хосга ҳам оммага маълум, маъруф ва машҳур гапларни ишлатиши билан мавзуга мос ва талабга жавоб бера оладиган даражада бўлиши зарурдир. Сўзларни ўз ўрнида ишлата билиш эса ундан мукамал малака ва тажриба талаб қилади. Қолаверса, бу нодир санъат мақомидадир.

التعريف: بلاغة المتكلم هي ملكة أى صفة قائمة بالمتكلم فيه يتمكن بها متى شاء من تأليف كلام بليغ فى أى معنى يريد

Балиғлик мутакаллимнинг ўзида қоим, бор бўлган хислат бўлиб, кўнглига келган фикр ва мақсадларини ҳар вақт ва жойда саҳиҳ ва фасоҳатлик ифодалашга қодир этади. Яъни, нотиқнинг тажрибаси, сўзлашдаги малакасидир.

Киши балоғатлик гапириши учун хислат аввало ўзида табиий равишда, яъни Аллоҳ тарафидан бу фазилат унга берилиши керак. Қолаверса, изланиши, кўп адабиётлар мутолаа қилиши, айниқса, Қуръони карим, ҳадиси шарифлардаги фасоҳату балоғатга, улуғ мутафаккир олимларнинг асарларидага сўз ишлатиш усулларига, шунингдек барча нотиқларнинг услубларига эътибор бериб, ўрганиб ва истеймол қила бориши керак бўлади. Гапларини фасоҳат ва балоғат қоидаларига риоя қилган ҳамда хоҳлаган ёки тўғри келиб қолган мавзуда дилдаги гапларига юзага чиқара билиши унинг балоғатини белгилайди. Бунинг натижаси ўлароқ, эшитувчилар унинг

гапларига тушунсалар, унинг мақсадларини идрок этсалар, уни балиғ дейиш жоиз.

Мутакаллимнинг нутқини фасих ва балиғ бўлиши учун қўйилган шартларни кўриб, шуни айтиш мумкинки, балиғ бўлиш учун аввало, нотик фасих бўлиш керак. Демак, ҳар бир балиғ, яъни балоғат билан гапирувчи фасихдир. Аммо ҳар бир фасих, яъни фасоҳат билан гапирувчи балиғ бўла олмайди. Чунки, унинг гапи фасоҳатлик бўлиш билан муқгазои ҳолга мос бўлмаслиги мумкин.

Каломининг балиғ бўлиши икки амрга боғлиқдир:

1. Гапни муқгазои ҳолга мос қилиб келтиришда (ирода этилган маънога далолат қиладиган сўзларни ишлатишда) хатога йўл қўйишдан сақланиш;

2. Фасоҳат иллатларидан сақланиш.

Ушбу шартлар бажарилмаган нутқни думи юлинган қушга ва бошқа ана шундай ноқулай нарсаларга ўхшатадилар. Мақсадни билдиргунига қадар одамларнинг унинг нутқидан беэиб, унга қулоқ солмайдилар. Ваҳоланки, соҳиби шарият Расулуллоҳ алайҳиссалом нутқимизни чиройли, таъсирли қилишни таълим берганлар. *إِنَّ مِنَ الْبَيَانِ سَحْرًا* **Албатта баён қилишда сеҳр бор.** *لا تكلم بكلام تعتذر عنه* **Узр сўрашингга боис гапни гапирма!**

Умумлаштириш. Фасоҳат ва балоғатнинг таърифларидан, лафз турли иллатлардан саломат бўлиши керак экани маълум бўлди. Энди мана шу иллатларни лўнда зикрини келтирсак, то мутакаллим қай айблардан сақланиш, гапда маънони тушуниш, етказиб бериш учун қандай иллатлардан узоқ бўлиши керак. Буларни билиб олса, гапини ҳам, қасд қилган маъноларни ҳам, калима сийғаларини ҳам саҳиҳ, тўғри қилиб келтириш имконига эга бўлур эди. Шунда мухотаб, яъни эшитувчи унинг каломидан айб топиб, шикоят қилмас ва нуқсон-камчилик сезолмас эди. Балки, гапни охиригача иштиёқ билан эшитади, ундан ўзига керакли таъсирни олади.

1. **Ғароба** – бу иллатдан сақланиш учун кўп луғатларни кўриш ва ўрганиш, араб тилига кириши мумкин бўлган бегона сўзларни билиб бориш,

уларни таҳлил қила олиш керак бўлади. Шунда ундан узоқ бўлиш имкони пайдо бўлади.

Шунингдек, ҳар бир калимани луғатда нечтадан маъноларда келишини ва қайси калима билан қандай маъноларда ишлатилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Араб тилидаги ҳарф туркумига кирувчи лафзлар калима маъноларига кучли таъсир кўрсатади. Мана шунда каломдаги ғароба калималарни ажратиб олиш енгил бўлади.

2. **Мухолафа** – бу иллатдан сарф ва наҳв қонун-қоидаларини пухта ўзлаштириш билан эҳтиёт бўлиш мумкин. Ажам луғатларни возеъ қайси сийғада келтирганини яхши билиш ёки сарф-наҳв китобларини кўпроқ ўқиш, аниқроғи ўқиш билан бундай камчиликлардан сақланади. Масалан: сарф қонунларидан маълумки, юқорида келтирган мисолдаги **الأجل** калимаси сарф илмининг вазн қоидасига ҳилофдир, чунки калиманинг охирида икки бир хил ҳарф келганда идғом қилиб, бир-бирига киритиб ўқиш вожиб бўлади. Таъкидлаб ўтганимиздек, бу калиманинг ҳам, каломнинг ҳам фасоҳатига – унинг маъноси ва талаффузини ирода қилинган нуқтадан четга чиқишига олиб келади. Бу эса айб ҳисобланади. **الأجل** деб мазкур калимани айтилмоғи тўғри ва саҳиҳ бўлади.

3. **Заъфут таълиф ва таъқиди лафзий** – бу иккиси ҳам нутққа катта айб туғдирадиган иллатлар бўлиб, улардан фақат наҳв қоидаларини чуқур билиш ҳамда араб калималарини кўп ишлатиладиган ва кам ишлатиладиган маъноларини ўрганиш билан ҳимояланса бўлади. Наҳв илмларини мукаммал эгаллаган ва уларни ишлата олиш қобилиятига эга киши гапида бундай чалкашликларга йўл қўймайди. Яқин ва узоқ маънолардан хабардор бўлиш нутқини равон бўлишига ёрдам беради.

4. **Танофур** – бу иллатни билиш билан танлаётган ҳар бир калима ва лафзларни тиник, равон талаффуз қилиш ҳамда эшитувчига ҳам маъноларни англаб олишда ўзига хос қулайлик туғдириш тажрибасини камолга етказишни бошлаб беради. Демак, бундай талаффуз ва тилга қийин лафзларни билиш, балки бошқа калималардан ажратиб олиш учун чуқур

тажриба ва малака кераклиги маълум бўлди. Мана шунда киши саҳиҳ тилнинг лаззатидан баҳра олиб, ажойиб маънолар уммонида балиқ каби роҳатланиб сузади. Тилга ва талаффуз қилишга қийин келадиган калималардан нутқни тозалаш уни фасоҳат жиҳатидан қийматини оширади. Шунда нотик ҳам ўз мақсадига эришади.

Энди المستشزرات каби калималарни мусаффо араб тили булоқларидан сероб бўлган, уни яхши билган кишигагина танофур экани, المرتفع калимасига ўхшаш бошқалари эса танофур иллатидан холий эканини билади.

5. Таъқиди маънавий – бу иллат ҳам гапнинг фасоҳатига катта айб беради. Ундан холий бўлиш учун илми баён ва илми маоний сабоқларини яхшилаб ўрганиш ҳамда араб калималарини ишлатиш услубларини билиш керак бўлади. Бу илмларни пухга эгаллаган киши таъкид қандай пайдо бўлишини ҳам яхши билиб олади. Асосий калима ва унинг маъноси қандай ишлатилаётгани, замир, яъни олмошларнинг ишораси қайси калимага боришини билиб олиш, зийраклик билан маъно бериш иқтидорини ҳосил қилади.

Илми маъоний дарси сабоқлари калима маъноларининг сирасорларидан, гапларда мақсадни ифодалашга ёрдам берадиган баъзи калималарни ўз ўрнида келтириш усулларида воқиф этади.

Балоғат фани илмлари ва қоидаларини мукаммал ўрганиш билан наср ва назмдаги хато, нуқсонларни топиш, кейин ўз нутқи ва ёзувида ундан сақланиш каби заруротларнинг малакаси ошиб боради.

Фасоҳат ва балоғат ўртасидаги фарқ

Фасоҳат	Балоғат
Лафз билан боғлиқ	Маъно билан боғлиқ
Хос (барча фасоҳатли нарс ҳам балоғатли бўлавермайди)	Ом (барча балоғатли нарс ҳам фасоҳатли ҳамдир)
Калима, калом ва сўзловчи билан боғлиқ	Калом ва сўзловчи билан боғлиқ

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Фасоҳат ва балоғатнинг қандай фарқи бор?
2. Қандай калом балоғатли ҳисобланади?
3. Сўзловчининг балоғати нима?
4. Сўзловчининг фасоҳати ва сўзловчининг балоғати орасида фарқ борми?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

4-мавзу: Илми баён. Ташбеҳ ва унинг турлари.

Режа:

1. Илми баён.
2. Далолат.
3. Ташбеҳ.
4. Ташбеҳнинг турлари.

Мавзуга доир истилоҳлар: ташбеҳ, аркони ташбеҳ, мушаббах, мушаббах бих, тарафайн, важҳуш шабах, одоти таш-беҳ, ҳиссий, ақдий, муфрад, мураккаб, мутлақ, муқайяд, малфуф, мафрук, тасвия, жамъ.

1. Илми баён.

Илми баён соҳасида биринчи китобни Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний таълиф этган. Асарларини номи «Мажозул Қуръон» бўлиб, унда баён илмининг йўналишларини ўзига хос равишда белгилаб берганлар. Шундан сўнг бошқа олимлар ҳам бу соҳада китоб ва рисоалар битдилар. Аммо биринчи бўлиб уни тартибга солган, бу илмга хос усулни ва қонун-қоидаларни жорий этган зот имом Абдулқоҳирдир.

Баённинг луғавий маъноси الكشف والإيضاح кашф қилиш, изоҳлаш, очиш, ёритиш, маълум-машҳур, тушунарлик қилишдир.

التعريف هو علم يعرف به إيراد المعنى الواحد في تراكييب متفاوتة في وضوح الدلالة عليه بمعنى أن يكون تركيب أوضح في الدلالة من تركيب آخر

Баён илми — бир маънони турли таркиб, яъни гапни бошқача кўринишларда келтириб чуқур ва кенгроқ, мақсадга кучлироқ, яққол ва аниқроқ далолат қиладиган маъноларни олишни билдирадиган, бошқасига қараганда пухтароқ маъноларни ворид қилиш, келтиришни ўргатадиган илмдир. Бирор маънони кучлироқ, мукамалроқ қилиб ифодалаш мақсадида турли лафзлар ва маънолар билан келтириш услубларини ўргатадиган илмни илми баён дейилади. Бунда ўша маънони кенгроқ, аниқроқ ва маънилироқ қилиб келтиришга эришилади. Эшитувчи ҳам мақсадни тўғри тушунади.

Шубҳасиз, бу илмнинг мақсадларидан бири эшитувчига ирода қилинган мақсадни, у хабар ёки дил изҳори бўлсин, чиройли суратда етказишдир.

Мисоллар орқали таърифни аниқроқ англаш мумкин бўлади. الجود саховат, очик қўллик маъноларини англатади. Масалан, бир кишини сахийлигини билдирмоқчи бўлсак, сахийлигини бирон нарсага ўхшатиш ёки ўхшатишдан ҳам кучлироқ қилиб ифодалаб билдириш мумкин. Бундан ҳам ғаройиброқ бўлсин десак, киноя билан билдириш мумкин бўлади. Ўхшатишни балоғат атамаларида ташбех, ундан кучлироқ ифодани мажоз ёки истиора дейилади. Балоғат фанидаги киноя эса, сўз ёки гапни ҳақиқий ва кўчма маъноларини баробар тушуниш имкони бўлган ҳолатга айтилади. Энди ушбу гапнинг турлари воситасида الجود маъносини қандай кучлироқ ва аниқроқ ифодаланиши билан танишамиз:

1. Ташбех – ўхшатишга кўра сахийни زيد كالبحر فى الإضافة *Зайд меҳмоннавозликда денгиз кабидир*, - деб ифодалаш мумкин.

Денгизнинг кенглиги, бағрида кўп махлуқотлар яйраб яшаши, денгиз инсонга қанчалик беминнат хизмат қилаётгани, ўзидаги дурру марварид, турли балиқлари ва ўсимликлари билан инсонни боқаётгани, бой-бадавлат қилаётгани денгиз мислсиз сахийлик тимсолидир. Шунинг учун ҳам, сахий кишиларни денгизга, яъни денгизнинг ана шу сахийлигига ўхшатадилар.

Юқоридаги мисолда Зайдни жуда ҳам сахий, меҳмонларга нисбатан кўли очик, бағрикенглигини ишора қилиб, زيد كالبحر فى الإضافة *Меҳмондорчиликда Зайд денгиз кабидир*, - дейиш билан الجود саховат, очик қўллик маъносини чиройлироқ ва комилроқ ифодалашга эришилди.

2. Истиора, ўхшатишдан кўра الجود саховат, очик қўллик маъносини кучлироқ ифодалаш мумкин: رأيت بحرًا على فرس يداعب أقرانه *Қариндондошларига (ҳазл-мутуйиба қилаётган) ёрдам илигини тутаётган денгизни от устида кўрдим*.

Ушбу мисолда ҳам, الجود саховат, очик қўллик маъноси чуқурроқ ифодаланди. Чунки, ҳақиқий денгиз от устида бўлиши амри маҳол, бўлиши

мумкин бўлмаган. Ана шунинг ўзи денгизнинг ўз маъносида эмаслиги билдирыпти. Бу гапдаги денгиз сахий, жувонмард киши маъносида истиора бўляпти, яъни кўчма маънода ишлатиляпти. Бу билан унинг сахийлигини бешубҳа тасаввур қилиш, балки ҳақиқатда ҳам саховатини кенг ёзган денгиз турибди, дейиш мумкин бўлди.

3. Кинояга кўра, яна ҳам чуқурроқ келтириб, сўз қудратини нақадар сеҳрли эканини кўриш мумкин. Кинояда гап ёки калиманинг кўчма ва ҳақиқий маънолари биргаликда тушуниш жоиз. Гап нима ҳақида экани, унинг сиёқи қайси маънода эканини аниқлаб беради.

زيد كثير الرماد *Зайд кули кўп кишидир*. Бу гап Зайднинг сахийлигига киноядир. Чунки, ўтин кўп ёққани учун кулининг кўпайиб кетишини ҳам тушуниш мумкин.

Аммо ўтинни таом тайёрлаш учун ёқилади, унинг кулини кўплиги кўп таом тайёрлангани сабаблидир. Кўп таомни албатта, бир ўзи эмас, балки кўпчилик билан тановул қилиниши керак, яъни меҳмонларнинг кўплигига ишора бўляпти. Меҳмонлар келиб турадиган хонадон соҳиби эса, шубҳасиз, кўли очик ва саховатли эканига ишора ҳисобланади. Кўриб турганингиздек, الجود саховат, очик қўллик маъноси ўзига хос кучли ва чуқур ифодани касб этди.

Шунингдек, الجود саховат калимаси маъносидан бошқа кўплаб маъноларни мана шундай бошқа лафзлар билан келтириб, ўзининг маъносидан кўра кучлироқ, мақсадни аниқроқ билдириб берадиган услубларда ишлатиш илми баёнда ўрганилади. Ҳосил бўлган тушунча мустаҳкам бўлиши учун الشجاعة калимасини шижоатли, довюрак каби маъноларини ташбеҳ, истиора ва киноя усулидаги ифодасини кўриб чиқамиз.

1. Ташбеҳга кўра: زيد كالأسد فى الشجاعة *Зайд шижоатда шердекдир*. Шижоат қайд этилмаса ҳам мақсад ҳосил бўлади. Чунки, زيد أسد *Зайд шер* деб айтилса ҳам, эшитувчи гап Зайднинг шижоати ҳақида эканини дарҳол англайди.

Аслида ҳам, шер шижоат тимсолидир. Инсон ўз ҳақ-хукуқини шердек важоҳат билан талаб қилиб, унга қўрқмасдан курашадиган бўлса, уни тўғридан тўғри шерга ўхшатиш адабиётларда ҳам, халқ оғзаки нутқида ҳам кўп учрайди. Ҳайвонат оламининг подшоси бўлган шер ўзининг шижоати ва довюраклиги билан кишиларни лол қолдиргани сир эмас. Ҳазрати Али كرم الله وجهه ни Асадуллоҳ – Аллоҳнинг шери деб лақаб олганлари ҳам бежиз эмасдир.

Демак, оддий қилиб, “У шижоатли, жасурдир”,- деб қўйгандан кўра, уни шерга ўхшатиш анча таъсирли ва мақсадга яқинроқ бўлади.

2. Истиорага кўра الشجاعة шижоатли, довюрак лафзи маъносини бундай келтириш мумкин: رأيت أسدا يخطب القوم على المنبر *Минбарда халққа гапирётган шерни кўрдим.*

Зеро, ҳақиқий шер гапирмайди. Ёввойи йиртқич ҳайвон, одамларни бир зумда ғажиб, бурдалаб ташлаши аниқ. Мана шу сифатлар гапдаги шер ҳақиқий эмаслигини, балки унинг сифатидаги одам эканини маълум бўлади. Шерга шижоатли, довюрак кишилар доим ўхшатилаган. Ушбу ўринда ҳам нотиқнинг жуда журъатлик ва қўрқмас эканига ишора қилиняпти. “Нотиқ шижоатли, довюрак экан”, - дегандан кўра, уни тўғридан-тўғри “шер” деб айтиш, الشجاعة шижоатли, довюрак маъносини янада таъсирли ва кучлироқ ифодаланди.

3. Киноя услубида الشجاعة шижоатли, довюрак маъносини бундай келтириш мумкин: زارنا أبو الحرب *Бизникига Абу Ҳарб келди.*

Ҳарб уруш, жанжал, жангу жадал маъносида ишлатилади. Абу деган куняни унга қўшиб айтилса, сўзма-сўз маъноси - “*Жанг, урушнинг отаси*” бўлади. Жангчи ва урушқоқ кишида биринчи кўринадиган хислат жасурлиги, довюраклиги, ҳақ учун шижоати бўлади. Ана шундай фазилатли кишига одатда, Абулҳарб деб ном берилади. У ҳаётда ҳақиқат ва адолат, ўз ҳақ-хукуқи учун қўрқмасдан курашадиган, ишига пишиқ, мақсадидан қайтмайдиган, ҳаққини фойдасига ҳал қила оладиган киши экани сир эмас.

Бундай кишилар мақсадларини амалга ошириш борасида жанжалли можароларни бошлаб юрадилар. Бу ишни қилиш учун эса кишида довюраклик, журъат ва шижоат, жасурлик бўлиши керак. Демак, Абу Ҳарб деганимиз шижоатлик киши экаи. Бунда ҳам الشجاعة калимасининг шижоатли, довюрак маъносини киноя йўли билан чиройли ифодалашга эришилди.

Зарур маънони аниқроқ ва кенгроқ ифодалаб бериш учун ташбех, истиора ва киноя каби мақсадни баён қилиб бериш услубларини ишлатишда ҳолатнинг талаби, мухотабнинг қабул қилиш даражаси ва бошқа диққатталаб жаҳатларни эътиборга олиш керак.

Илми баённинг биз келтирган таърифида икки нозик жиҳатга аҳамият бериш керак:

1. Таърифдаги إيراد المعنى «маънони келтириш, ворид қилиш»даги маъно лафзини «маърифа» қилиб алиф ва лом билан келтирилган. Бу алиф-лом истифроқ учун, яъни маъноларнинг ҳаммасини англашти, қамраб олиш учун бўлиб, уни истифроқи урфий дейилади.

Демак, маънони келтириш учун мутакаллимнинг етарли тажриба ва малака соҳиби бўлишини талаб қилади. Келтирилган мисоллар каби, бошқа лафзларни ҳам турли услубларда маъносини таъсирлироқ қилиб келтириш қобилияти борлиги маълум бўлса, у талаба илми баённи англагани келиб чиқади.

2. Илми баённинг биз келтирган таърифида иккита қайд бор бўлиб, улар таърифни комиллик билан келтирилганини билдиради:

а) Таърифда المعنى الواحد деб маъно воҳид лафзи билан қайд этилди. Яъни, битта маънони келтириш, деб битта маъносига эътибор қаратилди. Чунки, баъзи лафзларнинг энг ками икки ва ундан зиёда маънолари бор. Уларнинг баъзилари машҳур ва маъруф бўлса, бошқалари кам ишлатиладиган маънолардир. Шунинг учун, лафз зикр этилганда қасд қилинган маъно билан бирга бошқа маъноси ҳам англаниши мумкин.

Гоҳида, ана шу бошқа маънолар турли таркиб, гапларда кучлироқ, кенгроқ маъно англатиши кузатилади. Масалан: Зайднинг сахий эканини булут билан ифодалаб: *زيد كالسحاب* *Зайд булут кабидир*, — деб айтилса, булут ҳақиқатан ҳам сахийликка далолат қилади. Аммо шу билан бирга яна Зайднинг қаттиқ ҳафалигига, қавоғидан қор ёғаётганига ҳам кучлироқ ва аниқроқ ишора этипти.

Шижоатни келтириш мақсадида *مرّ أسد فحيّاني* *Шер ёнимдан ўтиб, менга салом берди*, - дейиш, қасд қилинган маънони тўла етказмайди. Чунки, бу гапнинг киноя бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Агар киноя деб қаралса, жуда заиф эканини маълум бўлади. Мана шу каби мисоллар Илми баён мисолларидан ҳисобланмайди. Балки, Илми баёнда қасд этилган маъно аниқ ва гўзал ифодаланиши керак.

б) Таърифда *المعنى الواحد* деб маъно воҳид лафзи билан қайд этилишида синоним (айтилиши турлича маъноси бир) бўлган лафзлардан сақланишга ишора бор. Демак, синоним сўзларни ишлатиб, фақат вақтни чўзиш мумкин бўлади. Кўп гап ортиқча юк деганлари каби, бундай ҳолда маънони чуқур ва тўғри мақсадга йўналтирилган бўлиш усулидан четга чиқиб кетган бўлади.

Масалан: *راحة فم زيد كالطيب* *Зайдни оғзининг ҳиди хушбўй атир кабидир*, дейиш билан *نكحة ثغر زيد كالندّ* *Зайд тишларининг ҳиди ёқимли атир кабидир*, дейиш Илми баён мақсади бўлган маънони кучлироқ, етукроқ қилиш усулидан саналмайди. Демак, бу – синоним лафзларни ишлатиш Илми баён ўрганадиган жиҳатлардан эмас экан.

2. Далолат. Ҳар бир лафз ўз маъносига эга бўлса калима, сўз дейилади. Ана шу сўзнинг маънога далолат қилиши эътибори билан ушбу ўринда лафзни далолати ҳақидаги тушунчани билиш керак. Далолатнинг луғавий маъноси далолат қилиш, ундаш, чақириш – даъват этишдир. Ҳадис: *الدالّ على خير كفى عليه* *Яхшиликка далолат қилувчига савоб кифоядир*, яъни ажр-мукофотни яхши ишни қилган, амал қилган билан баробар олади. Шу ҳадиси шариф бошқа бир ривоятда *الدالّ على خير كفاعله* *Яхшиликка ундовчи уни бажаргувчи кабидир*, шаклиди келтирилган. Ҳар икки ҳадисда ҳам далолат

килиш лафзи ундаш, чорлаш маъноларида ишлатилди. Шунингдек, ишора килиш маъносида ҳам келади: «Шер» الأسد лафзи الحيوان المفترس йиртқич ҳайвон маъносига ишора ва далолат қилади.

Истилоҳий таърифи: الدلالة هي فهم أمر من أمر Бир амрдан бошқа бирини баҳслашдир, яъни лафздан маъносини англамоқдир. Бунда биринчи амр, яъни лафз бу ўринда الدال «дол», иккинчиси, яъни унинг маъноси эса المدلول «мадлул» бўлади.

Масалан, زيد «Зайд» лафзи бир инсон зотини билдирыпти. «Зайд» лафзи – дол, «бир инсон зоти» деган маъно - мадлул. Демак, «Зайд» лафзини бир инсон зотини билдириши далолат экан.

Лафзлар турли-туман бўлганидек, далолат ҳам ҳар хилдир. Далолат «дол», яъни далолат қилувчининг эътибори билан икки қисмга бўлинади: лафзий далолат ва ғайри лафзий, яъни лафзий бўлмаган далолат.

Агар лафз ўзига қўйилган маънога далолат қилса, у лафзий далолат дейилади. الإنسان «Инсон» лафзи الحيوان الناطق гапирувчи ҳайвонга, الأسد «шер» лафзи الحيوان المفترс йиртқич ҳайвонга, التراب «тупроқ» الأرض ерга далолат қилгани каби.

Агар лафздан бошқа маъно анланса, у ғайри лафзий далолат бўлади. Масалан, тутун алангага, яноқнинг қизаргани ҳижолат чекканга, юз рангининг сарғайгани касалликка ва шу каби бошқалар мисол бўлади. Илми баён мавзуларига ғайри лафзий далолатнинг алоқаси йўқ.

Аммо лафзий далолат уч қисм бўлинади: 1. Вазъий, асл маънодаги лафзлар; 2. Табиъий, лафз табиий қандай янграса, шундайлигича бўлган лафзлар; 3. Ақлий, маъноси ақл билан идрок этиладиган лафзлар.

Лафзий далолатнинг вазъий қисми ўз маъносида истеъмол этиладиган лафзларни ўрганади. الإنسان «Инсон» лафзи الحيوان الناطق гапирувчи ҳайвонга, الأسد «шер» лафзи الحيوان المفترс йиртқич ҳайвонга, الفرس «от» лафзи الحيوان الصاهل الحامل югурувчи, юк ташувчи ҳайвонга далолат қилгани каби.

Лафзий далолатнинг табиий қисми эса, асоси табиий бўлган лафзлар, аниқроғи товушлар ҳисобланади. Кишиларнинг оҳ-воҳ тортиши оғриганлигига, кулиши ҳурсандлигига далолат қилгани каби.

Лафзий далолатнинг ақлий қисми бу маъноси ақл билан идрок этиладиган лафзлар туркумидир. Девор ортидаги товуш шу товуш эгасининг тирик эканига, сувнинг овози унинг борлигига далолат қилгани каби. Илми баёнда эса фақат вазъий далолат ҳақида баҳс юритилади.

Лафзий далолатнинг вазъий қисми уч турга бўлинади: 1. Мутобақийя, лафз билан маъно ўзаро бир-бирига мос келиши; 2. Тазминийя, лафзнинг маълум бир қисмига маъно беришда ишлатилиши; 3. Илтизомийя, лафз махсус маъноларга далолат қилиши ҳақида баҳс юритади.

Лафз ўз маъносига комил далолат қилса, мутобақийя бўлади. الإنسان “Инсон” лафзи الحيوان الناطق гапирувчи ҳайвонга, الأسد “шер” الحيوان المفترس йиртқич ҳайвонга, الفرس «от» الحيوان الصاهل югурувчи, юк ташувчи ҳайвонга далолат қилгани каби.

Мутобиқлиги, яъни мувофиқлиги лафз ва маънонинг бир-бирига мослиги, тенглиги учундир. Зеро, возеъ «инсон» лафзини ҳайвон ва нотикдан иборат мажмуага далолат қилиш учун қўйгандир. Худди шунингдек, «от» лафзини ҳам ҳайвон ва югурувчи ёки юк ташувчи маъноларини биргаликда ифодалашга далолат қилиш учун қўйгандир.

Лафз ўзига қўйилган маънонинг бир қисмига далолат қилиши тазминийя, деб айтилади. Масалан: «инсон» лафзи ҳайвон ёки нотик деган маъноларгагина далолат қилади. «От» ҳам ҳайвон ёки югурувчи, юк ташувчи маъноларининг бирига далолат қилади. «Уй» деганда том, шифт ёки деворга далолат қилиши назарда тутилади.

Тазминийя дейилишига сабаб, юқоридаги мисоллардаги маънолар шу лафзнинг заминида турибди, унинг маъносининг асосини ташкил этади. «Уй» деганда масалан том, шифт ёки деворини тушуниш мумкин. Чунки буларнинг ҳаммаси уйнинг асосий қисмларидан ҳисобланади. «Уй» лафзининг том ёки деворга далолат қилиши бу тазминий далолатдир.

Лафз ўзига лозим этилган, яъни хослаб қўйилган маънога далолат қилиши илтизомийя дейилади. «Ҳотам» деганда сахийликка, «шер» шижоатга, «тулки» айёрликка, «кул»нинг кўплиги карамга далолат қилгани каби.

Лозим эттирилган дейилишининг сабаби шуки, масалан сахийликни ҳеч ҳам ҳотам маъносидан ёки шижоатни шер маъносидан олинмайди. Бу лафзлардаги маъно ирода этилаётган маънонинг бир қисми ҳам эмасдир. Чунки бу, маъно олишдан ташқари бўлган ишдир. Зеро, буларни калиманинг ўз ёки ўзга маъноларда истъомол этилиши билан боғлиқ бўлган ўринларда тушуниш мумкин.

Лафзлар ҳақиқат, мажоз ва кинояга каби қисмларга бўлинади. Бу уч қисм асосан лафз маъносидан фойдаланишни усуллари билдиришга боғлиқдир. Агар лафз ўзининг аслий маъносида ишлатилса, уни ҳақиқат; агар бошқа маънода ишлатилса, уни мажоз, яъни кўчма калима дейилади. Киноя эса, мана шу мажозга ўхшаган бир қисмдир.

Нутқда ишлатиладиган барча лафзлар икки хил бўлади: бири – ҳар қандай ҳолатда ишлатилса ҳам ўз маъносида ишлатиладиган лафзлар ва бошқаси ишлатиш давомида маъноси ўзгарадиган лафзлар бўлиб, биринчисини сарфланмайдиган, ўзгармайдиган лафз, иккинчисини ўзгарадиган, сарфланадиган лафзлар дейилади.

Агар истъомолда лафзнинг маъноси ўзгармаса, турли гапларда турлича маъноларни олиш учун ишлатилмаса, уни ҳақиқат ёки ҳақиқий лафз дейилади. Лафзнинг ҳақиқати исноди - суянтирилган сўзида ёки лафзнинг зотида бўлиши мумкин. Наҳв илмидаги иснод феълни фоилга, мажҳул феълни ноиби фоилга, мубтадони хабарга ва бошқа ана шундай ўзи ҳақли бўлган гап бўлагига суяниб боғланиб келишидир. Масалан, *كتبت المكتوب* Мен хат ёздим, мисолида *كتبت* ёздим феъли гапда кесим ва унинг ижрочиси *ت* мен олмоши, муттасил замир эга вазифасида, *المكتوب* хат калимаси тўлдирувчи, мафъул бих бўляпти. Ушбу мисолдаги ҳар бир калима ўзи ҳақли бўлган гап бўлагига суяниб келяпти. Шунинг учун ҳақиқий иснод дейилади.

Агар лафзнинг ҳақиқати келтирилган мисолимиз каби иснодида бўлса, уни ҳақиқий ақлий дейилади. Ҳақиқат лафзнинг зотида бўлса, у возеъ тамонидан қўйилган ном билан исмланади. Демак, агар возеъ луғат олимларидан бўлса, уни ҳақиқий луғавий лафзий далолат дейилади, масалан *الصلوة* намоз лафзи *الدعاء* дуо қилиш, ибодат қилиш маъноларини луғат юзасидан билдиради.

Шариат олимлари наздида ҳақиқий шаръий лафзий далолат дейилади, масалан *الصلوة* намоз лафзи *مجموعة من أذكار و أفعال مخصوص* яъни, махсус зикрлар ва ҳаракатлар мажмуасидан иборат маънога далолат қилади.

Наҳв олимлари наздида ҳақиқий истилоҳий ёки урфий хос лафзий далолат деб аталади. Масалан *الفاعل* фоил лафзи, қилувчи дегани истилоҳий далолатга кўра иш-ҳаракатни ижро этувчини билдиради.

Агар возеъ махсус бирор гуруҳга қарашли бўлмаса, унда ҳақиқий урфий омма вий лафзий далолат деб аталади. Омма лафзларни қандай маъноларда истеъмол қилсалар, шундай ишлатишлари ва ҳоказо.

Иккинчиси – истеъмолда маъноси сарфланадиган, яъни ўзгарадиган лафзлар мажоз дейилади. Мажоз тажовуз қилиш, чегарадан ўтиб кетиш маъноларида бўлиб, калима ўзининг аслий маъносига эмас бошқа, яъни кўчма маъносига далолат қилишини билдиради.

Мажоз ҳам, ҳақиқат каби лафзнинг исноди ёки зотида бўлади. Агар мажоз лафзнинг иснодида, яъни ўзи ҳақли бўлмаган гап бўлагига суянтириб боғланган бўлса, уни мажози ақлий ёки мажози иснодий дейилади. Масалан, “Ундан ҳаёт рози бўлди”, - десак, асли ҳаёт эмас, балки ҳаётнинг эгаси бўлган зот рози бўлади. Демак, ҳаёт лафзи ўзи ҳақли бўлмаган рози бўлди кесимига суянтирилган бўлиб, бу мажози ақлийдир.

Агар мажоз лафзнинг зоти, яъни ўзида бўлиши унинг кўчма маънода ишлатилишидир. У муфрад, яъни бир лафздан иборат ёки мураккаб – икки ва ундан зиёда лафзлардан тузилган бўлиши мумкин. Мажозда калиманинг аслий ва кўчма маънолари ўртасида боғлиқлик бўлади. Уни алоқа дейилади.

Муфрад лафздаги мажоз, калимани бошқа маънода ишлатишда - калиманинг ўз аслий ва ҳақиқий маъноси билан ишлатилаётган кўчма маъно ўртасидаги алоқа ўзаро ўхшашлик бўлса, уни истиора деб аталади. *Минбардаги ой шундай нур сочдики, қора кўнгиллар ҳам ёришиб кетди.* Бу мисолдаги ой калимаси бошқа маънода эканига минбардаги деган сўз ишора қиляпти. Илм ва бошқа фазилатларда ой каби олимнинг маърузаси ҳақида гапирляпти.

Алоқа ўхшашликдан бошқа нарса бўлса, уни мажози мурсал дейилади. *Ер инсонни боқади.* Бу мисолда ер инсоннинг барча таомларини етиштириб берувчи асосий сабаб бўлгани учун тўғридан-тўғри ерни ўзига боғлаб боқади, деб айтилди. Ер билан инсоннинг таомлари ўртасидаги боғлиқлик бири бошқасига сабаб эканидир.

Агар мажоз мураккаб бўлса, уни истиораи тамсилия дейилади. *Етти ўлчаб бир кес, тўйдан кейин ногара чалмоқ* кабиларни мисол қилишимиз мумкин. Истиораи тамсилиянинг ҳам мажози мурсал мураккаб қисми бор.

Мажоз бўлиш учун икки маъно – аслий ва кўчма маънолар ўртасида қарина бўлиши шартдир. Қарина белги, аломат маъноларида бўлиб, мажозда сўз ҳақиқий эмас, балки кўчма маънода эканига далолат қилади. Қарина бўлмас ёки ўз вазифасини бажармаса, бу сўз киноя бўлиб қолади. Бу тўғрида ўз ўрнида баҳс юритилади.

Киноя лафзни ҳар икки маъносини бир хил қувват билан ишлатиш мумкин бўлган қисмдир. *Бигизни устида ўтирибди, тарвузи қўлидан тушиб кетди* каби гапларни ўзининг ҳақиқий маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам тушуниш мумкин. Жуда шошиб турган кишини ишидан қўйиб, бекорчи гапга тутишда, кўнглига узоқ бўлган кишини суҳбатида қолиб кетган одам ва бошқа шу каби ҳолатларда ўзим бигизни устида ўтирибман, дейдилар. Умиди поймол бўлган кишини тарвузи қўлидан тушди дейдилар ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммасини бўлиб-бўлиб кенг ва тушунарли қилиб ўз ўрнида сўз юритилади.

Истиорада икки маъно ўртасидаги алоқа ташбеҳ, ўхшатиш экан, ташбеҳ тўғрисида гаплашишнинг мавриди етилди.

3. Ташбеҳ. Ташбеҳнинг луғавий маъноси ўхшатишдир. Истилоҳда бундай эътироф этиш мумкин:

التشبيه هو إلحاق أمر بأمر فى معنى مشترك بينهما بإحدى أدوات التشبيه لفظاً أو تقديرًا لغرض

Ташбеҳ мақсад учун бирон ўхшатиш воситасини лафзи билан келтирган ҳолда ёки тақдиран қолдириш билан маънода ўзаро шериклиги бўлган бир амрни бошқасига ёпиштиришдир.

Демак, Илми баён олимлари наздида ташбеҳ қилиш, яъни ўхшатишни келтириш учун энг аввало ўхшатишдан бирон мақсад бўлиши керак. Ўхшатилаётган лафзлар ўзаро бирон маънода шерик, яъни бир-бирига мос келиши керак. Яна бир шарти лафзи билан ёки тақдирда келтирилган ўхшатиш лафзини ўрни бўлиши лозим. Ушбу шартлар чиройли ва мукаммал бажарилса, ўхшатиш ҳам чиройли ва ўринли чиқади.

Таърифдаги ўзаро ўхшатилаётган биринчи амрни мушаббаҳ – ўхшатилган, иккинчисини мушаббаҳ биҳ – ўхшатилмиш ва ўртадаги муштарак, бир-бирига мувофиқ келган маънони важҳуш шабаҳ – ўхшатиш важҳи, жиҳати дейилади.

Масалан: العلم كالنور فى الهداية *Илм ҳидоятда нур кабидир.* Бу мисолда العلم - мушаббаҳ, яъни ўхшатилган, النور - мушаббаҳ биҳ, яъни ўхшатилмиш, فى الهداية лафзи – важҳуш шабаҳ, ўхшатиш важҳи, الكاف ҳарфи – одоти ташбеҳ, ўхшатиш воситасидир. Бу ташбеҳдан мақсад илмни улуғлигини билдириш, ёруғликда тўғри йўлни топиш қандай бўлса, илм билан ҳам тўғри йўлга шунчалик аниқлик билан эришиш мумкинлигини исботлашдир.

Ташбеҳнинг таърифидан уни арконлари тўртта экани маълум бўлди: **1. Мушаббаҳ** – ўхшатилган; **2. Мушаббаҳ биҳ** – ўхшатилмиш. Ушбу икки арконни الطرفان тарафони, яъни аслида, طرفاء أى التشبيه ташбеҳнинг икки тарафи ҳам дейилади. Чунки, шу икки асосий аркон мавжуд бўлса, ташбеҳ ҳосил қилиш мумкин бўлади; **3. Важҳуш шабаҳ** – ўхшатиш важҳи, яъни

ўртадаги муштарак, бир-бирига мувофиқ келган маънонинг лафзи; **4. Одоти ташбеҳ** – ўхшатиш воситаси.

Ташбеҳнинг асосий маъносини ифодаладиган, ўхшатиш борлигини билдирадиган бу икки арконни тарафайн дейилишининг бир сабаби: шу икки арконнинг ўзи ташбеҳ ясашга кифоялигидир ва фақат иккови мавжуд бўлсагина ташбеҳ ҳосил қилиш мумкин. Икковидан бири топилмаса, ташбеҳ ясаш мумкин бўлмайди.

Ташбеҳ арконларининг эътибори билан бир неча қисмларга тақсимланади.

4. Ташбеҳнинг турлари.

Ташбеҳ мушаббаҳ ва мушаббаҳ бих – тарафайннинг эътибори билан уч қисмга бўлинади. محمد كسبحان *Муҳаммад Субҳон (араб фусаҳолари, сўзамолларидан бири) кабидир.* Бунда Муҳаммад лафзи мушаббаҳ, Субҳон эса мушаббаҳ бихдир.

Тарафайннинг ҳиссий ёки ақлий бўлиши, муфрадлиги ёки мураккаблиги, бир гапда бир неча ташбеҳларни келтириш услублари ҳақидаги қисмлари бор.

Чун алиф то сарв-и ман афканд кокул бар қафо,

Шуд чу дол аз бор-и ишқаш ошиқонро қад дуто.

Сарвим мани кокилин ташлаб ортга алифдек турди,

Анингки, юкидин ошиқлар қадди долдек букилди.

Ушбу форсий байтда ҳам ташбеҳ моҳирлик билан келтирилган. Шоир ошиқни қоматини алиф каби савлатлик қилиб, маъшуклари эса ишқ юкидан қоматлари дол ҳарфидек букилиб қолганини чиройли ифодалаган.

Биринчи қисм. Ташбеҳ тарафайннинг ҳиссий ёки ақлий бўлишига қараб тўрт турга бўлинади.

الأول أن يكون طرفاه حسّين *Биринчи турига кўра, ташбеҳнинг ҳар икки асосий бўлаги, яъни тарафайн ҳис, сезги аъзолари билан идрок этиладиган нарсалар бўлишидир.* Инсонни бешта ҳиссий туйғулар бор ва улар – кўриш, эшитиш, ушлаш, ҳидлаш ва таъм билиш ҳисобланади.

Иккинчи қисм. Ташбеҳ тарафайннинг муфрад – бир лафздан иборат бўлиши ва мураккаб – икки ундан зиёда лафзлардан тузилган бўлишига қараб яна тўрт турга бўлинади.

الأول أن يكون طرفاه مفردين Биринчиси тарафайннинг муфрад бўлишидир. Мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳнинг бир калимадан иборат бўлиши, яъни муфрадлиги икки хил бўлади: мутлақ муфрад ва муқайяд муфрад. Мутлақ деганда умуман бир дона калимадан иборат бўлиши тушунилади. Муқайядлиги – қайд этилганлиги эса, мавсуф-сифат, изофа, ҳол, зарф ва бошқа шу кабилар билан бўлади. Муқайяд бўлиши билан бир неча калима битта маънони англатиш мақсади учун ишлайди. Шунинг учун, бир неча калималардан тузилган бўлса ҳам, муфрад ҳисобланади.

Учинчи қисм. Бир жумлада икки ва ундан зиёда ўхшатиш келтириш ҳолатларига қараб, ташбеҳ тўрт турга бўлинади. Улар — малфуф (ўралган), мафруқ (ажратилган), тасвия (тенглаштирилган), жамъ (тўпланган) турлари бўлиб, қуйида улар билан танишамиз:

1. Малфуф – ўралган маъносида бўлиб, жумлада икки ва ундан зиёда келган ташбеҳларда аввал мушаббаҳлар, кейин унга мос равишда мушаббаҳ биҳлар зикр қилинади. Шоир Қайсий ғалати бургутнинг ини атрофидаги манзарани қалами воситасида сўзлатади:

كَأَنَّ قُلُوبَ الطَّيْرِ رَطْبًا وَ يَابَسًا لَدَى وَكْرَهَا الْعَنَابُ وَ الْحَشَبُ الْبَالَى

*Инни атрофида гўё қуш юраклари,
Янги-ю қуриб қолган ҳолида, ҳудди
Янги узилган ҳурмо, чирик туршаклари.*

Шоир бу байтда фақат қушларни овлайдиган бургутнинг ажойиб хислатини зикр қиляпти. У қуш юрагидан бошқа ҳаммасини ейди. Қуш юраклари ин атрофида ётади. Уларни янгисини ва қуриб қолганларини шоир янги узилган ва туршакка айланган ҳурмога ўхшатди.

Янги қуш юраклари шакл, ранг ва миқдорда мос ва ўхшаш бўлган янги узилган, етилиб пишган ҳурмога, қуриганлари эса эски, қуртлаб қолган ҳурмога ўхшатилди. Муштарак маъно, яъни важхуш шабаҳ шакли, ранги ва

миқдору ҳажм экани ҳам маълум бўлди. Кўриб турганингиздек, биринчи мисрада мушаббаҳлар – янги ва қуриган ҳолдаги юраклар, кейин эса мушаббаҳ биҳлар мос равишда – янги ва чирик ҳурмолар кетма-кет қилиб келтирилди. Мушаббаҳлар кейин мушаббаҳ биҳларнинг мана тартибда зикр қилиниши малфуф дейилади.

القمرين هند و سعاد أو هما كالشمس و القمر
Ҳинд ва Саод ҳудди икки ой ёки у
иккови қуёш ва ой кабидирлар. Бу мисолнинг малфуфлиги бу ўринда замм,
яъни боғлаш маъноси биландир. Чунки, аввалида икки мушаббаҳни, кейин
икки мушаббаҳ биҳни бир-бири билан боғлаб келтирди.

2. Мафрук – ажратилган, алоҳида қилинган маъноларини билдириб,
жумладаги икки ва ундан зиёда келган ташбеҳлар ўзлари алоҳида бўлиб, ҳар
бир мушаббаҳ ўз мушаббаҳ биҳи билан зикр этилади. Яъни, ташбеҳлар бир-
биридан ажратиб, алоҳида келтирилади, шунинг учун ҳам мафрук дейилади.
Шоир маҳбубасини таърифлайди:

الخدّ ورد و الصدغ غالية والريق خمر والتغر كالدرر

Яногининг қизиллиги атиргул,

Узун кокили ҳушбўй бир гул.

Оғзининг сув шаробдир ҳудди,

Тишлари мисли терилган дур.

Кўриб турибсизки, шоир байтда ҳар бир мушаббаҳни ўз мушаббаҳ
биҳи билан бирга зикр этди.

بدت قمرا و مالت غصن بان و فاحت عنبرا و رنت غزالا

Ой мисоли кўриниб,

Новда киби эгилди.

Анбардек бўй таратиб,

Кийик киби ингради.

Шоир Мубтаний ишқ алангасида ёнаётган ошиқ тилидан маъшуқасини
таърифлайди. Жамолини ойга, қоматини мажнунтол новдаларига, ифорини
мушку анбарга ва кўз қарашларини, ҳатто овозини кийикка усталик билан
ўхшатган.

3. Тасвия – тенглаштирилган маъносида бўлиб, бир жумлада мушаббаҳларни икки ва ундан зиёда келтириб, ҳаммасини битта мушаббаҳ бихга ўхшатишдир. Шоирнинг ушбу байти бу қоидага мувофиқ келтирилган:

صدغ الحبيب و حالى كلاهما كاللىالى و ثغره فى صفاء و أدمعى كاللالى

Ёрнинг кокили-ю мени аҳволим,

Иккови қаро тунлар каби.

Сафоликда тишлари-ю кўз ёшим

Ҳаммаси дурру маржон каби.

Шоир аввалги мисрада ошиқнинг ҳоли билан маҳбубасининг кокилини қора кечаларга, кейин кўз ёшлар билан маҳбубани тишлари мусаффоликда оппоқ маржонларга ўхшатди. Кўриниб турибдики, байтда иккитадан мушаббаҳ ва битта мушаббаҳ бих келтирилди. Бу билан икки нарса бир нарсага ўхшаши баён қилиняпти. Шунинг учун буни тасвия, яъни тенглаш деб аталган.

4. Жамъ – жамлаш, тўплаш маъноларида бўлиб, кўринишда тасвиининг акси ҳисобланади. Яъни, битта мушаббаҳга икки ва ундан зиёда мушаббаҳ бихлар ўхшатилади.

ذات حسن لو استزدت من الحسن لما أصابت مزيدا فهى الشمس بهجة و القصيب اللدن قذاً والريم طرفا

و جيدا

Ҳусни латофату насофатда етилган ёш,

Зиёда гўзаллик қабул қилмас зинҳор.

Ярақлаган ёруғликда ул мисоли қуёш,


Қадди қомати мустаҳкам бамбук қамиши,

Оҳудир бўйни-ю кўзлари, нозкарашмаси.

Гўзаллиги шундай етилганки, гўзаллигига зиёдалиқ бериш мумкин эмасдир, деб шоир ошиғини сифатлашга ҳаракат қилади, - Маҳбуба ёруғликда қуёш, қадди қомати мустаҳкам бамбук қамиши, бўйни ва нозкарашмаларида оҳудир.

Бу гўзал ожизани шоир учга нарсага – қуёш, қамиш новдаси ва гўзаллик рамзи бўлган кийикка ўхшатди. Қуёш маълум ва машҳур само

жинси, улуғворлик тимсоли, бамбук қамиши қаттиқлик, мустаҳкамлик тимсоли ҳамда кийик ҳар вақг гўзаллик рамзи ҳисобланади. Сўзларни ўз ўрнида келтириш малакаси гапни ҳам бадиййатини мукаммаллаштирган. Байтдаги ھ кишилиқ олмоши мушаббаҳ бўлиб, мазкур уч улуғ рамзлар унга мушаббаҳ биҳ бўляпти. Яъни, бир ўзи ўзида уч хислатни жамлади ва битта ташбеҳни ташкил этди. Шунинг учун, уни жам деб аталди.



Ташбеҳнинг рукнлари

Мушаббаҳ (ўхшатиш)	Мушаббаҳ биҳи (ўхшатишмиш)	Одоти ташбеҳ (ўхшатиш воситаси)	Важҳуш шабаҳ (ўхшатишлик сабаби)
-----------------------	-------------------------------	---------------------------------------	--

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ким биринчи бўлиб илми баённи тартибга солган, бу илмга хос усулни ва қонун-қоидаларни жорий этган?
2. Баённинг луғавий маъноси нима?
3. Ташбеҳнинг нечта аркони бор?
4. Мушаббаҳ бих нима?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

5-мавзу. Важхуш шабаҳ – ўхшашлик сабаби ҳақида

Режа:

1. Важхуш шабаҳ.
2. Ҳақиқий ва ҳаёлий важхуш шабаҳ.
3. Муфрад, мураккаб, мутааддид важҳлар.

Мавзуга доир истилоҳлар: ҳақиқий ва ҳаёлий; Муфрад, мураккаб, мутааддад; важҳни ҳиссий ва ақлийлиги; Тамсилий ва ғайри тамсилий; муфассал ва мужмал; қариб мубтазал ва ғариб баъид.

Ташбеҳнинг таърифидан важхуш шабаҳ тарафайндаги муштарак маъно экани маълум бўлди. هو المعنى المشترك بين المشبه و المشبه به فاشترآكه إما تامًا أو ناقصا Бу маъно мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихда қисман ёки тўлиқ бўлган маънодир. Ўхшатилиш жиҳати дейилиши шундан. Масалан: زيد كأخيه فى الكرم Зайд карамда (саховат ва ҳурматда) акаси кабидир. Бу мисолдаги карам лафзи важхуш шабаҳ бўлиб, бу маъно Зайдда ҳам, унинг акасида ҳам мавжуд.

Шунингдек, важхуш шабаҳ учун мутакаллимнинг қатъий мақсади бўлиши шарт қилинади. Чунки ҳар қандай маъно ҳам важҳ бўла олмайди. Уни мутакаллимгина мақсадига қараб, муштарак маъно қилиб қўйиши билан важҳ кучига киради. Масалан важҳ тарафайнни деярли барча жиҳатларидаги маънода – ҳайвонлик, ҳаёт, жасад, вужуд ва бошқалар сифатларида шерик бўлиши мумкин. Лекин ҳаммаси ҳам важҳ бўла олмайди. Айтганимиздек, уни мутакаллимнинг ўзи танлаб олади. Бир инсонни аямай ураётган кишига: ارفق به فهو مثلك Унга раҳм, шафқат қилсангчи, у ҳам сендек-ку!?-деганда жасад, оғриқни сезиш, ҳаётга ҳақли бўлиш каби маъноларда важҳ бўлиши назарга олинади.

Важхуш шабаҳ эътибори билан ташбеҳ бир неча қисмларга бўлинади. Улардан машҳурлари қуйидагилардир:

I қисм. Ҳақиқий ва ҳаёлий важхуш шабаҳ.

Ташбеҳ важхуш шабаҳ эътибори билан таҳқиқий ва таҳйилий важҳ турларига бўлинади.

تعريف: أن يكون الوجه فيه قائمًا بالطرفين حقيقة
коим, мавжуд бўлса, у таҳқиқий ваҳхуш шабаҳ бўлади. Уни ҳақиқий ҳам
дейилади. Худди ҳис-туйғу аъзолари билан билиш мумкин бўлгани каби
ваҳҳни ҳам билиш мумкин бўлса, уни ҳақиқий экани маълум бўлади.

وجه هند كالبدن في الإشراق و شعرها كالليل في السواد
Ўиндинг юзи ёруғликда тўлин
ойдек, сочлари тимқораликда тундек.

Тўлин ойга ишроқ ёруғликда чехраси, сочлари эса қораликда тунга
ўхшатилди. Ёруғликни ҳам, қораликни ҳам кўриш орқали аниқ билиш
мумкин. Демак, бу икки ташбеҳимиз ҳақиқий бўлди.

Ошиқ агар манам, чиро гунча дарида пираҳан?

Кушта агар манам, чиро лола бувад ба хун-и тан?

Гар мен ошиқ бўлсам, нечун гунча куйлагин йиртмиш?

Гар қатл этилган бўлсам, нечун тани лола қон бўлмиш?

Лоланинг ранги билан қоннинг ранги қизилликда бир-бирига ўхшаши
табиий. Қизилликни эса, кўриш билан ҳис этилади.

Хаёлий таъриф: ألا يكون الوجه قائمًا بالطرفين أو بأحدهما إلا تخيلاً
тарафайн – мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихни икковида ёки унинг бирида
ҳақиқатда эмас, балки хаёл билан тасаввур қилинишига айтилади. Мисол:

يا من له شعر كحظي أسود جسمي نخيل من فراقك أصفر

Эй, сочлари қора! Менга ул соч қисматимни эслатмиш!

Фирогингдан жисм ичра озмишам, рангим сарғаймиш!

Сочнинг қоралигани кўриш мумкин, аммо тақдирнинг қоралигини
кўриш ҳақиқатда мумкин эмас. Лекин, оғир ҳаётини эътиборга олиб, уни
қора деб ифодаламақчи деб қаралса, хаёлан уни қора дейиш тасаввур қилиш
мумкин бўлади. Зеро, қисмат каби нарсаларни ҳақиқатда рангга алоқаси
йўқдир.

Эй, يا من له حظ كحظي أسود қисматимдек қора қисмати бор... Бу мисолда
тарафайнни ҳар иккови хаёлий бўлди.

Тобонда чу моҳ-и осмоний,

Гарданда чу моҳ-и осмонам.

Дар ҳусн чу нақш-и парниёний,

Дар заъф чу тор-и парниёнам.

Осмондаги ойдек сан порлоқ,

Осмондаги ойдек мен саёқ.

Хунсинг парниён нақши каби,

Заифлигим парниён уни каби.

Осмондаги ой каби саргардон бўлишда – буни фақат ҳаёлда тасаввур этиш мумкин. Инсон заифлигини нозик парниён уни мисолида бўлиши ҳам ҳақиқатда эмас, балки ҳаёлан тушуниш мумкин.

II қисм. Муфрад, мураккаб, мутааддид важҳлар.

Ташбеҳ важҳнинг эътибори билан яна уч хил бўлади: **муфрад** – воҳид, *المفرد ما لا تركيب فيه ولا تعدد* яъни важҳ бир калима ва бир маънодан иборат бўлиб, унда таркиб ва тааддуд бўлмайди. Таркиб бир неча калималардан тузилган ва тааддуд бир нечта мустақил важҳ бўла оладиган калималардан иборат бўлишидир. Демак, муфрад бир калима ва бир маъно берадиган важҳ бўлишидир.

زيد مثل حاتم في الكرم Яноқлари қизилликда атиргулдек, *خده كالورد في الخمرة* Зайд саховатда мисоли Хотамдир, *العلم كالنور في الهداية* Илм тўғри йўл кўрсатишда нур кабидир.

Ушбу ташбеҳларда *في الخمرة و في الكرم و في الهداية* (қизилликда, саховатда, ҳидоятда) важҳуш шабаҳ бўлиб, улар бир лафз ва бир маънодан иборат. Шунинг учун, бундай важҳларни воҳид ёки муфрад дейилади.

Ал-Муназил манзилатал воҳид – мураккаб, *ما كان الوجه فيه هيئة مركبة* яъни воҳиднинг манзилида бўлган важҳ, асосан бирон ҳайъатни ифодалаган бир неча сўзлар ёрдамида тузилади. Уларни мажмуаси, яъни фақат бирга келтирганда бир маънони билдиради ва важҳуш шабаҳ бўлади. Шуниси аҳамиятлики, бу калималарнинг биронтасини алоҳида олиб, мустақил равишда важҳ қилиш мумкин бўлмайди, фақат биргаликда зикр қилинса, важҳ бўлади. Шеър:

و البدر في كبد السماء كدرهم ملقى على ديباجة زرقاء

*Мусаффо осмон гумбазида ёлғиз тўлин ой,
Зангор ипак узра ётган нуқра дирҳам киби, ой.*

Шоир, осмон гумбазидаги тўлин ой зангори ипак мато устига ташлаб қўйилган кумуш дирҳамга ўхшадини эслатяпти. Байтнинг иккинчи мисрси тўлиқлигича важҳуш шабаҳ бўлди. *ملقى على ديباجة زرقاء* *Кўк мато устига ташлаб қўйилган*, деган маъно битта важҳ бўлиб хизмат қиляпти. Кўриб турганингиздек, важҳни ташкил этаётган бирон лафзни ўзини алоҳида важҳ қилиб қўйиш мумкин эмас. Зеро, маъно тугал чиқмайди. Кўк мато устида бир дона дирҳам бўлишда бошқа, яна осмоннинг кўклигида, ойнинг шакли билан дирҳамнинг думалоқлигида, нур таратиши каби жиҳатларда ҳам важҳ бўлиши мумкин.

Бир неча калималар воситасида бир маънони англатилгани учун ҳам ал-муназил манзилатал воҳид, яъни бир маъно манзилига туширилган важҳуш шабаҳ деб аталган. Ал-Мураккаб лилмаънал-воҳид *المركب للمعنى الواحد* ушбу важҳни мураккаб ҳам дейилади. Чунки, баъзи таърифларида уни бир маънони ифодалаш учун калималар тузилмаси, деб эътироф этилган.

Мутааддид – ададли, бир нечта бўлувчи маъносида ишлатилиб, истилоҳий маъноси қуйидагича: *ما كان الوجه فيه عدّة أمور جعل كل منها وجها على حدّة* Ташбеҳнинг важҳу шабаҳи бир неча ишлар, калималардан иборат бўлиб, уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида важҳ қилиб олиш мумкин бўлади.

هذه الفاكهة التى أكلناها أمس فى الطعم و اللون والرائحة *Бу мева таъми, ранги ва ҳидида кеча еганимиз каби.*

عباس كأخيه فى الطول والضخامة والوسامة و فى الحلم والكرم والذكاء والإيمان *Аббос бўй, гавда, навжувонлик-ёшликда ва ҳилмлик, карам, зийраклик, имонда акаси кабидир.*

Мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар калима ўзи мустақил важҳ бўла олади. Бундай ташбеҳларни мақсадларини ҳам тўғри тушунмоқ керак. Бундай кўплаб важҳлар келтирилиши ҳаммасини бирданига, баробар эмас, балки ҳар бири алоҳида равишда ташбеҳни изоҳлайди. Масалан, Аббос бўйда акаси каби, Аббос гавдада акаси каби, Аббос имонда акаси каби ва ҳакозо.

Мураккабда ҳам, мутааддидда ҳам кўп калималар келтириляпти. Аммо улар бир-биридан шундай фарқлаш керак: агар важҳнинг кўп лафзлари бир хайъатни билдирса, у мураккаб важҳ бўлади. Мураккабнинг яна бир нозик томони унда иштирок этаётган лафзларни биронта ўзи алоҳида ёки бирон лафзни олиб ташланса важҳ бўлолмайди. Мутааддидда қатнашаётган кўп калималарнинг ҳар бири ўзи алоҳида важҳ бўлиб хизмат қила олади.

III қисм. Важҳнинг ҳиссий ва ақлий бўлиши

Ташбеҳ важҳуш шабаҳнинг ҳиссий, яъни ҳис-туйғу аъзолари билан идрок қилиниши ва ақлий – фикр-мулоҳазани ишлатиш билан тушуниладиган бўлишига қараб уч хил бўлади.

الأول أن يكون الوجه فيه حسيا مفردا كان أو مركبا أو متعددا Биринчи тури муфрад, мураккаб ёки мутааддид суратида бўлса ҳам, важҳнинг ҳис аъзолари билан билинадиган бўлишидир. Буларнинг ҳар бирига мисоллар келтириб танишамиз:

Муфрад ҳиссий важҳга мисол: *له وجه كالبدن في الإشراف* Уни ёруғликда тўлин ойдек жамоли бор. *له جسد مثل الحرير في النعومة* Уни момиқликда мисли ипак жисми бордир. *عرفه كشذا المسك طيبا* Ҳушбўйликда мушку анбардек ҳиди бордир.

Аввалда келтирилган важҳи ҳиссий турга мансуб ташбеҳларда ҳам, кўриниб турибдики, ушбу важҳлар ҳис-туйғу аъзолари билан идрок этилади. Ёруғликни кўриш, момиқликни ушлаш, ҳушбўйни ҳидлаш билан билиш мумкин ва ҳаказо.

Мураккаб ҳиссий важҳга мисол:

و البدر في كبد السماء كدرهم ملقى على ديباجة زرقاء

Мусаффо осмон гумбазида ёлғиз тўлин ой,

Зангор ипак узра ётган нуқра дирҳам киби, ой.

ملقى على ديباجة زرقاء Кўк мато устига ташлаб қўйилган, деган маъно битта важҳ бўлиб хизмат қиляпти ва уни кўриш орқали билиш мумкин.

هذه الفاكهة التى أكلناها أمس فى الطعم و اللون Мутааддид ҳиссий ваҳҳга мисол:
Бу мева таъми, ранги ва ҳидида кеча еганимиз кабидир. Билиниб турибдики, бу ваҳҳларнинг ҳар бирини ҳис аъзоларини билан сезиш мумкин.

Иккинчи тури муфрад, والثانى أن يكون الوجه فيه عقليا مفردا كان أو مركبا أو متعددا
мураккаб ёки мутааддид суратда бўлиш билан ваҳҳни ақл билан идрок этилишидир. Буларни ҳам мисоллар билан танишамиз:

الحديث: أصحابى كالنجوم بأيهم اقتديتم اهتديتم Муфрад ақлий ваҳҳга мисол:
Менинг асҳобларим (тўғри йўл кўрсатишда) юлдузлар кабидирлар. Қай бирларига эргашисангиз ҳидоят топасиз! زيد أسد فى الشجاعة *Зайд шижоатда шердир.*

Ушбу мисоллардаги الهداية و فى الشجاعة Ушбу мисоллардаги ҳидоят ва шижоат каби муштарак маъноларни ақл билан идрок этиш мумкин. Уларни бирор ҳис аъзолари билан билиш амри маҳолдир.

Мураккаб ақлий ваҳҳга мисол: Шоир умидсизликдан қўлини ювиб қўлтиғига урган кишини ҳолатини тасвирлайди.

والمستجير بعمره عند كربته كالمستجير من الرمضاء بالنار

*Умид ила Амрдан сўрмоқ нажот,
Бошдан нари кетмоқ чун бу офат,
Гўё бу тандирдан кутмоқ нажот,
Бошинг узра қизиб турганда, наҳот.*

Шоир бошига кулфат тушганда кишининг Амрдан ёрдам, нажот кутиши ҳудди иссиқлигидан ловуллаб турган тошдан яна олов билан нажот истаганга ўхшашини моҳирлик билан ифодалаган.

Бу мисолда ваҳҳ мушаббаҳда ҳам, мушаббаҳ бихда ҳам нажотдан умидсизлик, кўпроқ зиёнга мубтало бўлишдир. Мазкур ҳолат ақл билан идрок этилиши маълум.

Мутааддид ақлий ваҳҳга мисол:

عباس كأخيه فى الحلم والكرم والذكاء والإيمان Аббос ҳилмли, карам, зийраклик,
имонда акаси кабидир. زيد كأبيه فى الورع و الشجاعة و الخلق *Зайд тақво-парҳез,
шижоат ва хулқда отаси кабидир.*

Ушбу мисоллардаги важҳларни ҳар бири ақл билан идрок этилади ва ҳар бири мустақил равишда ўзи важҳ бўла олади. Шунинг учун, мутааддид ақлий важҳ бўлдилар.

الثالث أن يكون الوجه فيه مختلفا Учинчиси, ташбеҳдаги важҳларнинг мухталаф, яъни аралаш – бири ақлий ва бошқаси ҳиссий бўлишидир. Юқоридаги сабоқларда ўтган кишини бўйи, қомати, имон-эътиқоди, ёшлик-навжувонлиги, қувват ва бошқаларда ўхшашлиги ҳақида мисолларни келтириш мумкин.

عباس كأخيه في الطول والضخامة والوسامة و في الحلم والكرم والذكاء والإيمان *Аббос бўйи, гавда, навжувонлик-ёшликда ва ҳилмлик, карам, зийраклик, имонда акаси кабидир.*

Баҳойимсан, башар, девонасан, соғ,

Гуноҳинг олдида арзанча йўқ тоғ.

Сўфи Аллоҳёрнинг ушбу байтида бир қатор ташбеҳларни кўриш мумкин. Амали ва бошқа ҳолатларига қараб инсонни ҳайвон, одам, бемор ва соғломга ўхшатадилар. Гуноҳларнинг кўплигидан уни тоғларга ўхшатиб, ҳатто тоғлар ҳам гуноҳларнинг катталиги олдида ҳеч нарса бўлмай қолишига ўхшатыпти. Бу ташбеҳлардаги важҳларни ҳам ақл билан, ҳам ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин.

IV қисм. Важҳни тамсилий ва ғайри тамсилий бўлиши

Ташбеҳ важҳ эътибори билан яна икки бўлади. Важҳ бирор ҳайъат, ҳолатни ифодалаб келса, уни тамсилий важҳуш шабаҳ дейилади. Тамсилнинг маъноси ҳайъат, шакл ёки ҳолат бўлиб, истилоҳий таърифи қуйидагича:

التمثيل : ما كان الوجه فيه هيئة مركبة من عدة أمور حسيًا كان هذا الوجه أو عقليًا
Ўхшатишдаги важҳнинг бир неча ишлардан тузилган мураккаб ҳайъат бўлишидир. У ҳиссий бўлса ҳам, ақлий бўлса ҳам тамсил бўлади. Ҳиссий тамсилга мисол:

و البدر في كبد السماء كدرهم ملقى على ديباجة زرقاء

Мусаффо осмон гумбазида ёлғиз тўлин ой,

Зангор ипак узра ётган нуқра дирҳам киби, ой.

ملقى على ديباجة زرقاء *Kўк мато устига ташлаб қўйилган*, иккинчи мисра
важхуш шабаҳ бўлди. бир неча калимадан тузилган ва ҳайъатни ифода
турган бу важҳ ҳиссий тамсил бўлиб хизмат қиляпти ва уни кўриш орқали
билиш мумкин.

وكانّ أجرام النجوم لوامعا درر نشرن على بساط أزرق

Чун, кўк осмонда юлдузлар сочилгани,

Кўк гиламда дур-маржонлар ёйилгани.

Шоир, осмон жисмлари билан қоришиб кетган юлдузларнинг ловуллаб
ярақлаб туришини ҳаво ранг гилам устига сочиб юборилган дурру-
маржонларга ўхшатиб, чиройли ташбеҳ қила олган.

Иккинчи мисолда ҳам نشرن على بساط أزرق важҳ кўк гилам устига сочиб
юборилган ялтираб турган дурлар ҳайъатидан тузилган бўлиб, бу ҳиссий деб
ҳисобланади.

Ақлий тамсилга мисол:

والمستجير بعمره عند كربته كالمستجير من الرمضاء بالنار

Умид ила Амрдан сўрмоқ нажот,

Бошдан нари кетмоқ чун бу офат,

Гўё бу тандирдан кутмоқ нажот,

Бошинг узра қизиб турганда, наҳот.

Ушбу мисолда важхуш шабаҳ нажотда умидсизлик ва зиёнидан кўра
янада зарарлироқ нарсага тутилиши, қўлини ювиб қўлтиққа уришга ўхшаш
ҳайъат бўлади. Бу ҳайъат ақл билан идрок этилади. Яна гўзалроқ мисол
Қуръони каримда бор. Таврот ўқиб, уни мақсад ва ҳақиқатларини била туриб,
унга амал қилмаган яҳудийларнинг аҳволи китоб юклаб қўйилган эшакка
ўхшатиш:

مثل الذين حملوا التوراة ثم لم يحملوها كمثل الحمار يحمل أسفارا

***Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтара олмаган (унга
амал қилмаган) кимсаларининг мисоли ҳудди китобларни кўтариб
кетайдиган эшакка ўхшайди... (Жумъа сураси, 5-оят).***

Таврот гарданларига амал қилишлари учун юклатилган, кейин унга амал қилмаган қавмларнинг мисоли – гўё оғир китоблардан иборат юк ортилган эшакка ўхшайди. Бунда важҳ мураккаб ақлий ҳайъатдан иборат бўлиб, у камолига етказиб манфаат топиш имконига эга бўла туриб, фойдаланишдан маҳрумликдир. Яна кўтариб туришдаги оғир машаққат ҳам бунга қўшилади.

Агар важҳ ҳайъат, ҳолатни ифодаламаса, у ғайри тамсилий, яъни – тамсилий бўлмаган важҳуш шабаҳ дейилади. Истилоҳий таърифи қуйидагича:

Ғайри *غير التمثيل* маъноси: *ما لم يكن الوجه فيه هيئة منتزعة من متعدد بأن كان أمرًا واحدًا أو متعددًا* Ғайри тамсил-ҳайъат билдирмаган, балки бир лафз ва маъно ёки бир неча амрлардан иборат важҳдир. Масалан, *صوت حسن كتغريد البلابل في حسن النغم* ҳушовозни булбул овозига, *العزيمة كالسيف في المضاء* қилич кескирлигини нурга, *الحجة الواضحة كالشمس كالإشراق* очик равшан ҳужжатни қуёшга ўхшатиш ва ҳаказо. Шунингдек, мевани ранги, таъми ва ҳидида бошқасига ўхшатиш ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, бу мисоллардаги важҳларнинг бирортаси ҳайъатни билдирмаяпти. Шунинг учун ҳам, улар ғайри тамсилий важҳуш шабаҳ бўлди.

V қисм. Важҳнинг муфассал ва мужмал қисмлари

Ташбеҳ важҳуш шабаҳни келтириш усулига кўра икки хил бўлади.

1. Муфассал – аниқ ва очик келтирилиши. *التعريف: المفصل ما صرح فيه بذكر الوجه على طريقته*

Келтириш қондасига кўра аниқ келтирилган важҳни муфассал дейилади. У икки хил кўринишда зикр этилади:

а) Тамйизликка кўра насб, яъни гапнинг аниқловчи бўлаги сифатида калимани охири фатҳа билан ўқилади;

б) тамйиз маъносидаги *في* жар ҳарфи билан келади. Мисол: *طبع فؤاد كالنسيم رقة أو في رفته أو في رقة و يده كالبحر سخاء أو في سخاءه أو في سخاء و كلامه كالدرّ حسنا أو في حسنه أو في حسن و قوامه كالسيف استقامة أو في استقامته*

Фуоднинг кўнгли насим шаббодаси янглиз майин, ёқимликдир ва кўлининг очиқлиги саховатда денгиз каби, гаплари гўзалликда дурру жавоҳир ва тўғрилиқ, мустақимликда қомати қиличдекдир.

Ушбу мисолларнинг ҳар бири, муфассал важҳуш шабаҳнинг таърифига мувофиқдир. Жар ҳарфи билан келганда важҳдаги замирни ҳазф этиш ҳам жоиз.

Араблар енгил тушунарлик гапларни ҳаловат, *ширинликда сўзлари асалдек* أَلْفَاظُهُ كَالْعَسَلِ فِي الْحَلَاوَةِ; *очиқ далилни зуҳури, кўриниши қуёшдек равшан ҳужжат* حُجَّةٌ كَالشَّمْسِ فِي الظُّهُورِ – деганларида ҳам важҳ муфассал қилиб келгирилади.

Бу ташбеҳларда важҳ мушаббаҳларда ҳаёлий суратда, мушаббаҳ бихларда эса ҳақиқий ҳолатда экани билиниб турибди.

2. Мужмал – лўнда, мужмал бўлиши. التعريف: المَجْمَلُ مَا لَمْ يَصْرَحْ بِذِكْرِ الْوَجْهِ عَلَى طَرِيقَتِهِ

Ташбеҳда важҳ келтириш қондасига кўра келтирилмайди. Мужмал икки хил бўлади.

а) Зоҳир – очиқ, маълум маънода бўлиб, бундай ташбеҳни хоссу омма баробар тез ва аниқ англайди. Сочни қора кўмирга, қоматни новдага, юзни ойга ўхшатиш каби. Буларда важҳ нима эканини билиш қийин эмас.

б) Ҳафий – махфий, яширин маъносида бўлиб, уни англаш учун фикр юритиш керак бўлади. Масалан: Фотима бинт Хуршубдан азамат тўрт ўғли ҳақида: قِيلَ لَهَا أَيُّهُمْ أَفْضَلُ قَالَتْ هُمْ كَالْحَلَقَةِ الْمَفْرَغَةِ لَا يَدْرِي أَيْنَ طَرَفَاهَا -*Қай бирлари афзал? - деб сўраганларида, зукко она, -Улар бир-бирига боғлаб қўйилган занжир ҳалқаларига ўхшайдилар. Ҳалқанинг икки тарафи қаердалигини билиб бўлмайди, - деб жавоб беради.*

Она бу гапи билан улар насл, шараф, шижоат ва бошқа фазилатларда бир-бирига муносиб, камчилик ёки ортиқликлари йўқ, - деб айтмоқчи эканини билиш мумкин. Чунки, бу ҳол бир хилда ва бир-бирига муттасил қилиб қўйилган занжир ҳалқалари кабидир. Шаклларининг баробарлиги, бирортасини занжир учи ёки ўртаси этиб таъйинлашнинг имкони йўқлиги,

уларни ўзаро муносиб эканларига далолат қилади. Бу мисолда важҳ ҳаммаларининг тенг ва мосликлари ҳамда фарқларининг йўқлигидир. Демак, бу важҳни номи ўзи айтиб турганидек, нозик махфий важҳ экан.

VI қисм. Қариб мубтазал ва баъид ғариб

Ташбеҳ важҳуш шабаҳ эътибори билан яна икки қисмга бўлинади. Ташбеҳни бу тури нутқда кўп ёки кам истеъмол этилишига боғлиқдир.

التعريف: القريب المبتزل ما ينتقل فيه الذهن من المشبه إلى المشبه به من غير تأمل و نظر

Зехнда мушаббахдан мушаббаҳ бихга ўйламасдан, фикр юритмасдан осонлик билан ўтадиган ва енгил тушуниладиган важҳни қариб мубтазал дейилади. Қариб – яқин маъносида тушуниш осон экани ва омма бундай ташбеҳни кўпроқ ишлатгани учун, мубтазал – машҳур, кенг тарқалган маъносида бўлиб, халқ нутқида истеъмоли кўплиги учун шундай деб номланган. Шунингдек, важҳуш шабаҳ бу ташбеҳларда очик ва маълумдир.

Масалан, صوت حسن كتغريد البابل في حسن النغم ёқимли овозни булбул товушига, الحجة الواضحة қилич кескирлигини нурга, العزيمة كالسيف فى المضاء очик равшан ҳужжатни қуёшга, الوجه الحسن كالقمر гўзал жамолни ёрқинликда ойга ўхшатиш ва бошқа ташбеҳларни айтиш мумкин.

Қариб мубтазалнинг очик, кенг тушунарлик эканининг учта сабаби бор:

1. Важҳнинг бир маънода ишлатилиши, уни бошқа маъноларда келмайди. Важҳ бир калимадан иборат бўлади. Юзни ойга, ҳушовозни булбулга ўхшатган мисоллар каби. Ёруғлик, ёқимлилик булар бир маънони билдиради. Шундай ташбеҳлар зикр қилинганда, киши мулоҳаза қилмасдан, дарҳол важҳ ёруғлик ёки ёқимлилик эканини билади.

2. Важҳдан бир неча маъноларни мулоҳаза қилиш мумкин эканидир. Шундай бўлса ҳам бу маъноларнинг ҳаммаси зехнда дарҳол маълум ва тушунарлик бўлади.

Масалан: العنب كالبرقوق (فى الحجم و اللون) *Ҳажм ва рангда узум зайт кабидир.* Узумни зайтун мевасига ўхшатиш билан зехнда улар ҳажми ва рангида ўхшаш экани намоён бўлади, Буни ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

الجزء الصغيرة كالقوز (فى المقدار و الشكل) *Кичик хумча кўзача кабидир.* Бу мисолда ҳам зеҳнга кўзача ва хумчанинг шакл ва миқдорда ўхшашлиги дарҳол келади.

3. Важҳни кўп маъноларда мулоҳаза қилиш мумкин эканидир. Бунда важҳ сифатида кўп ишлатиладиган маъно биринчи бўлиб зеҳнга келади, кейин бир оз мулоҳаза юритгач осонлик билан бошқа маънолар ёғилиб кела бошлайди. *زيد كالمير* *Зайд ой кабидир.* Бу ташбеҳда биринчи тушуниладиган нарсa чиройлилиги, юзининг ёруғлигидир. Кейин эса, ой улуғлик, ҳидоят, олийжаноблик ва бошқа фазилатларга рамз бўлгани учун Зайдни шу сифатлар билан тавсифлаш мумкин. *Зайд ҳидоят, олижаноблик ва улуғлиқда ой кабидир.*

المراة المجلوة كالشمس *Шуълаланиб турган ойна(кўзгу)қуёш кабидир.*

Бу мисолда қуёш думалоқлик ва нур беришда ойнага ўхшаши тушинарликдир. Булар ҳам кўп ишлатиладиган, зеҳнда тез ва осон пайдо бўладиган нарсалардир.

الغريب البعيد هو ما لا ينتقل فيه الذهن من المشبه إلى المشبه به إلا بعد إعمال فكر و دقة نظر بسبب خفاء وجه الشبه فيهما

Ғариб Баъийд важҳни зеҳнда мушаббаҳдан мушаббаҳ бихга ўтмаслиги, тушинарли бўлмаслигидир, кўп фикр юритгандан кейин бир оз тушуниш мумкин бўлган туридир. Бундай бўлишининг асосий сабаби тарафайнда важҳнинг махфий-лигидир. Важҳ махфийлигини учта сабаби бор:

1. Важҳнинг кўп мулоҳазалик эканлиги, яъни кўплаб маъноларда ишлатиш имкони борлиги ва маъносини аниқлашда қийинчилик борлигидир. Мисол: шоир маҳбубининг яноғидаги холини пионнинг гултожибаргидаги бир дона қора нуқтасига ўхшатади.

لا تعجبوا من خاله فى خده كل الشقيق بنقطة سوداء

Не ажабки, ёноғида бир холи бор,

Ҳар гул баргида ҳам, бир холи бор.

Бу байтда ёрининг ёноғидаги бир дона холдан ажабланмасликни таклиф қилади. Чунки, бундай битта холга ўхшаш ҳолат пионгулнинг ҳар бир

гултожибаргида учрайди. Унда ҳам биттадан қора нуқтаси бор. Ушбу ташбеҳда важҳ мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихда ҳам биттадан қора нуқта борлиги бўлиши мумкин. Шунингдек, қизил текисликдаги қора нуқтадан ва бошқа ҳайъатларни важҳ сифатида эҳтимол қилиш мумкин:

а) холнинг ва нуқтанинг думалоқлиги; б) яноқнинг қизиллиги; в) гул каби гўзаллиги ва ҳаказолар.

Яноқнинг қизиллиги билан маҳбубанинг уялаётганига ишора қилаётган бўлиши мумкин.

والشمس كالمرآة في كف الأثل لما رأيتها بدت فوق الجبل

*Тоғ устида кўринди қуёш нигорон,
Ки ойнакким, илгида тутмиш ногирон.*

Шоир тоғ устида чиқаётганини қуёшни шол, яъни жон талвасасида ётган кишини қалтироқ қўлида ликиллаб турган ойнага ўхшатади. Шолнинг қўлидаги кўзгуни қуёшга ўхшатишда бир неча важҳ бўлиши мумкин. Масалан, думалоқлиги, нур бериши, доимий қалтираб туриши, ҳаракати ва бошқаларни эҳтимол қилиш мумкин. Бунинг ҳаммасини яхшилаб фикр юритиб топилади.

2. Мушаббаҳ бихни зеҳнга келтиришнинг нодирлиги, уни камёблигидир. Бу мушаббаҳ билан мушаббаҳ бихнинг бир-бирига мос келмаслигидан, жинсининг бошқа-бошқа бўлишидан пайдо бўлади. Қуръони карим оятларида ой хурмога ўхшатилади.

والقمر قدرناه منازل حتى عاد كالعرجون القديم *Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутогидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз. Ёсин, 39.*

Қуриган хурмони ўзи зеҳнга нотаниш эмас, лекин уни сутдек оппоқ, узоқ осмон жисми ойга ўхшатиш нодир масаладир. Ойни ўрни осмонда, у юлдузлар туркумидан бўлиб, ҳидоят ва олийлик рамзи ҳисобланади. Қуриган хурмони ўрни ерда, ўсимликлар туркумидан, яна қуриганлиги уни қадрини тушуриб, бир арзимас нарсага айлантиради. Фойдаси йўқ, чириб йўқ бўлиб кетадиган нарсадир. Агар яна иккови учун бундай сифатларни санасак, улар

бир-биридан янада узоқлашадилар. Уларни бирон нарса билан боғлаш мумкин бўлмай қолади. Бундай ташбеҳларда важҳни ғариб баъийд дейилиши ҳам шундандир.

3. Мушаббаҳ бихни куйидаги уч сабабнинг бири туфайли мутлақ тасаввур этиб бўлмайди:

а) Мушаббаҳ бих ваҳмий, яъни хаёлда тўқилган кўрқинчлик иш бўлишидир. Масалан шоир Қайсийни байти:

أ يقتلنى و المشرق مضاجعى و مسنونة زرق كأنياب أغوال ؟

Мени охир ўлдирурми ул,

Вале, ётар ерим машириқи кулл?

Ҳавони кесгувчи ўткир тишларим,

Ки, ялмоғизнинг кескир тишлари.

Ҳаво ранг, жуда кескир, учи учланган ҳанжарга ўхшаган қуролни ялмоғиз кампирнинг ўткир қозиқ тишларига ўхшатилади. Ялмоғизнинг ўзи ва унинг шундай тиши ҳам мавжуд эмаслиги маълум. Уни фақат хаёл билан ўйлаб топиш мумкин.

б) Мушаббаҳ бихнинг хаёлий бўлиши, яъни фантазия қилиш билан ўйлаб топилган ва кўрқинчли бўлмаган иш бўлади. Шоир Сонбурийнинг байти:

و كأنّ محمّر الشقيق إذا تصوب و تصعد أعلام ياقوت نشرن على رماح من زبرجد

Лолақизгалдоқ гуллари кўзларни қамаштирар,

Баҳорда қизиллиги борлиқни яшартирар,

Шамол япроғу гулларин ҳўб эркалар.

Шамол янглиғ қизил гул ҳаракатлари -

Чун, қизил ёқут учига қўндирилган

Забаржад найзанинг ҳаракатлари.

Ҳақиқатда эса, яшил забаржаддан ясалган, учига қизил ёқутлар ўрнатилган найзалар бўлмайди. Чунки, забаржад жуда мўрт ва нозик тош бўлиб, уни найза қилиб ишлаш ҳамда унга ёқутларни ўрнатиш ҳеч қилиш

мумкин бўлмаган ишдир. Ана шундай хаёлий ишга қандай қилиб важҳ, яъни ўртада муштарак маъно бериш мумкин бўлади.

в) Мушаббаҳ бихни одатда ҳиссан тасаввур қилиб бўлмаслик, яъни ҳақиқатда бунинг мумкин эмаслидир.

والشمس كالمرآة في كف الأثل لما رأيتها بدت فوق الجبل

*Тоғ устида кўринди қуёш нигорон,
Ки ойнакким, илгида тутмиш ногирон.*

Ногирон, шолдан мурод ўлаётган, қаттиқ дард-алам билан машғул кишидир. Унинг қўлида ойнани тасаввур қилиш ҳақиқатда бўладиган иш эмасдир. Ўзи билан ўзи овора кишига ойна ҳеч нимага керак эмаслиги ақлли кишига маълум.

Важҳуш шабаҳ эътибори билан ташбеҳ бир неча қисмларга бўлинади

Ҳақиқий ва хаёлий важҳуш шабаҳ	Муфрад, мураккаб, мутааллид важҳлар	Ҳиссий ва ақлий важҳ	Тамсилий ва ғайри тамсилий важҳ	Муфасссал ва муҷмал важҳ	Қариб мутоғазал ва бавҳид ғариб
-----------------------------------	--	----------------------	------------------------------------	--------------------------	---------------------------------

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Вaжҳуш шaбaҳ нимa?
2. Вaжҳнинг кaндaй турлaри бoр?
3. Қaриб мубтaзaлни тушунтириб бeринг!

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жaлoлиддин Мухaммaд ибн Абдуррaҳмoн Қaзвиний. Тaлхисул-мифтaҳ. Алмaктaбaт ул-асрийя. Бaйрут 2008 й.
2. Али Мухaммaд Хaсaн. Асрoр ул-бaён. Қoҳирa 2005 й.
3. Шaрифoв З. Бaлoғaт фaнидaн мaърузaлaр мaтни. – Т.: Мoвaрoуннaҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Хaким Хaсaн Нaънaъ. Ал-Мaнoр. Ал-Азҳaр. Миср. 1991 й.
5. Хрeстoмaтия пo ислaму. Пер. с aрaбскoгo, ввeд. и примeч. – М.: Нaукa. Издaтeльскaя фирмa «Вoстoчнaя литeрaтурa», 1994. – 238 с.: ил.

6-мавзу. Ташбеҳ ҳақида

Режа

1. Ташбеҳ лафзлари.
2. Мурсал ва муаккад ташбеҳлар.
3. Ташбеҳнинг мақсадлари.

Мавзуга доир истилоҳлар: Одовот, мурсал, муаккад, муболаға, ғараз, боис, машаббаҳнинг ҳоли, миқдори, тақрир, имкони, тазйин ва тақбиҳ, иститроф, мақбул ва мардуд.

Адот, яъни ташбеҳ лафзлари – луғатда асбоб, аломат, белги, қарина каби маъноларда келади. Истилоҳда эса адоти ташбеҳ — ўхшатиш маъносига далолат қилувчи лафздир.

الأداة لفظ يدلّ على معنى التشبيه كالكاف و كل ما يفيد معنى المشابهة و المماثلة كلفظي "مثل" و "شبه" و كأسماء الفاعل المشتقة مما يفيد معنى التشبيه كمماثل و مشابه و محاكٍ و مضاهٍ

Ҳарфи «коф» الكاف каби ўхшатиш ҳарфи ҳисобланади. *زيد كاليد* *Зайд ойдекдир*. Ушбу мисолдаги الكاف «коф» ҳарфи ойдек деб ўхшатишликка ёрдам берапти. Ўзбек тилида – каби, ўхшаш, худди, мисли, мисоли, гўё каби калималар ва -дай, -дек каби қўшимчалар ҳамда бошқа лафзлар билан ўхшатиш ифодаланади. Арабчада ҳам таърифдан маълум бўляптики, ўзаро ўхшашликни, муносибликни билдирадиган *مِثْل* ва *شِبْه* калималари билан келтириш мумкин. Бу икки лафзнинг эъроблари икки хил бир маънода истеъмол этилади: “фа” ва “айн” икковини фатҳа ҳамда “фа”ни касра ва “айн”ни суқун билан ўқиш дуруст бўлади: *مِثْل، شِبْه، مِثْل، شِبْل*

زيد شبه الغمام Ҳинд мисли кийик ва Зайд худди булутдир. Шунингдек, ўхшатиш маъносини ифодаладиган феъллардан иштиқоқ қилинган исми фоиллар ҳам одоти ташбеҳ вазифасини бажаради. *و هي مماثلة* *و محاكى الغيث* *و* *U* *кийикка ўхшовчидир, у булутга ўхшовчи,* *هو مشابه الغمام* *فاйс, најот ёмғирини ўзидир, баайни юлдузнинг ўзгинасидир.*

Кўриниб турибдики, исми фоиллар мушаббаҳ бихга изофа бўлиб боғланиб келади. Шунда мушаббаҳ бихни доим касра билан ўқилади.

Аслида الكاف ҳарфи «коф» ва бошқа исмлар мушаббаҳ бихнинг олдида келади. Мазкур мисоллар кўрсатиб турибди. Аммо كَان ҳарфи мушаббаҳни ёнида келди.

Ушбу мисолларда одот лафзан келтирилди. Гоҳо тақдирий бўлади. Бақара сураси 19-оятининг аввалида أَوْ كَصِيَّبٌ *ёки улуг булут каби*, дейилган. Ундан олдинги 17-оят сиёқидан бу ўринда مِثْل одоти ташбеҳи тақдирий экани маълум бўлади.

Улар бамисоли бир олов ёққан кимса (йўловчи)га ўхшайдилар... 17. ...ёки (яна бир ўхшатиш) осмондан жала келтирувчи улуг булут кабики... 19.

Демак, аслида أَوْ كَمِثْلٍ صَيِّبٌ бўлиши керак. Лекин бу сурада келтириш Куръони карим балоғати ва фасоҳатига тўғри келмайди. Чунки, оятларнинг сиёқи одоти ташбеҳ борлигига далолат қилиб турибди. Шунинг учун уни зикр этишнинг ҳожати йўқ.

Баъзан мушаббаҳ бих мураккаб, яъни ҳайъатни билдирган лафзлардан тузилган бўлади. Адоти ташбеҳни мушаббаҳ бих маъносини асосини билдирадиган ёки маъноси суянадиган лафзи ёнида келтирилади. Бу унинг шартидир. Мисол:

واضرب لهم مثل الحياة الدنيا كماء أنزلناه من السماء فاختلط به نبات الأرض فأصبح هشيما تذروه الرياح

(Эй, Муҳаммад, одамларга) дунё ҳаёти мисолини келтиринг. (У) худди бир сув кабидирки, Биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ер ўсимликлари (бир-бирига) аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнгра (кузда) шамоллар учуриб кетадиган ҳашакка айланиб қолур... Каҳф, 45.

Ушбу оятда ташбеҳ воситаси сув лафзи олдида тургани учун, дунёни сувга ўхшатилди, дейиш тўғри эмас. Аслида бу мақсад қилинмаган. Балки, бу дунёнинг инсон зотига қандай юзланиши, ёлғончи дунё лаззатларига осонлик билан алданиш борлигини, дунёга ғурурланиш, қалбни сеҳрлаб қўювчи орзу-ҳаваслар ва кумуш-олтинларига учиш орасида умр ҳам паёнига етиши ва неъмат заволини касб этиши каби барча дунё ҳаётига хос ҳолатлар олам

безаклари тезда ўчиб кетиши, ўсимлик ва турли меваларини пишиб етилгандан сўнг, у ҳам аста йўқлик сари йўл олишига ўхшатиш ирода қилинган. Мана шу мақсаддир.

Ваҳоланки, ер юзидаги барча набототлар сув билан озиқланади, кўкаради. Гуллари дунё юзига табассум қилиб, ўзини кўз-кўз қилиб бўлгандан кейин аста қуриб ҳашакка айланади. Унда ҳаёт аломати бўлмагани сабаб ихтиёрини шамолга беради. шамол эса уларни ҳар тарафларга учиради.

Бу оятдаги ташбеҳнинг важҳуш шабаҳи – гўзаллик, латофат, дунё безаклари, хурсандчилик, тўқинлик орқасидан талофат, шақоват-бахтсизлик, йўқлик келаётган бир ҳайъатдир. الكاف «Коф» ҳарфи мушаббаҳ биҳнинг маъносини асосини билдирувчи калима олдида келтирилгани кўриниб турибди.

كأن “гўё” ташбеҳ лафзи одатдагидек, мушаббаҳ биҳнинг эмас, балки мушаббаҳнинг ёнида келади. كأن عنترۃ أسد *Гўё Антара (машҳур араб шоири) шердир.* Шоир Антарани шерга ўхшайди, деб الكاف ҳарфи билан келтирилгандан кўра бу суратда урғу Антарага қаратилганини билинади.

Раҳмон сурасида (58): كَأَنَّهُنَّ الْيَاقُوتُ وَ الْمَرْجَانُ *Улар(нинг баданлари) гўёки ёқут ва маржондирлар.* Бу мисолда ҳам асосий урғу уларга қаратилгани билан маъно кучайтирилди.

Биринчи мисолдаги Антара ва оятдаги замири муттасил, яъни исмга ёпишиб келадиган олмош мушаббаҳ бўлиб «одот» улар ёнида келяпти.

Икки маъмуллик феъллар ёки ташбеҳ маъносини англатадиган сифатлар ҳам كأن нинг ҳукмини олади. Мисоллар: مائل أو يماثل خالد أسدا *Холид шер билан ўзаро ўхшади ёки ўхшаяпти;* عليّ يشابه أو يشابه عليّ حاتما *Али Ҳотамга ўзаро ўхшаб кетди ёки ўхшаб кетяпти.* شاكى أو يحاكى شوقى أبا الطيب *Шавқу-завқим Абу Тоййиб билан айнан бир хил бўлди ёки бир хил бўляпти.* Буларда ҳам одотлар мушаббаҳнинг ёнида зикр этилди.

Сифат қилинганда خالد مماثل الأسد Холид шерга ўхшовчидир, عليّ مشابه حاتم Али Ҳотамга ўхшовчидир. Бу мисолларда эса, كأن “гўё” ташбеҳ лафзи одатдагидек, мушаббаҳнинг ёнида келди.

Мурсал ва муаккад ташбеҳлар. Ташбеҳ ўхшатиш воситаларининг эътибори билан икки хил бўлади: мурсал ва муаккад.

Мурсал деб, ўхшатиш воситаси лафзи билан ёки тақдиран, яъни ҳаёлда келтирилишини айтилади. Лафзан келтирилганига мисол: *سجعه كسجع الحمام و وشيه كوشى الطاوس* *Унинг сайраши каптарнинг товуши (нотиқлиги шоир Ҳимомнинг нотиқлиги) ва ранги товуснинг ранглари кабидир.*

Ушбу ташбеҳларда одоти ташбеҳ бўлган *الكاف* ҳарфини келтириш билан ўхшатиш ҳосил қилинди. Шунинг учун, бу ташбеҳнинг лафзий мурсал туридир.

Одоти ташбеҳни ҳазф қилиб, уни олиб ташлаб ҳаёлан келтириш мумкин: *سجعه كسجع الحمام و وشيه كوشى الطاوس* *Сайраши каптарнинг товуши (нотиқлиги шоир Ҳимомнинг нотиқлиги) ва ранглари товуснинг ранглари*дир.

Бу билан ҳаёлда *الكاف* ҳарфи борлигини ҳисобга олинмаса, у ҳолда мушаббаҳ айнан мушаббаҳ бих деган даъво пайдо бўлади. Ташбеҳ воситаларини зарур ўринларда олиб қўйиш, маънони кучайтириш услубларидан ва ташбеҳни қийматини оширадиган жиҳатлардан ҳисобланади.

Мурсал дейилишининг сабаби тарафайн, яъни мушаббаҳ билан мушаббаҳ бихни бир нарса деб даъво қилишни ман этганидир. Бунга одотни лафзий ёки тақдиран келтириш ёрдам берди.

Муаккад деб, ташбеҳ лафзини умуман тарк этилишига айтилади. Шунинг учун, каломда ўхшатиш воситаси борлиги мутлақо унитилади ва мушаббаҳ айнан мушаббаҳ бих деб даъво қилинади. Бу муболағадан бошқа нарса эмас. Юқоридаги одоти ҳазф этиб келтирилган мисолларни олиш мумкин: *سجعه كسجع الحمام و وشيه كوشى الطاوس* *Сайраши каптарнинг товуши (нотиқлиги шоир Ҳимомнинг нотиқлиги) ва ранглари товуснинг ранглари*дир.

الكاف каби ўхшатиш воситаларини олиб ташлаш билан ва уни умуман бўлмаган деб ҳисоблаш муболағага ўтишдир. Ояти карима маъносида ҳам бу

ҳолни кўриш мумкин: وهى تمرّ مرّ السحاب **Сиз тоғларни кўриб (мангу) қотиб турувчи, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам ҳудди булутлар (сузиб) юрган(дек ҳавода сузиб) юрарлар... Намл, 88.**

Аллоҳ ушбу ояти каримада қиёмат куни манзарасини тасвирлайди. У кунда тоғларнинг ҳаракатлари ҳозирда осмондаги булутларнинг ҳаракати қандай бўлса ҳудди шундай бўлади, - дейди. Булутлар қанча миллиард тонна сувлардан иборат. Бир томчиси Унинг иродасисиз тушмаганидек, шундай катта ва оғир юк енгиллик ва шиддат билан тепамизда сузиб юришида, тоғларнинг қиёмат куни шу ҳолга келишига шубҳа йўқлиги ажойиб усул билан эшитувчига сингдирилмоқда.

Агар бу мисолда الكاف ни бор деб фараз қилинса, тақдирий мурсал ташбеҳга айланади. Шунинг учун ҳам, الكاف ни бор дейилмайди.

Демак, муаккад ташбеҳларда ўхшатиш воситасининг бор-йўқлиги баҳс қилинмайди, агар у келтирилса ёки тақдиран мавжуд дейилса, у мурсалга ўтади.

Мушаббаҳнинг мушаббаҳ бихга изофаси ҳам муаккад ташбеҳ саналади. Шариф Ризонинг байти:

أرسى النسيم بواديكم ولابرحت حوامل المزن فى أجدائكم تضع

Равзангизда бўлсам, эй азизим!

Ёқимли шаббода эсар бетиним.

Келтирар юқоридан раҳматни,

Равзангизга ҳам қўяр раҳматни.

Ки, ул самодаги ҳар фаришта,

Қилди ишларин доим саришта.

Шоир қабристон зиёратига ёмғир тинган вақт кириб, таассуротлари ва у ернинг манзарасини қалами тилига кўчиради. Тинган бўлсада, ёмғирдан кейин эсаётган енгил шаббода ўзи билан ҳали-ҳануз ёмғир томчиларини қабрлар устига ташлашда давом этипти. Қабристондагилар билан хаёлан гаплашган бўлиб, шундай дейди:

Чорбоғингизга насимдек ёқимли шаббода эсиб турибди. У ёмғирнинг майда томчиларини доимо келтириб устингизга ёғдирмоқда. Гўёки, бу ҳолат раҳмат фаришталари Аллоҳнинг раҳматини жасадларингиз устига тинмай ёғдираётганига ўхшайди.

Шоир булутларни ва ёмғир томчиларини раҳмат ҳамда раҳмат фаришталарига қиёслайди. Байтдаги *حوامل المزن* изофаси мушаббаҳнинг мушаббаҳ бихга изофаси бўлиб, ташбеҳи муаккаддир.

Муаккад дейишга мушаббаҳ ва мушаббаҳ бих бир нарса деган даъво сабабдир.

Ташбеҳнинг мақсадлари. Ташбеҳда мутакаллим ўз мақсадини мухотабга чуқур етказиш учун ташбеҳ ғаразлари, яъни мақсадларидан фойдаланади. Бу ғаразларни билиш гапирувчи учун катта аҳамият касб этади.

التعريف: أغراض التشبيه هي البواعث التي تحمل المتكلم على أن يعقد شيئا بين شيئين
Ташбеҳнинг ғарази бу мутакаллимни икки нарса ўртасида ўхшашликни боғлашга ундаган боис — сабаблардир. Ташбеҳнинг ғаразлари икки хил бўлади:

1) Мушаббаҳга қайтувчи ғаразлар, яъни мутакаллим мушаббаҳни аниқроқ тушунтириш учун мушаббаҳ бихни келтиради;

2) Мушаббаҳ бихга қайтувчи ғаразлар, яъни мушаббаҳ билан мушаббаҳ бихга ойдинлик киритилиши назарда тутилади.

Мушаббаҳга қайтувчи ғаразлар еттитадир.

I. بيان حال المشبه Мушаббаҳ ҳолини баён қилиш.

Мутакаллим эшитувчига мушаббаҳнинг аҳволини аниқ, чуқур тушунтиришни ирода қилса ёки мухотабга мушаббаҳнинг ҳоли мажҳул бўлиб, унга англатишни хоҳласа унинг ўзига ҳоли маълум, машҳур, аниқ ва маъруф бўлган мушаббаҳ бихни ўхшатиб келтиради. Шу билан ташбеҳнинг бу ғарази камол топади ва мутакаллим мақсадига эришади.

Масалан: Шоир Қайсий ғалати бургутнинг ини атрофидаги манзарани қалами воситасида сўзлатади:

كَأَنَّ قُلُوبَ الطَّيْرِ رَطْبًا وَ يَابَسًا لَدَى وَكْرَهَا الْعَنَابُ وَ الْحَشَبُ الْبَالَى

*Ини атрофида гўё қуш юраклари,
Янги-ю қуриб қолган ҳолида, ҳудди
Янги узилган ҳурмо, чирик туршаклари.*

Шоир бу байтда фақат қушларни овлайдиган бургутнинг ажойиб хислатини зикр қиляпти. У қуш юрагидан бошқа ҳаммасини ейди. Қуш юраклари ин атрофида қолиб кетади. Уларни янгисини ва қуриб қолганларини шоир янги узилган ва туршакка айланган ҳурмога ўхшатди. Қуш юракларини эшитувчи кўрмаган, шунинг учун уни тасаввур қилишга қийналади. Шоир эшитувчига маълум бўлган ҳурмога қиёслаб, қуш юракларини аҳволини тушунтиришга уриняпти.

Ҳурмони эшитувчи яхши билади, мевасини аввалидан то охиригача кузатган. Зеро, ҳурмо ҳақида тушунчаси пухта. Мана шунинг учун шоир, эшитувчига маълум ва машҳур бўлган янги ва эски ҳурмони келтириш билан қуш юраклари ҳақидаги ноаниқликни бартараф этди.

Ушбу ғараз амалга ошиши учун мушаббаҳ бих мухотабга маълум, машҳур, аниқ ва маъруф бўлиши шарт қилинади. Зеро, у ҳам мухотабга мажҳул бўлса, яъни маълум бўлмаса мажҳулни мажҳул билан тушунгиришга уринган бўлади.

Мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳга қараганда важҳда кучли, комил ва тўлиқ бўлиши шарт эмас. Аслида кучли ва комил бўлиши шарт бўлсада, лекин мақсад мухотабга мушаббаҳ ҳолини англатиш бўлгани учун мушаббаҳ бихнинг маълум ва машҳур бўлиши кифоядир.

وإذا قيل ما لون ثوبك الذى اشتريته أمس قلت كهذا ثوبك السواد الذى أهده أبوك Агар кеча сотиб олган бу куйлагингни ранги қанақа? - деб сўралса ва унга жавобан: - Сенга отанг ҳадя қилган мана бу қора куйлак кабидир, - деб айтасан. Ушбу ташбеҳда мақсад тўлиқ амалга ошди. Чунки, сўраган нарсасига жавобни ўзи аниқ биладиган нарсани мушаббаҳ бих қилиб келтирилди ва ташбеҳ комил чиқди. Бу ўхшатишда ташбеҳ важҳ юзасидан мушаббаҳ бихни кучли ва комил бўлишини шарт қилмайди.

II. بيان مقدار حال المشبه Мушаббаҳ ҳолининг миқдорини баёни

Мутакаллим мушаббаҳнинг кучли ёки заиф томонларини баён қилмоқчи бўлса, ёки эшитувчига мушаббаҳ ҳоли миқдори мажҳул, номаълум бўлса, мутакаллим унга важҳда кучли ва комил, шунингдек маълум, машҳур, аниқ ва маъруф бўлган мушаббаҳ биҳни келтириб мажҳулликни кеткизади. Шоир қора рангли туялар бўлиши мумкин ва ҳатто уларнинг ранги жуда тўқ эканини бир байт билан баён қилади:

فيها اثنتانو أربعون حلوبة سودا كخافية الغراب الأسحم

Қирқ икки зотлик анда туя бор,

Созмоққа ҳаммасида сут бор.

Берайб қара, аларда қора тус,

Ки, олмиш қаргадан қора тус.

Шоир туяларнинг рангини жуда қора эканини қора қарға қаноти остида бўладиган янада қорароқ патлари рангига ўхшатяпти. Ҳақиқатда ҳам, қарғани қаноти остидаги патларининг туси бошқа жойларидаги рангига қараганда анча тўқроқ бўлади. Бу айниқса, мухотабга яхши маълум. Мана шундай ўхшатиш билан мушаббаҳнинг ҳоли миқдори яна ҳам аниқроқ бўлди. Эшитгувчининг кўнглида рангнинг миқдори аниқ қарор топди.

Шунингдек, паст товушни пичирлашга ёки баланд товушни момақалдироқ овозига ўхшатишда ҳам мушаббаҳ ҳоли миқдорини баён қилишни кўрамиз. Бири заифлигини, иккинчиси кучли эканини билдирияпти.

Ушбу ғараз мукамал амалга ошиши учун мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга қараганда важҳ юзасидан комил, кучли ва маълум, машҳур, маъруф бўлиши шарт. Лекин шундай бўлсада, тарафайн ўзаро тенг қувватли бўлишлари керак. Чунки, агар мушаббаҳ биҳ кучли ва комил ёки анча заиф, ноқис бўлса миқдор ҳолатини аниқ ифодалаб бўлмайди. Ғараз ҳам камолига етмайди. Масалан ичимликни совуқлигини музга, иссиқлигини оловга ўхшатишда ташбеҳ камолига етмайди. Аммо бу билан муболаға ирода этилган бўлса, жоиздир.

III. بيان إمكان المشبه Мушаббаҳнинг бўлиши мумкин ишлигини баёни

Мушаббаҳнинг аслида бўлиши мумкин эканини, бундай нарсаважудлигини билдиришдир. Агар мушаббаҳни ажиб, қулоққа чалинмаган ғалати амр қилиб келтирилган бўлса, эшитган киши уни бўлиши мумкинлигига ишонмаса ва бу тўғрида низо қилишга, баҳслашишгача борса ёки уни инкор этса, мутакаллим ҳақиқатда бор бўлган ва унга ўхшаш нарсани келтиришини тақозо қилади.

Шоир Абу Тоййиб саййид Сайфуддавланинг волидасига ёзган марсиясида бу онани шундай сарафроз қилади:

فإن تفق الأنام و أنت منهم فإنّ المسك بعض دم الغزال

Недин қадринг улуг бўлди эй, Она!

Не ўриндан сенга бўлди нишона?!

Ахир сен ҳам оналардан бир она!

Қилгайсан бефикрларни ҳайрона!?

На ул мушки анбар асли кийик қони,

Қонлар нажасу магар, бу кийик қони!

Бу байтда шоир агар одамлар обрў-ҳурмат топсалар, мартабаларга кўтарилсалар, билки сен ҳам, эй Онахон шундай ўғлонни тарбия қилиб кўйганинг учун, уларнинг бирисан. Чунки, мушку-анбар ҳам асли кийик қонидан олинади. Қон эса, нажосатдир. Бадандан чиқиши таҳоратни кетказди, бадан ёки кийимга тегса намозга монелик қилади. Мушку анбар қон бўлса-да, бундан истисно.

Шоир бу гапи билан, инсонлар қилган амаллари билан эл аро мартаба, обрў топсалар, давлат бош саркардасининг онаси ҳам мана шундай мартабага сазовор, - демоқчи ва бу сўзини исботи учун мушку анбарни олинисини ҳужжат қиляпти. Чунки мушк аслида қондан олинади. Шаръий ҳукми маълум, мушк қон бўлса ҳам, пок ҳисобланади.

Мартаба олишга келганда, бу она ҳам бошқа оналар каби бир ўғилни дунёга келтирди. Бошқалардан ҳеч фарқи йўқ. Аммо, берган тарбияси билан фарқ қилади. Ўғлининг давлат бош саркардаси даражасига етиши онасига

ҳам шубҳасиз шу обрўни берди. Шоир ана шу мартабага урғу бермоқчи ва бунинг далилига ҳамма севиб истеъмол қиладиган мушкни келтиряпти.

Оддий бир она макташи бошқалар учун ғалати ва ғаройиб ҳолат. Уларни бу ажаблантиради. Зукко шоир уларга қонлар ичида қон ҳукмини олмаган мушк қандай мавжуд бўлса, бу онанинг мартабага эгалиги шундай мавжуд, - деб низони ҳал қилди.

Байтда икки нозик жиҳат бор: 1. Иккинчи мисра биринчи мисрадаги шартга жавоб бўлиб келмаган. Гўёки, шоир мана бундай деяётган бўлади:

فإن تفق الأنام و أنت منهم فلا بدع ولا غرابة لأن لك نظيرًا و هو "المسك"

Агарки, одамлар обрў-ҳурматда кўтарилсалар, билки сен ҳам уларнинг бирисан. Бу ҳеч қандай ғалати, ажойиб-ғаройиб эмас. Зеро, бунда сенинг тенгинг, айнан ўхшашинг бор. У мушку-анбар, асли кийик қонидандир. Шоир, шартнинг жавобини ҳазф қилиб, далилни ўзи билан кифояланди.

2. Байтдаги ташбеҳ очик, равшан эмас. Ташбеҳ эканига каломнинг замиридаги маъноси далолат қилади – бир инсоннинг инсонлар тоифасидан бўлиб, улардан ажралиб чиқишида ҳеч ажабланарлик жойи йўқ. Чунки, мушк кийик қонидир, лекин у қон ҳукмида эмас. Шундай экан, инсонларни нуқсонлик ишлари билан солиштирганда, баъзилар мушк каби фазилат, ортиқликлари билан ажралиб чиқиши мумкиндир. Буни мушкка ўхшатишда ҳеч ғалати ва ажаблик ўрин йўқ. Ушбу нозик жиҳат бу ташбеҳда зимний мушаббаҳ эканини баён қиляпти.

Ушбу ғаразни амалга ошиши учун мушаббаҳ бих мухотабга важҳда маъруф ва маълум бўлиши шартдир. Мушаббаҳ бихнинг комил ва кучли бўлиши зарур эмас. Чунки бу ғаразда талаб эталаётган нарса мушаббаҳни бор ва бўлиши мумкинлигини исбот этишдир. Мақсад амалга ошиши кифоя.

Шунинг учун, إنك فى خروجك عن جنسك كالمسك *Сен инсон жинсидан чиқмогингда мушк кабидирсан*, - дейилса, мақсад ҳосил бўлиб, ташбеҳ ҳам камол топади.

IV. تقرير حال المشبه للسامع **Мушаббаҳ ҳолини эшитувчи кўнглида қарор топтириш**

Мутакаллим фикрини чуқур сингдиришни ва кейинчалик ҳам эшитувчини фикри бу ҳақда чалғимаслиги учун, эшитувчини ишонтирадиган, кўнглидан жой оладиган қилиб мушаббаҳ бихни кенг, кучли ва ишонарли суратда келтиради.

Буни амалга ошириш учун мушаббаҳ бихни ҳиссий идрок этиладиган қилиб келтиради ва мақсадга осонлик билан етади. Чунки, ҳиссий идрок эттириш доим кутилган натижани беради. Мушаббаҳ бих фаҳмлаш енгил бўлиш билан, ҳақиқатда мавжуд бўлиши шартдир.

Шоир қалбдаги дўстлик риштасини авайлашга даъват этади:

أَنَّ الْقُلُوبَ إِذَا تَنَافَرَ وَدَّهَا مَثَلُ الزَّجَاجَةِ كَسَرَهَا لَا يُجْبَرُ

Қалбдан ҳам нозик идиш излама,

Синса, бут қилишга иш излама.

Кўнглини ёр дўстлиги ёв бўлса,

Билки, синиқ шиша нав бўлмас.

Қалбдаги дўстлик, меҳр-оқибат, одамгарчилик ришталарини шоир адовату нафратга айланишини шиша идишнинг синганини бутлаб бўлмаганига ўхшатади.

Шоир инсон қалбини шиша идишга ўхшатяпти. Унда ўрин олган дўстликни ўзаро душманликка, аҳилликни хусуматга айланишини шу идишни синиши кўринишида тасвирлаяпти. Зеро, бу идишни бутлаб, чегалаб бўлмайди. Шу каби дўстликни ҳам аввалги ҳолига келтириш мумкин бўлмаслигини ташбеҳ воситасида моҳирлик билан ифодалади.

Энг яхши мисолларни Қуръони каримдан ҳам топиш мумкин: Аллоҳ йўлида инфоқ қилувчилар савоб ажрларини улуғлиги шундай баён қилинади:

مَثَلُ الَّذِي يَنْفَقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنْبَتَ سَبْعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سَنَابِلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ

Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчиларни (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради... (Бақара, 261).

Қилган яхши амал учун етти юз баробар ажр топади, лекин у қандай экан деса, ўзи яхши биладиган, кўзи билан кўп марта гувоҳи бўлган бир дон

дондан ўсиб чиққан етти башоқнинг ҳар бирида етти юзта дон бўлиши билан изоҳлаб, эшитувчига қандай бўлишини комил сингдириб қўйилди.

Яна бир оятда Аллоҳ куфр йўлини ихтиёр қилганларнинг амаллари аҳволини билдиради:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَعْمَالُهُمْ كَسَرَابٍ بَقِيْعَةٍ يَحْسَبُهُ الظَّمْآنُ مَاءً حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُ لَمْ يَجِدْ شَيْئًا

Куфрда бўлганларнинг қилган амаллари эса саҳродаги саробга ўхшайди. Ташина одам уни сув деб ўйлар, унинг олдида келгач эса, ҳеч нарса топа олмас ва Аллоҳ унинг (қилган амалининг) олдида топур... (Нур, 39).

Сароб асли йўқ нарса, кўзни алдовчи бир кўринишдир. Кофирларни яхши амаллари ҳеч уларга фойда бермаслигини мана шу сароб билан ўхшатиб, амал мукофотларга лойиқ бўлиши учун имон кераклиги ва бошқа нозик нуқталар баён қилиняпти. Масалан, амали солиҳ қилганларга қанча ажр мукофотлар ваъда қилинган бўлса, бу кофирларники қандай экан, қандай уларга савоб бўлмас экан, деган мажхулликни бу оятда инсон биладиган сароб билан ўхшатиб тушунтирилди.

Ҳар икки оятда келган мисоллар ўз ўхшатишлари билан эшитувчида мушаббаҳ қатъий эканига ишончини кучайтиради. Шу билан ташбеҳнинг бу ғарази ҳам камол топади.

Ҳар вақт икки шарт бирга топилса, ушбу ғараз амалга ошади:

1. Мухотабга мушаббаҳ биҳ важҳ эътибори билан маълум, машҳур бўлиши;

2. Мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга қараганда кучли ва комил бўлиши шартдир. Мана шу икки амр бирга топилса, бу ғаразни мукаммал бажариш мумкин бўлади. Акси бўлса, албатта мақсад ҳосил бўлмайди.

Масалан бир-бирига нафратли кишиларни қайта дўсту-улфат бўлиши амалга ошмайдиган узрли ишдир,- дейилса, буни бир оз бўлсада имкони борлигига гумон пайдо бўлади. Ана энди буни шишанинг синишига ўхшатиб тушунтирилса, мухотабда дўстлашиб кетишларига ҳеч имкон йўқлигига тўлиқ ишонч ҳосил бўлади.

V. تزئين المشبه للسامع Мушаббаҳни эшитувчига безатиш

Нотик мушаббаҳни зийнатлаб, чиройли, инсон табиатига ҳуш ёқадиган қилиб келтириши мумкин. Бунинг учун аслида гўзал ва чиройли деб тан олинган нарсани мушаббаҳ биҳ қилиб келтириши керак бўлади. Шоир маҳбубини таърифлайди.

سوداء واضحة الجبين كمقلة الظبي الغرير

Қоп-қора кенг нур пешона

Жамолдур яна жамолина

Нозкарашма нигоҳу оҳи

Қарашлари мисоли ёш оҳу

Шоир маҳбубининг қора кенг пешонаси тим қора гўзаллигини ёш оҳунинг жуда қора кўз қорачиғига ўхшатди. Кийик гўзаллик тамсоли сифатида тан олинган. Ҳабашларда инсон танасининг тўқ қора бўлиши гўзаллигини оширади, тани соғ ва мустаҳкам эканини билдиради. Ёш кийикнинг кўз қорачиғи эса ниҳоят қора бўлиб, қаламкаш ўхшатишда бундан моҳирона фойдаланган. Ёрини кўзнинг думалоқлиги, қоралигида жуда чиройли ташбеҳ келтирган.

توۋۇشي ۇتا ەқимلي ھушовоз кишини Довуд (алайҳиссалом)га, نكهة جسمه كالحرير юмшоқ ва майин терини ипак-ҳарирга, كالعطر оғизнинг ҳидини атирга ва шу каби ўхшатишлар мушаббаҳни зийнатлашга мисол бўлади.

VI. تقبيح المشبه للسامع Мушаббаҳни эшитувчига қабих, ҳунук қилиш

Шунингдек, нотик мушаббаҳни қабоҳатли, ҳунук, ёқимсиз ва инсон табиати жирканадиган қилиб келтиришдир. Бунинг учун ҳам тазйин каби, аслида ҳунук деб тан олинган нарсани мушаббаҳ биҳ қилиши керак бўлади.

وإذا أشار محدثا فكأنه قرد يقهقه أو عجوز تلطم

Гапирса бўлиб мамнун,

Кўрарсан аниқ маймун.

Тиши йўқ оғзида ҳеч бир,

Ё кўрдим-му мен кампир.

Шоир нотиқликка чиққан кишини оғзини гапга очгандаги ҳоли гўё қаҳқаҳ уруб кулаётган маймун ёки юзига ураётган оғзида бирон ҳам тиши қолмаган кампир ҳолатига ўхшатади. Шоир бу ўхшатишлари билан гапирувчининг кўриниши хунук, овози ёқимсиз ва сўзи тушунарли эмаслигини ҳам ифодалаб, жуда ҳам ошириб хунук қилиб кўрсатишга эришган.

Мазкур икки ғаразни – зийнатлаш ва хунуклашни амалга оширишда мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга қараганда кучли ва тўлиқ бўлиши шарт қилинади. Буни мисоллар ёрдамида кўриб чиқдик.

VII. استطراف المشبه أى جعله طريفاً بديعاً فى خيال السامع. Мушаббаҳни нафис ва гўзал қилиш

Мутакаллим мушаббаҳни ажойиб-ғаройиб қилиш, яъни ҳеч ким эшитмаган, ҳаёлига келмаган, шунингдек, ўта гўзал ва нафис қилиб келтириш. Иститрофнинг маъноси ажиб, бадий безак бериш бўлиб, ёзувчи ва нотиқларнинг теша тегмаган деган гап ва ўхшатишларини топишдир. Бунда икки иш бор:

а) Одатда бўлиши мумкин бўлмаган нарсани келтириш билан иститроф ясалади. Масалан: *فحم سرت فيه النار مثل بحر من المسك موجه الذهب* *Кўмир ичида яширинган олов мушқу-анбар денгизиде кўринган олтин қаср кабидир.*

Дарҳақиқат, бу ўхшатиш ғалати ва ажойиб. Қулоққа чалинмаган гап келтирилди. Чунки, мушқдан денгиз бўлиши ҳақиқатда мумкин эмас. Лекин мушқ денгизи дейиш, уни яна арзимас бир кўмирдан чиққан оловга ўхшатиш, эшитувчини ажаблантиради, ўзининг шундай нафислиги билан ҳаёлини эгаллаб олади.

б) Мушаббаҳ биҳни зеҳнга келтириш, яъни тушиниш нодир, ноёблигидан мушаббаҳни тасаввур қила олса-да, мушаббаҳ биҳни билишга ажабланиб қолишидир. Сабаб – тарафайннинг бир-бирига муносиб эмаслигидир.

Шоир Адий ибн Руко кийик шоҳларини сифатлайди:

تزجى أغن كأنّ إبره روقه قلم أصاب من الدواة مدادها

*Ҳаракатланса бугунинг боши,
Ҳаракатланар бошида шоҳи.
Ялтирайди шоҳларининг учлари,
Ки, сиёҳга ботган қалам учлари.*

Шоир ушбу байтида куюк тўпланган тўдада буғу бошини сершоҳлари билан ҳаракатини худди сиёҳдонга ботириб олинган қалам учлари ўхшатишни тасаввур қилдирмоқчи бўлади.

Сиёҳга ботириб олинган қаламни суратини инсон хотирига келтира олади. Лекин уни ноёб, ғавқулодда бир нарсага ўхшатиш, яъни кийик шоҳларининг учига ўхшаташ жуда ажиб ва ғаройиб ўхшатишдир. Мана шундай ҳаёлдан узоқ ва ажойиб ўхшатишларни келтириш орқали иститроф ҳосил қилинади.

Яна шундай иститрофга бинафша гулларини гугурт чўпи оловидаги бинафша ранг оловга ўхшатиш мисол қилиш мумкиндир.

Бошқа ғаразлардаги каби мушаббаҳ бихни кучли, комил ва маълум, машҳур бўлиши шарт қилинмайди. Балки, ҳар бир мушаббаҳ бих ноёб, кам эшитилган, ажойиб, ғаройиб, кишини ҳайратга соладиган бўлиши керак. Мана шунда бу каби ташбеҳлар ғарази мукамал бўлади.

Мушаббаҳ бихга қайтувчи ғаразлар иккитадир.

I. Мутакаллимни мушаббаҳ кучли ва комил деб ишонтириш

إيهام المتكلم أنّ المشبه أتمّ و أقوى من المشبه به فى الوجه Мутакаллим мухотабни мушаббаҳ мушаббаҳ бихдан кўра комил ва кучли деб ишонтириб қўйишидир. Бу мушаббаҳ бихни ноқис ва айбли, мушаббаҳни эса кучли ва тўқис деб даъво қилиш бўлиб, бундан фақат муболаға учун фойдаланиш мумкин.

Муҳаммад ибн Ваҳиб Аббосий халифа Маъмун ҳазратларини шундай мадҳ этадилар:

و بدأ الصباح كأن غرته وجه الخليفة حين يمتدح
*Ҳаё ичра қолди тонг ёруғ жамолидан,
Халифа чехраси вақти мадҳу қутловда,
Ёруғроқ бўлуркан ёруғ тонг жамолидан.*

Шоир тонг ўз мунаввар нурлари билан зулматни зиё сари ёритиб кўринган вақтда гўё мақталаётган халифанинг ҳусну-жамоли тонг латофату-зийнати алаб қўйди, деб қалам тебратади. Луғавий: гўё халифа мақталаётганда юзидаги нурига алданиб қолган тонг кўринди.

Шоир бу байтида халифанинг юзини тонгдан кўра ёруғроқ ва тиниқроқ демоқчи. Муболаға экани билиниб турибди. Аллоҳ яратиб қўйган тонгнинг ёруғлигига тенг келар нарса йўқ. Лекин шоир муболаға учун ва яна бошқа баъзи нозик жиҳатларни ифодалаш учун бу ташбеҳни моҳирона тақдим қилган. Мақгалган вақтда халифанинг юзини ёришиши орқали шоир бир ўк билан икки нишонни аниқ олган:

а) Мақтови чиройли қабул қилинса, мақтовчига мукофот бор;

б) Халифани карамлик, очиққўллиги муваффақиятли чиққан.

Зеро, лаим ва бахил бўлганда, бундай мақтовлардан юз ўгирар ва шоирга ношоиста муомала қилган бўлар эди.

Шоир Бахтарий халифа Мутаваккал хайру-саховатини қалами тиғида гавдалантиради:

كانها حين لجت في تدفقها يد الخليفة لما سال واديا

Саховати жўш урса, халифанинг илтифоти,

Водийни олган сел ортда қолар, лутфу инояти.

Шоир муболағани ошириб, халифа ҳазратларининг саховатини водийга тошган сой бунча атрофга илтифот кўрсатолмайди, яъни хайру-эҳсон қилаётганларида, мол-мулкларини аямай сарфлашлари сел тошгандаги аёвсизликдан ҳам кучлироқ бўлади, деб сел берган талофатдан кўра саховатдаги мол-мулк талофати катта эшитувчини ишонтиряпти. Шоир халифани сойдан ҳам кўпроқ саховат кўрсатади, деб ҳаммани ўйлантириб қўйди.

II. اهتمام المتكلم بالمشبه به Мутакаллимни мушаббаҳ бихга аҳамият бериши

Мутакаллим алоҳида эътибор ва аҳамиятни мушаббаҳ бихга қаратади. Эшитувчини ҳам унга жалб қилади. يرى الجاء وجه حبيب كانه رغي

Бунга қорни жуда оч киши маҳбубининг жамолини тандирдан янги узилган оби нонга ўхшатишини мисол қилиш мумкин. Важҳ бунда думалоқлик ва лаззат олиш бўлади. Ёрини юзини нонга ўхшатиши мутакаллим асосан нонга эътибор бераётганига далолат қилади. Яъни ўзи жуда ҳам очлиги учун ҳам кўзига нондан бўлак нарсa кўринмаётганини билдирмоқчи бўлади.

Бу каби ташбеҳларни изҳори матлуб ҳам деб юритилади. Бундай ўхшатишда мутакаллимнинг мақсадини билдирувчи қарина бўлиши шарт қилинади. Мазкур мисолда қарина инсон жамолини муносиб келмайдиган ишга тенглаштириш бўляпти.

Ғараз эътибори билан ташбеҳларнинг тақсимланиши

Ғаразга кўра ташбеҳлар мақбул ва мардуд бўлади. Ташбеҳнинг ғаразлари барча қўйилган шартларга тўлиқ жавоб берса, мақсадни аниқ ифодалаб берса, уни **мақбул** дейилади. Масалан:

- агар ғараз мушаббаҳ ҳолини баён қилиш бўлса, эшитувчига мушаббаҳ биҳ маълум, машҳур ва маъруф бўлиши;

- агар миқдор баёни бўлса, мушаббаҳ биҳ важҳга нисбатан кучли, тўлиқ ва комил бўлиши ва ноқис ёки зиёда бўлмаслиги;

- агар мумкин бўлган амр эканини баён қилиш бўлса, мушаббаҳ биҳ бўлишга лаёқатлик нарсa келтириш;

- агар тақрир бўлса, мушаббаҳ биҳнинг комил ва кучли бўлиши;

- агар зийнатлаш ёки қабихлаш бўлса, ҳақиқатда чиройли ва ҳунук бўлиши;

- иститрофда эса унинг ажойиб-ғаройиб, тасаввур этиш қийин ва ғалати нарсa бўлиш вожиб этилгандир. Ҳар бирининг мисоллари билан танишдик.

Мардуд деб, барча кўрсатилган шартлар бажарилмаган ташбеҳ тушунилади. Масалан:

- мушаббаҳ ҳолини баён этишда мушаббаҳ биҳнинг ўзи ҳам мухотабга мажҳул ва тушунарсиз бўлиши. Гўё эшитувчи билмайдиган куйлак рангидаги куйлакни сотиб олиш;

- миқдорни баён этишда мушаббах бихнинг жуда ноқис ёки тўқис бўлиш. Гўё сотиб олинган куйлак ранги рангида тўқроқ ёки очроғига ўхшатиш;

- мумкинлигини баён этишда мушаббах бих важҳга кўра мавжуд бўлишининг дуруст эмаслиги. Фазилати ва бошқа томонлари учун бошқалардан ортиқ бўлган кишини ўз жинсидаги шу даражани топган кишига ўхшатиш мисол бўлади;


- тақрирда эса, мушаббах бихнинг комил, кучли бўлмаслиги. Кўп ҳаракатлари билан фойда топмаган кишини тошга нақш солувчига ёки бошқа шу каби саъю ҳаракати маҳсулсиз кишига ўхшатиш;

- зийнатлаш ёки ҳунуклашда мушаббах бихнинг ҳақиқатда гўзал ёки ҳунук бўлмаслиги. Юзни гўзаллигини ифодалаш учун кўмирни қоралигини келтириш, гапираётган кишини ҳунук кўрсатиш учун чиройли кулаётганга ўхшатиш;

- иститроф қилишда, мушаббах бих ғалати, ажиб-ғариб ва тасаввур этишга узоқ бўлмаслиги. Масалан, кўмир орасидан кўринаётган оловни темир тишлар орасидан чиқаётган алангага ёки бинафша гулини бошқа гуллардан бирига ўхшатиш ва ҳақозо. Бундай мушаббахни ғариб ва ғалати, тасаввур этиш ҳам қийин эмас.

Ташбеҳнинг турлари

Ташбеҳ мурсал (ташбеҳнинг барча арконлари тўлиқ иштирок этади)	Ташбеҳ муаккад (одоти ташбеҳ тушириб қолдирилади)	Ташбеҳ мужмал (важҳуш шабах тушириб қолдирилади)	Ташбеҳ балиғ (одоти ташбеҳ ва важҳуш шабах тушириб қолдиради)
---	--	---	--



ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ташбеҳ нима?
2. Мурсал ва муаккад ташбеҳни тушунтириб беринг!
3. Ташбеҳнинг мақсадлари нималардан иборат экан?

7-мавзу. Илми маъоний.

Режа:

- 1. Илми маонийнинг таърифи ва боблари.**
- 2. Исноди хабарийнинг ҳолатлари.**
- 3. Муснад илайҳнинг ҳолатлари.**
- 4. Муснаднинг ҳолатлари.**
- 5. Феълга тааллуқли нарсаларнинг ҳолатлари.**

1. Илми маонийнинг таърифи ва боблари.

Илми маоний – араб сўзининг ҳолатларини (кайфиятини) ўргатадиган илм бўлиб, унинг ёрдамида сўз ҳолат тақозосига мос равишда қўлланилади.

Илми маонийнинг боблари. Бу илмнинг боблари 8 тадир:

1. Исноди хабарийнинг ҳолатлари.
2. Муснад илайҳнинг ҳолатлари.
3. Муснаднинг ҳолатлари.
4. Феълга тааллуқли нарсаларнинг ҳолатлари.
5. Қаср (чегаралаш, истисно этиш).
6. Иншо.
7. Фасл ва васл (қўшиш ва ажратиш).
8. Ийжоз (қисқа қилиш), итноб (чўзиш) ва мусовот (тенг қилиш).

Каломнинг қисмлари.

Калом хабар ва иншо га бўлинади. Агар каломдаги ички нисбат ташқи нисбатга мувофиқ бўлса, калом воқеликка мувофиқ ва рост бўлади. Агар ички нисбат ташқи нисбатга мувофиқ бўлмаса, калом воқеликка тескари ва ёлғон бўлади. Мана шу хабар дейилади. Агар калом юқоридаги сифатларга эга бўлмаса, иншо дейилади. Демак, калом рост ва ёлғонни ифодалаш эҳтимоли бўлса, у хабар дейилади. Агар рост ва ёлғонни ифодалаш эҳтимоли бўлмаса, у иншо дейилади.

Хабар мусдан илайҳ, муснад ва исноддан ташкил топади.

Рост хабар. Рост хабар воқеликка мувофиқ бўлади.

Ёлғон хабар эса воқеликка мувофиқ бўлмайди.

Ал-Жоҳизнинг фикрича эса, рост калом воқеликка мувофиқ бўлиши билан бирга мутакаллимнинг унинг ростлигига эътиқод қилиши ҳам шарт. Ёлғон калом эса воқеликка хилоф бўлиши билан бирга мутакаллимнинг унинг ростлигига ишонмаслиги ҳам шарт.

2. Исноди хабарийнинг ҳолатлари.

Шубҳасиз бирор нарса ҳақида хабар берувчи шахс тингловчига бирор маънони ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Хабар берувчи тингловчига икки ишни ифодалайди:

1. Ҳукмни.
2. Хабар берувчи хабарни билишини.

Демак, хабар икки хил бўлади:

1. Хабар берувчининг тингловчига ҳукмни ифодалаб бериши. Бу хабарнинг ифодаси дейилади.
2. Хабар берувчининг тингловчига хабарни билишини ифодалаб бериши. Бу хабарнинг лозими дейилади.

Хабар 3 қисмга бўлинади:

1. Ибтидоий. У таъкид воситаларидан холи бўлади. М: نحن إليكم مرسلون “Биз сизларга юборилган элчилармиз”.
2. Талабий. Унда битта таъкид воситаси иштирок этади. М: إنا إليكم مرسلون “**Албатта, биз сизларга юборилган элчилармиз**”. (Ясин сураси, 14 оят)
3. Инкорий. Унда бирдан ортиқ таъкид воситалари иштирок этади. М: إنا إليكم لمرسلون “**Албатта, шубҳасиз, биз сизларга юборилган элчилармиз**”. (Ясин сураси, 16 оят)

Бу учала қисм ҳолат тақозосига қараб ишлатилади. Гоҳида калом ҳолат тақозосига хилоф равишда ҳам ишлатилади.:

1. Савол бермаган шахс савол берган, иккиланган шахс ўрнига қўйилади. М: ولا تخاطبني في الذين ظلموا إنهم مغرقون “**Золим кимсалар ҳақида Мендан сўрама. Улар ғарқ бўлгувчилардир**”. (Худ сураси, 37 оят.)

2. Инкор қилмаган шахс инкор қилган шахснинг ўрнига қўйилади. М:

“Ака найзани кўтариб келди, амакингнинг фарзандлари ичида ҳам найзадорлар бор”.

3. Инкор қилаётган шахс инкор қилмаётган шахснинг ўрнига қўйилади.

М: لا ريب فيه “Унда (Қуръонда) ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ”. (Бақара сураси, 2 оят)

Иснод икки қисмга бўлинади:

1. Ҳақиқати ақлий. У феълнинг ёки феъл маъносидаги масдар, исм фоил, исм мафъул, сифати мушаббаҳа, исм тафзил ва зарфнинг мутакаллимнинг наздида ҳақиқати бор нарсага исноди берилишидир.

М: Мўминнинг: أنبت الله البقل (Аллоҳ ўсимликни ўстирди) деган сўзи. Ёки жоҳилнинг: أنبت الربيع البقل (Баҳор ўсимликни ўстирди) деган сўзи.

2. Мажози ақлий. У феъл ёки феъл маъносидаги нарсанинг исноди тавил орқали унинг мулобисига берилишидир. Феълнинг мулобасатан фоил ва мафъулдан бошқасига исноди берилиши мажоздир. У қуйидаги кўринишларда намоён бўлди:

1. عشة راضية (рози бўлинган ҳаёт). Бу мафъуллик алоқасини англатувчи мажози ақлийдир.

2. سيل مفعم (оқувчи сел). Бу фоиллик алоқасини англатувчи мажози ақлийдир.

3. شعر شاعر (шоир шеър). Бу масдарлик алоқасини англатувчи мажози ақлийдир.

4. نهاره صائم (кундузи рўзадор). Бу замон алоқасини англатувчи мажози ақлийдир.

5. نهر جار (оқувчи анҳор). Бу макон алоқасини англатувчи мажози ақлийдир.

6. بني الأمير المدينة (Амир шаҳарни курди). Бу сабабият алоқасини англатувчи мажози ақлийдир.

Иснод икки томонинг эътибори билан 4 қисмга бўлинади:

1. Иккала томони ҳақиқий бўлган иснод. М: أنبت الربيع البقل (Баҳор ўсимликни ўстирди).

2. Иккала томони мажозий бўлган иснод. М: أحيا الأرض شباب الزمان (Ерни замона ёшлари тирилтирди).

3. Иккала тарафи ҳар хил бўлган иснод. У икки хил бўлади:

1. Муснад ҳақиқий, муснад илайҳ мажоз. М: أنبت البقل شباب الزمان (Замон ёшлари ўсимликни ўстирдилар).

2. Муснад мажоз, муснад илайҳ ҳақиқий. М: أحيا الأرض الربيع (Ерни баҳор тирилтирди).

Мажози ақлий нафақат хабарда, балки иншода ҳам қўлланилади. М: يا هلمان ابن لي صرحا “Эй, Ҳомон менга сарой (тепалик) қуриб бер”. (Ғофир сураси, 36 оят)

Мажознинг қаринаси 3 хил бўлади:

1. Лафзий. М: أنبت الله البقل (Аллоҳ ўсимликни ўстирди).

2. Маънавий. М: محبتك جاءت بي إليك (Муҳаббатинг мени сенга олиб келди).

3. Одатий. М: هزم الأمير الجند (Амир қўшинни енгди).

Мажози ақлийнинг ҳақиқати икки хил бўлади:

1. Зоҳир. М: فما ربحت تجارتهم “Уларнинг тижорати фойда бермади, яъни улар тижоратларидан фойда кўрмадилар”. (Бақара сураси, 16 оят)

2. Махфий. М: سرتني رؤيتك (Сени кўриш мени хурсанд қилди, яъни сени кўрганимда Аллоҳ мени хурсанд қилди).

3. Муснад илайҳнинг ҳолатлари. Муснад илайҳ хабарнинг мубтадоси, фоил ва ноиби фоилдир. Унинг 12 та ҳолати бор: 1. Ҳазф. 2. Зикр. 3. Таъриф. 4. Танқир. 5. Васф. 6. Таъкид. 7. Баён. 8. Ибдол. 9. Атф. 10. Фасл. 11. Тақдим. 12. Таъхир.

1. Муснад илайхнинг ҳазф бўлиши.

У қуйидаги сабабларга кўра тушириб қолдирилади:

1. Ортиқчаликдан сақланиш учун. М: يمنع و يعطي (беради ва тўсади).
2. Ақлий ва лафзий далиллардан кучлироғига ўтиғни билдириш учун.

М:

سهر دائم وحزن طويل

قال لي كيف أنت قلت عليل

(Менга: Аҳволинг қандай?, - деди. Мен: касалман, бедор ва қаттиқ хафаман, - дедим).

3. Қарина бўлган пайтда тингловчининг огоҳлигини ёки огоҳлигининг миқдорини синаш учун. М: نوره مستفاد من نور الشمس (Унинг нури қуёшнинг нуридан истефода этади).

4. Муснад илайхни тилдан сақлаш ёки тилни муснад илайхдан сақлаш учун. М: مفرج الكرب (машаққатларни кетказувчи, яъни Аллоҳ), صمّ بكم عمي (Кар, гунг, кўрдирлар).

5. Ҳожат тушганда инкор қилишнинг имкони бўлиши учун. М: بذل لنيم (исрофчи, пасткаш).

6. Муснад илайхнинг аниқ (машҳур) бўлгани учун. М: عالم الغيب والشهادة (ғайб ва шаҳодатни билгувчи).

7. Аниқлик (машҳурлик)ни даъво қилиш учун. М: النسيب والحسيب (насаби ва зоти тоза).

2. Муснад илайхнинг зикр қилиниши қуйидаги ўринларда бўлади:

1. У жумлада асл бўлганилиги ва ундан воз кечиш мумкин бўлмаганлиги учун.

2. Қаринага суяниш заиф бўлганлиги учун. М: زهير نعم الحكيم (Зухайр қандаям яхши ҳаким).

3. Тингловчининг нодонлигига танбеҳ бериш учун. М: كذا قال هشام (Ҳишом шундай деди).

4. Изох ва таъкидни кучайтириш учун. М: أولائك على هدى من ربهم وأولائك هم المفلحون “Улар Роббисининг ҳидоятидадирлар ва ана ўшалар нажот топгувчилардир”. (Бақара сураси, 5 оят)

5. Улуғлигини изҳор қилиш учун. М: حضر سيف الدين (Сайфиддин келди). Ёки хорлигини изҳор қилиш учун. М: قدم السارق (Ўғри келди).

6. Зикр қилиш табаррук ва лаззатли бўлгани учун. М: الله ربي الله نعم المولى ونعم النصير (Аллоҳ Раббим, қандаям яхши мавло ва қандаям яхши ёрдамчи).

7. Тинглаш ёқимли бўлган ўринда гапни чўзиш учун. М: هي عصاي “У менинг ҳассам”. (Тоҳа сураси, 18 оят)

3. Муснад илайҳ замир, алам, мавсул, исми ишора, изофа бўлиш билан ва ال (ал) артиклини олиш билан маърифа бўлади:

1. Замир билан маърифа бўлганда мутакаллим (биринчи шахс) бўлади. М:

أنا النبي لا كذب أنا ابن عبد المطلب

2. Мухотоб (иккинчи шахс) бўлади. М:

وأنت الذي أخلفتنني ما وعدتني وأشمت بي من كان فيك يلموم

3. Ғоиб (учинчи шахс) бўлади. М:

هو البحر من أي النواحي أتيتَه فلجته المعروف والجود ساحله

2. Қуйидаги ўринларда алам билан маърифа бўлади:

1. Тингловчининг зеҳнида аввалдан махсус исм билан айнан ўзини ҳосил қилиш учун. М: قل هو الله أحد “Айтинг, У Аллоҳ ягонадир”. (Ихлос сураси, 1 оят)

2. Улуғлаш учун. М: جاء صلاح الدين (Салоҳиддин келди).

3. Хорлаш ва ҳақоратлаш учун. М: جاء تأبط شرا (Тааббата шаррон (ёмонликни қўлтиқлаган) келди).

4. Киноя қилиш учун. М: أبو لهب عدو للإسلام (Абу Лаҳаб исломнинг душманидир).

5. Зикр қилиш лаззатли эканлигига ишора қилиш учун. М:

بالله يا طبيبات القاع قلن لنا ليلاي منكن أم ليلاي من البشر

(Аллоҳга қасам, эй, тепаликдаги оҳулар бизга айтинглар, менинг Лайлойим сизларданми ёки менинг Лайлойим инсонларданми?).

6. Зикр этиш табаррук бўлгани учун. М: **الله أكرمني** (Аллоҳ мени ёрлақди).

Муснад илайҳ қуйидаги ўринларда мавсуллик билан маърифа бўлади:

1. Тингловчи унинг силасидан бошқа ҳолатларини билмаганлиги учун.
2. Исмни айтиш хунук бўлгани учун.
3. Аниқликни кучайтириш учун.
4. Бўрттириб кўрсатиш учун.
5. Тингловчига хатосини англатиш учун.
6. Хабарнинг ясалиши сабаббига ишора қилиш учун.

Муснад илайҳ қуйидаги ўринларда исми ишора билан маърифа бўлади:

1. Тўлиқ суратда ажратиб кўрсатиш учун.
2. Эшитувчининг нодонлигига ишора қилиш учун.
3. Яқин, узоқ ёки ўрта масофада эканлигини кўрсатиш учун.
4. Ишора қилинаётган шахс ишора қилинган сифатларга лойиқ эканлигини кўрсатиш учун.

Муснад илайҳ қуйидаги ўринларда Ў артикли билан маърифа бўлади:

1. Тингловчи ва сўзловчига маълум бўлган нарсага ишора қилиш учун.
2. Умумий ва хусусийлигидан қатъий назар ҳақиқий зотига ишора қилиш учун.
3. Янада чуқурроқ киришга (истиғроққа) ишора қилиш учун.

Муснад илайҳ қуйидаги ўринларда изофа билан маърифа бўлади:

1. Изофа фикрни тингловчига етказишда энг қисқа йўл бўлгани учун.
2. Изофанинг музоф илайҳ, музоф ёки улардан бошқаларни улуғлашни ўз ичига олгани учун.

4. Муснад илайҳ қуйидаги ўринларда накра бўлади:

1. Исми жинснинг бир турини ажратиб кўрсатиш учун.

2. Исми жинснинг бир навини ажратиб кўрсатиш учун.
3. Улуғлаш учун.
4. Ҳақорат қилиш учун.
5. Кўпайтириб кўрсатиш учун.
6. Озайтириб кўрсатиш учун.
7. Бир вақтнинг ўзида ҳам улуғлаш, ҳам кўпайтириб кўрсатиш учун.

5. Муснад илайҳ қуйидаги ўринларда мавсуф бўлиб (сифатланиб) келади:

1. Муснад илайҳнинг маъносини очиб, баён қилиб бериш учун.
2. Унга хос сифатни баён қилиш учун.
3. Унинг сифатини таъкидлаш учун.

6. Муснад илайҳни таъкидлаш:

1. Аниқлаш учун.
2. Хато эмаслигини билдириш учун.
3. Мажоз эмаслигин билдириш учун.

7. Муснад илайҳни баён қилиш:

Муснад илайҳни ўзига хос ном билан изоҳлаш учун.

8. Муснад илайҳни бадал қилиш:

Аниқликни зиёда қилиш учун.

9. Муснад илайҳни атф қилиш:

1. Муснад илайҳни қисқа йўл билан баён қилиш учун.
2. Тингловчига тўғриси кўрсатиш учун.
3. Тингловчини шак, гумонга солиш учун.

10. Муснад илайҳни ажратиб кўрматиш:

Муснадни муснад илайҳ билан хослаш учун.

11. Муснад илайҳни муқаддам келтириш:

1. Жумлада асл бўлгани учун ва ундан воз кечиш мумкин бўлмагани учун.
2. Хабарни тингловчининг онгига сингдириш учун.

3. Ҳиссиёт ва шумланиш орқали хурсандлик ёки ҳафаликни билдириш учун.

4. Инсон хотирасидан кетмаслигини ва ундан инсон лаззатланишини билдириш учун.

5. Муснад илайҳ берилаётган хабарга хосланганлиги ёки унга тааллулилиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги учун.

Гоҳида муснад илайҳ нафий ҳарфидан кейин келмаганда хослашликни ифодалайди.

Гоҳида ҳукмни қатъийлаштириш учун ишлатилади.

Гоҳида эса ҳам кучайтириш, ҳам таъкидлаш учун келади.

6. Муснад илайҳ муқаддам келиши шарт бўлан ўринда келгани учун.

7. Умумийликка далолат қилгани учун.

Муснад илайҳни кечиктириш:

1. Ҳолат муснадни муқаддам келишини тақозо қилган ўринда муснад илайҳ кечикиб келади. Бу зоҳир тақозосидир. Гоҳида гап зоҳир тақозосидан чиқиб, унга тескари ҳолатда зикр қилинади. Замир зоҳир исм ўрнида ишлатилади. Гоҳида зоҳир исм замир (олмош)нинг ўрнида қўлланилади.

2. Тингловчини бошқариш ёки унинг нодон ва зийрак бўлгани учун.

3. Тингловчининг қалбига қўрқув киргизиш учун.

Муснад илайҳнинг мутакаллим, мухотоб ва ғоибдан иккинчи бир шаклга ўзгариши “илтифот” дейилади. Қазвиний бунга қарши фикр билдириб айтади: Илтифот такаллум, хитоб ва ғоиб йўлларининг бири билан бирор маънони баён қилиш бўлиб, ундан олдин улардан бошқа йўл билан ҳам баён қилинган бўлиши керак.

Ҳолат тақозосига ҳилоф вазиятлар қуйидаги ўринларда ишлатидади:

1. Тингловчига кутган нарсасидан бошқа нарсани бериш.

2. Савол берувчига сўрамаган нарсасини айтиш.

3. Келажак ҳақида ўтган замон лафзлари билан таъбир бериш орқали аниқ содир бўлишига ишора қилиш.

4. Калималарнинг ўрнини алмаштириш.

4. Муснаднинг ҳолатлари.

Муснад хабар, феъл, исми феъл ва феълнинг ўрнига ўтирган масдардир.

Унинг 13 та ҳолати мавжуд:

1. Тарк қилиш.
2. Зикр қилиш.
3. Алоҳида келтириш.
4. Феъл ҳолатда келиш.
5. Исм ҳолатда келиш.
6. Қайдлаш.
7. Накра қилиш.
8. Изофа ва сифат билан хослаш.
9. Изофа ва сифат билан хосламаслик.
10. Маърифа қилиш.
11. Жумла ҳолатда келиш.
12. Кечиктириб келтириш.
13. Муқаддам келтириш.

1. Муснадни тарк қилиш:

Муснад илайҳда келтирилган шартларга кўра ҳазф қилинади. Масалан, Ортиқчаликдан сақланиш учун.

2. Муснадни зикр қилиш:

1. Муснад илайҳда келтирилган шартларга кўра зикр қилинади. Масалан, гапда асал бўлиб, ундан воз кечиш мумкин бўлмаганлиги учун.

2. Муснаднинг исм ёки феъл эканлигин аниқ кўрсатиш учун.

3. Муснадни ажратиб кўрсатиш:

Муснад ҳукм ёки натижани мустаҳкамлашда қатъий ифода бермаганлиги учун.

4. Муснаднинг феъл ҳолатда келиши:

Такрорни ифодалаш билан бирга учала замоннинг бирибилан қайдлаш учун.

5. Муснаднинг исм ҳолатда келиши:

Бирор замаонга боғлиқ эмасликни ва такрорни ифода этмаслигини билдириш учун.

6. Муснадни (феълни) қайдлаш:

Муснад илайҳ ифода этадиган ҳукм қатхий бўлиши учун феъл мафъул, ҳол, тамиз, тағлиб, шарт, мустаснолар билан қайдланади.

7. Муснадни накра қилиш:

1. Чегараламаслик учун.
2. Бўрттириб кўрсатиш учун.
3. Ҳақорат қилиш учун.

8. Муснадни изофа ва сифат билан хослаш:

Ифоданинг тўлиқ бўлиши учун.

9. Муснадни изофа ва сифат билан хосламаслик:

Ифоданинг тўлиқ бўлишига ҳожат бўлмаганлиги учун.

10. Муснадни маърифа қилиш:

Тингловчига маълум бўлган маълум бир ишни бошқа бир ўхшаши билан аниқлаштириш учун.

11. Муснаднинг жумла ҳолатда келиши:

Муснаддан тушуниладиган ҳукм барча тафсилотлари ила муснад илайҳга тааллуқли бўлгани ёки муснад муснад илайҳнинг юзага келишига сабаб бўлгани учун. Агар жумла бўлиб келган муснад феъл билан бошланган бўлса, такрор ва доимийликни ифодалайди. Исм билан бошланган муснад эса бир марталикни ва тугалланганликни ифодалайди. Жумла бўлиб келган муснад шарт маъносини ифода этса, муснаддан тушуниладиган ҳукм турли хил ҳолатларга мўлжалланганлиги маълум бўлади. Агар муснад замаон ёки маконни ифода этса, у ўзидан олдинги иш-ҳаракатни чегаралайди.

12. Муснадни кечмктириб келтириш:

Муснад илайҳни зикр қилиш муҳим бўлгани учун.

13. Муснадни муқаддам келтириш:

1. Муснадни муснад илайҳ билан хослаш учун.
2. Унинг сифат эмас, балки хабар эканлигини билдириш учун.
3. Ҳаяжо, ҳиссиёт сабабли.
4. Муснад илайҳни зикр қилишга тарғиб қилиш учун.

5. Феълга тааллуқли нарсаларнинг ҳолатлари.

Феълнинг мутааллиқотлари мафъул, зарф, жар ва мажрурлардир.

1. Мафъулни ҳазф қилиш:


1. Мубҳам бўлган нарсани баён қилиш учун.
2. Бошқа мақсад ирода қилинганлиги ҳақидаги гумонни даф қилиш.
3. Мафъулни иккинчи марта зикр қилиш учун.
4. Қисқа йўл билан умумийликни ифодалаш учун.
5. Қарина бўлган пайтда гапни қисқа қилиш.
6. Қофияга риоя қилиш учун.
7. Мафъулни зикр қилиш хунук бўлгани учун.
8. Бошқа мақсадларда ҳазф қилиш. Масалан, ўрни келганда инкор қилиш мумкин бўлиши учун, аниқ, машҳур бўлгани учун, машҳурликни даъво қилиш учун.

Мафъул ва бошқа мутааллиқотларни муқаддам келтириш:

1. Таъйин қилишда хатони рад қилиш учун.
2. Таъкидлаш учун.
3. Хослаш учун.

Мутааллиқотларнинг бир-биридан муқаддам келиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунга қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Муқаддам келтириш асл ва зарур бўлгани учун.
2. Муқаддам келган маъмули зикр қилиш қолганларидан муҳимроқ бўлгани учун.
3. Кечиктириш маънога ҳалал бергани учун.



ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Илми маонийнинг боблари нечта?
2. Исноди хабарийнинг ҳолатлари қайсилар?
3. Муснад илайҳнинг нечта ҳолати бор?
4. Муснаднинг ҳолатларини санаб беринг.
5. Феълнинг мутааллиқотлари қайсилар?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолоддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

8-мавзу. Ҳақиқат ва мажоз

Режа:

1. Лафздаги ҳақиқат.

2. Лафздаги мажоз.

3. Ҳақиқат лафзнинг ўзида ёки иснодида бўлиши.

4. Мажоз лафзнинг иснодида ёки ўзида бўлиши.

Мавзуга доир истилоҳлар: фоил, мафъул, шибҳи феъл, лафзий қарина, муснад, муснад илайҳ, маънавий қарина, мажози ақлий, масдар.

1. Лафздаги ҳақиқат.

Аввалги сабоқлардан маълумки, барча лафзлар икки навга бўлинади: 1) турли гап ва турли шаклларда ишлатилганда маъноси сарфланмайдиган, яъни бир маънода ишлатиладиган; 2) турли маъноларда ишлатиладиган лафзлар.

Агар ишатилишда лафз маъноси ўзгармаса, турли гапларда турлича маъно касб этмаса, у ҳақиқат, яъни ҳақиқий лафз дейилади. Ҳақиқат лафзнинг исноди ёки зотида бўлади. Масалан: феъл ўзининг фоили билан, феъл ўзининг мафъули билан, мавсуф сифат, зарфлар ва бошқа ўзига мос келадиган, суянишга ҳақли бўлган гап бўлаги билан боғланиб келиши ҳақиқий иснод ҳисобланади.

Ҳақиқат лафзнинг зотида, яъни ўзида бўлиши мумкин. Лафз ўзининг ҳақиқий маъноси ва вазифасида истеъмол қилиниши ҳақиқатдир.

Лафзнинг ҳақиқати иснодида бўлса, уни ҳақиқий ақлий дейилади. Масалан *الإنضاج* *пиширмоқ, етилтирмоқ* лафзининг иснодини Аллоҳга боғлаб ҳақиқий иснодни ушбу мисолда кўришимиз мумкин. *أنضج الله الثمر* *Аллоҳ мевани пиширди, етилтирди*. Чунки, мевани ҳақиқатда ҳам Аллоҳ пиширади, бу иш Аллоҳнинг изми-ихтиёрида эканини маълум. Демак, феълнинг фоили, яъни пиширувчи ва етилтирувчи этиб Аллоҳ лафзи олингани ҳақиқий бўлди. Ақлий иснод дейилиши, асосан ақл билан кимга, нимага ва қандай суяниши ва бошқалари томонлари идрок этиляпти. Шунинг учун ҳам, бундай иснодларни ҳақиқий ақлий дейилади.

2. Лафздаги мажоз.

Лафз истеъмол давомида маъноси ўзгарадиган, сарфланадиган бўлса, уни **мажоз** дейилади. Мажоз тажовуз қилиш, ўтиб кетиш каби маъноларда бўлиб, сўзни кўчма маънода ишлатишни билдиради. Ушбу ўзгариш, яъни мажоз ҳам лафзнинг исноди ёки зотида бўлади.

Лафзнинг мажози иснодида бўлиши — уни ўзи ҳақли бўлмаган лафзга суянтирилиши бўлиб, мажози иснодий, исноди мажозий ёки ақлий мажоз дейилади.

Масалан, الإنضاج феълени الربيع баҳор лафзига мўъмин киши тамонидан иснод қилиб: أنضج الربيع الثمر *Баҳор мевани пиширди (етилтирди)*, - дейилса, аслида пиширувчи Аллоҳ, бу маълум ва мўъмин киши бу гапни айтгани учун, аслида бу гап: أنضج الله الثمر فى وقت الربيع *Аллоҳ баҳор вақтида мевани пиширди*, - деган маънони касб этади.

Аллоҳ инзожнинг ҳақиқий муснадидир. Аммо баҳор эса инзожга мустаҳиқ бўлмаган муснаддир, шунинг учун мажозий иснод бўлди.

Ҳудди феълдаги каби шибҳи феълларда ҳам мажоз келади. Шибҳи феъл масдардан олинадиган исми фоил, исми мафъул, исми замон ва макон, исми олат, афъалу тафзил ва сифати мушаббаҳа кабилар киради.

المنضج المنضج *Баҳор мевани пиширувчи (етилтирувчи)дир.* الربيع مунзижнинг замири мустатири هو яширин олмоши الربيع лафзига қайтади ва бундай муснад мажоз бўлди.

Маълум, яъни бажарувчиси аниқ, таъйинли бўлган феълга мажозий иснод. Маълум феълни ўз бажарувчисини кўйиб, мафъули – тўлдирувчиси бўлган лафзга фоил, яъни эга қилиб суянтириб ҳосил қилинади. رضىت عيشته *Унинг ҳаёти - маишати рози бўлди.* Аслида ҳаётдан рози бўлувчи ҳаётнинг эгасидир ва фақат у ҳақиқий иснод бўла олади. Шунинг учун رضى زيد معيشته *Зайд ўз ҳаётидан рози бўлди*, - дейилади. Лекин, мафъулга суянтирилди ва бу мажозий иснод ҳисобланади.

3. Ҳақиқат лафзнинг ўзида ёки иснодида бўлиши.

Ҳақиқат лафзнинг исноди ёки зотида бўлади. Масалан: феъл ўзининг фоили билан, феъл ўзининг мафъули билан, мавсуф сифат, зарфлар ва бошқа ўзига мос келадиган, суянишга ҳақли бўлган гап бўлаги билан боғланиб келиши ҳақиқий иснод ҳисобланади.

Ҳақиқат лафзнинг зотида, яъни ўзида бўлиши мумкин. Лафз ўзининг ҳақиқий маъноси ва вазифасида истеъмол қилиниши ҳақиқатдир.

Лафзнинг ҳақиқати иснодида бўлса, уни ҳақиқий ақлий дейилади. Масалан *الإنضاج* *пиширмоқ, етилтирмоқ* лафзининг иснодини Аллоҳга боғлаб ҳақиқий иснодни ушбу мисолда кўришимиз мумкин. *أنضج الله الثمر* *Аллоҳ мевани пиширди, етилтирди*. Чунки, мевани ҳақиқатда ҳам Аллоҳ пиширади, бу иш Аллоҳнинг изми-ихтиёрида эканини маълум. Демак, феълнинг фоили, яъни пиширувчи ва етилтирувчи этиб Аллоҳ лафзи олингани ҳақиқий бўлди. Ақлий иснод дейилиши, асосан ақл билан кимга, нимага ва қандай суяниши ва бошқалари томонлари идрок этиляпти. Шунинг учун ҳам, бундай иснодларни ҳақиқий ақлий дейилади.

Ҳақиқий ақлий лафзлар тўрт қисмга бўлинади:

1. *ما طابق الواقع والإعتقاد فقط كقول المؤمن: أنبت الله الزرع* Мўъмин банданинг гапи каби воқеълик ва эътиқодга мувофиқ келадиган ҳақиқий лафзлар.

أنبت الله الزرع *Аллоҳ экинни ундирди (кўкартирди)*. Ушбу гап мўъминнинг гапи бўлиб, эшитувчи ҳам гапирувчини мўъмин эканини билмоғи аҳамиятлидир. Мўъмин барча нарсаларни Аллоҳга нисбат беради, Аллоҳдан деб билади. Бу гап ҳақиқий воқеъликка ҳам, ақидага ҳам мос келадиган гап ва маъно бўлди.

2. *ما طابق الواقع فقط كقول الكافر الذى يخفى حاله عن المخاطب: شفى الله المريض* Кофир кишининг гапи каби фақат воқеъликка тўғри келадиган ҳақиқий лафзлар.

Бунда эшитувчи унинг бу ҳолидан, яъни кофирлигидан беҳабар бўлиши мумкин. *شفى الله المريض* *Аллоҳ беморга шифо берди*. Кўринишидан бу гапни мўъмин айтаётгандек, деяётганига ўзи ҳам ишонадигандек, аммо унинг

мўъминлиги ёки кофирлиги махфий ва кофирлигига эса далолат қилувчи қарина келмаган.

3. ما طابق الاعتقاد فقط كقول الكافر: أنبت الغيث الشجر. Кофир кишининг гапи каби, эътиқодгагина мувофиқ келадиган ҳақиқий лафзлар.

أُنبت الغيث الشجر Ёмғир дарахтни ўстирди (кўкарттирди). Мухотаб унинг кофирлигини яхши билади. Зоҳирида ҳақиқатан ҳам ёмғир дарахтни кўкаришига таъсири кўрсатишини эътиборга олинса, кофирнинг ақидасига тўғри келишини билиш машаққат бўлмайди. Чунки у феълини бажараётган нарсасига иснод қилди ва шунга ишонди.

4. ما لم يطابق الواقع ولا الاعتقاد كقولك كذبا: زارنى زيد. Ёлғончининг гапи каби воқеъликка ва эътиқодга ҳам тўғри келмайдиган ҳақиқий лафзлар. Бунда мухотаб ҳам гапирувчининг ёлғончи эканини аниқ билади.

زارنى زيد *Зайд бизникига келди.* Аслида эса у келмаган, эшитувчи буни яхши билади. Лекин гап тузилиши жиҳатидан унинг бўлаклари ўзи ҳақли бўлган гап бўлаги билан боғланган.

4. Мажоз лафзнинг иснодида ёки ўзида бўлиши.

Мажоз ҳам лафзнинг исноди ёки зотида бўлади. Лафзнинг мажози иснодида бўлиши – уни ўзи ҳақлик бўлмаган лафзга суянтирилиши бўлиб, мажози иснодий, исноди мажозий ёки ақлий мажоз дейилади.

Мажози ақлийнинг ҳақиқий ақлий билан алоқаси – улар орасида ўзаро алоқа-боғлиқлик мавжудлигидир. Бу боғлиқлик ўзаро ўхшашлик ёки ўхшашликдан бошқа бўлиши мумкиндир.

Мажози ақлийнинг қаринаси.

قرينة المجاز العقلى هي الأمر الصارف عن أن يكون الإسناد على حقيقته

Ақлий мажознинг қаринаси гап бўлаги ўзи ҳақиқий боғланиши керак бўлган бўлақдан бошқа бўлакка боғланишни буриб юборувчи ишдир. Исноди ҳақиқийдан иснодни бошқа иснодга ўгирувчи амрдир. Агар қарина бўлмаса, дарҳол лафзнинг ҳақиқий маъноси тушунилади. Демак, қарина лафзнинг ҳақиқий маъносини тушунишдан қайтарувчи лафз – аломат, белги бўлиб

мажознинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Қарина икки нав: лафзий ва маънавий қариналарга бўлинади. Ҳар икки қарина мажоз иснодда эканига далолат қилади.

Ҳақиқат ва мажознинг фарқи

Категория	Ҳақиқат	Мажоз
Таъриф	<i>Асл маъно</i>	<i>Кўчма маъно</i>
Қарина	<i>Керак эмас</i>	<i>Шарт</i>
Маъно тури	<i>Литерал (тўғридан-тўғри маъно)</i>	<i>Фигуратив (кўчма маъно)</i>
Тушуниш	<i>Осон</i>	<i>Тафаккур талаб қилади</i>
Мақсад	<i>Оддий баён</i>	<i>Балогат, таъсир</i>

Ҳақиқат ва мажознинг ўхшаш жиҳатлари

Жиҳат	Ҳақиқат	Мажоз
Лафз ишлатилади	✓	✓
Маъно етказади	✓	✓
Луғатга боғлиқ	✓	✓
Контекст муҳим	✓	✓
Балогатда ўрганилади	✓	✓

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ҳақиқатнинг қисмлари?
2. Мажознинг қандай турлари бор?
3. Ҳақиқат ва мажознинг фарқи?
4. Ҳақиқат ва мажознинг ўхшаш жиҳатлари нима?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

9-мавзу. Мажози муфрад, истиора.

Режа:

1. Мажози муфрад.
2. Истиоранинг луғавий ва истилоҳий маънолари.
3. Тасриҳия ва макния истиоралари.

Мавзуга доир истилоҳлар: Мажози муфрад, мония, истиора, истиора олинмиш, истиора қилинмиш, истиора қилинган, важҳуш шабаҳ, мушаббаҳ, мушаббаҳ бих, «куллий ҳақиқий» ва «куллий таъвилӣ», макния, тасриҳия.

1. Мажози муфрад.

Мажоз лафзнинг иснодида қандай бўлишини ўрганиб чиқдик. Энди лафзнинг зотида бўладиган мажоз, яъни айнан лафзнинг ўзи бошқа маънода ишлатиладиган бўлса, мажози муфрад бўлади. Агар бир неча лафз кўчма маънода ишлатиладиган бўлса, уни мураккаб мажоз дейилади. Муфрад лафздаги мажоз уни бошқа, кўчма маънода ишлатишдир.

Мажози муфрад таърифи:

المجاز المفرد هو الكلمة المستعملة في غير المعنى الذي وضعت له لعلاقة بين المعنى الأول و الثاني مع قرينة مانعة من إرادة المعنى الأول

Лафзнинг биринчи (ҳақиқий) ва иккинчи (кўчма) маънолари ўртасида алоқа ҳамда ҳақиқий маънони англашдан қайтарувчи қаринаси борлиги учун ҳақиқий маъносидан бошқа маънода ишлатилган лафз мажози муфраддир.

Мазкур таърифда бир неча нозик нукталар бор:

а) الكلمة المستعملة Истеъмол қилинган калима қайд этилгани сабаб, таърифдан ҳали ишлатилмаган лафзлар чиқиб кетди. Бу каби лафзлар ҳақиқий ёки мажоз деб ҳам сифатланмайди;

б) في غير المعنى وضعت له Бошқа маънода ишлатилган деб қайд этиш билан таърифдан барча ҳақиқий – ўз маъносидан ишлатиладиган лафзлар чиқиб кетди. Фақат кўчма маънода ишлатиладиган – мажозий лафзлар қолди;

в) علاقة Алоқа сўзини қайд этиши мулоқот ва муомаладаги баъзи хато гапларни чиқариб юборди. Масалан: هذا أسد Бу шердир, – деб тошга ишора қилса, бу хатодир. Чунки, тош билан шернинг ўртасида ҳеч қандай алоқа, бир-бирига боғланиш йўқ;

г) مانعة Мониъа, ман этувчи, қайтарувчи дейиш билан киноя туркумига кирган лафзлар чиқариб ташланди. Чунки, киноя лафзлар ҳақиқий маънода ҳам, мажозий маънода ҳам баробар ишлатилади.

Таърифдаги алоқа калиманинг икки маъноси ўртасидаги муносабат, яъни ҳақиқий ва мажозий маъноларни бир-бирига мос келиши ёки қасд этилган маънога мос келишидир. Мазкур мослашиш, муносиб келиш икки хил бўлади:

1. Ўзаро ўхшашлик – мушобаҳа билан;
2. Мушобаҳа бўлмаган муносиблик билаи бўлади. Агар икки маъно ўртасидаги мослик ўзаро ўхшашлик бўлса, уни истиора дейилади. Ўзаро боғланиши ташбеҳдан бошқа маъно бўлса, уни мажози мурсал деб аталади.

2. Истиоранинг луғавий ва истилоҳий маънолари.

Истиоранинг луғавий маъноси الإعارة иора, бирон нарсани ўзига ўзлаштириб олиш, الإستعارة деганда, мисол учун бировни либосини кийиб олиб, яна унинг номи билан чақирилишини келтириш мумкин. Зайд Амрнинг кийимини кийиб олгандан кейин, уни Зайд эмас, Амр деб чақирганларига ўхшатиш мумкин. Истилоҳда:

الإستعارة هي الكلمة المستعملة في غير المعنى الذى وضعت له لعلاقة المشابهة مع قرينة مانعة من إرادة المعنى الموضوع له

Ҳақиқий ва кўчма маънолари орасидаги алоқаси, боғлиқлиги мушобаҳа – ўзаро ўхшашлик бўлган ва ўзининг аслий маъносини англашдан ман этадиган қаринаси билан ишлатилган калима истиора дейилади.

رايت قمرًا Гапираётган ойни кўрдим. Ушбу мисолда القمر – ой лафзи истиора қилинган калима, يتكلم гапираётган лафзи таърифдаги ҳақиқий

маънони тушунишдан қайтарувчи қарина бўлиб, ойни ўз маъноси бўлган осмон жисми эмас, балки гўзал, фасиҳ ва фазилатли киши маъносида эканига далолат қилдирыпти. Шунинг учун, бу гапнинг маъноси: *رأيت رجلا فصيحاً كالقمر* ойдек фаоҳатли, мумтоз кишини гапирётганини кўрдим; *وهو يتكلم* ойдек чиройли кишини гапирётганини кўрдим; *фазилатда ойга ўхшаган кишини гапирётганини кўрдим* ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Истиора олиш тартиби: *رأيت قمراً يتكلم* Гапирётган ойни кўрдим. Ушбу ва бошқа мисолларда биринчи қилинадиган иш ой калимаси билан ўхшатиш тузиш керак бўлади.

1. *هذا الرجل كالقمر* Бу киши ой кабидир. Бунда ташбеҳнинг ғаразлари риоя этилиши кифоя бўлади.

2. Иккинчи қилинадиган иш, мушаббаҳ маъносини мушаббаҳ бихга ўтказилади. Яъни ой лафзига киши маъноси берилади.

3. Учинчи амалга кўра, ташбеҳни мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихдан бошқа арконлари олиб ташланиб, ташбеҳ бўлганини буткул унутиб, мушаббаҳ мушаббаҳ бихнинг айнан ўзи, улар битта нарса деб даъво қилинади. Мушаббаҳ бих лафзидан тўғридан тўғри мушаббаҳни англади.

4. Энди учинчи амрдан кейин мушаббаҳ бих *القمر* ой лафзини ўша киши маъносида ишлатамиз, яъни истиора қиланади.

Истиора арконлари. Истиоранинг таърифидан арконлари учта экани маълум бўлди:

1. *المستعار منه* истиора олинмиш (ундан), яъни мушаббаҳ бих лафзини ўзидир.

2. *المستعار له* истиора қилинмиш (унинг учун, унга), яъни мушаббаҳ лафзини ўзидир.

3. *المستعار* истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзидир.

Истиорани ташбеҳ, киноя ва мажози мурсал каби гапнинг турларидан аниқ ажратиб олиш ва аниқлаш учун қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

1. Ташбеҳ бўлганини буткул унутиш, гўё умуман бирон нарсани бошқасига ўхшатиш бўлмаган деб қараш. Шунда мушаббаҳ мушаббаҳ бихнинг бир бўлаги, иккаласи битта нарса деб қатъий даъво қилинади. Важхуш шабаҳнинг эътибори билан бу иш муболаға – бўрттириш, ошириб юбориш учун мушаббаҳни мана шундай сифатланади.

Лекин шуни яхши билиш керакки, буткул унутиш зарур ва имкони бўлган ташбеҳгагина истиора қилинади. Шунинг учун, ушбу мисол каби истиора қилишни зарари йўқ:

رأيت أسدا يتكلم مثل الفيل في الضخامة *Гавдаси мисли фил гапираётган шерни кўрдим.* Бу мисолда истиора қилинаётган лафз أسد «шер» лафзи бўлиб, жасур киши маъносида қилиняпти. Бу мисолда ташбеҳ буткул унутилганини кўряпмиз. Кейин филга ўхшатиб ташбеҳ келтиришнинг истиорага аҳамияти йўқ. Чунки, истиора бу ташбеҳга бино қилинмаяпти.

2. Важхуш шабаҳни ҳам, одоти ташбеҳни ҳам мутлақ келтирилмагани билан истиорани аниқлаш мумкин. Демак, важҳ ва одотни зикр қилмаслик шарт. Агар уларни икковини ёки бирини зикр этилса, у истиора эмас, балки ташбеҳ бўлиб қолади.

زيد كأبى العلاء *Зайд сочда Абу Ало кабидир;* زيد كأبى العلاء *Зайд Абу Ало кабидир;* زيد أبو العلاء *Зайд сочда Абу Алодир.*

Ушбу мисолларда истиорага имкон йўқ, ташбеҳлиги маълум бўлиб турибди. Шунинг учун бу каби мисоллар истиора бўлишга даъвогарлик қилолмайдилар.

3. Мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихни гап ичига шундай сингдириб юбориладики, бу гап бўлаклари бир-бирига ташбеҳ экани билинмайди. Бундай бўлиши ҳам истиора учун дуруст бўлмайди. Демак, тарафайнни асло келтирмаслик ёки ташбеҳни билдирмайдиган қилиб бўлса ҳам, тарафайнни келтирмаслик яна бир шarti экан.

Биринчисига мисол, لقيت بحرا يعظ الناس *Одамларга насиҳат қилаётган денгизни кўрдим,* мисолидаги يعظ феъли – иш-ҳаракатининг эгаси هو махфий

олмош бўлиб, ундан мурод воиз الواعظ дир. илмда кенглиги, тошқинлик ва сўзамолликда воиз денгизга ўхшатилгани маълум бўляпти. Сўнг, мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга истиора қилинди ва البحر лафзи, мушаббаҳ биҳни ўша олим ва нотиқ маъносида келтирилди.

Бу тарафайнни жамлаб келтиришга мисол бўлди. Чунки, يعظ феъли – иш-ҳаракатининг эгаси هو махфий олмош мушаббаҳ, البحر лафзи мушаббаҳ биҳ бўлиб, бир жумлада тарафайнни жамланишига сабаб бўлди. Жумланинг ўзида дарҳол билинмайди.

Иккинчисига мисол, أطفال المنية نشبت فلان *Ўлимнинг тирноқлари фалончини ушлабди, яъни фалончи ўлим чангалига тутилибди.*

Бу мисолда ўлимни даҳшатли чанг солиши, аёвсизлигида шерга аввал ўхшатилди. Тақдиран ўлим маъносида шер исми истиора қилинди кейин ўлим маъносидаги шер лафзини олиб ташланди. Унинг ўрнига шернинг баъзи аъзоси олинди. Зеро, келтириладиган аъзоси мақсадни ўзида ифодалаб бера оладиган бўлишига эътибор бериш керак бўлади. Бу الأطفال тирноқлар, чангалдир.

Мисолда المنية ўлим лафзи келтирилган бўлиб, у мушаббаҳдир. Бу тарафайнни ташбеҳ бўлмаган усул билан келтирилганига мисолдир.

4. Истиора қилинадиган мушаббаҳ биҳ «куллий ҳақиқий» ёки «куллий таъвилий» бўлиши керак. Токи, мушаббаҳ мушаббаҳ биҳнинг жинси деб даъво қилинсин, бир бўлаги деб эътиборга олинсин.

Куллий ҳақиқий бўлиш учун лафз исми жинс бўлиши керак.

Масалан, الأسد «шер» лафзи жасурлик, шижоат ва даҳшат тимсоли сифатида куллийдир. Чунки, уни шундайлигини кўпчилик тасдиқлайди ва тан олади. Барча الأسد шернинг турларига бу лафз исми жинс бўлади. Шунинг учун, уни жасур кишига истиора қилиш мумкин. Бу билан жасур кишини шернинг бир тури деб қараш ва уни шер жинсидан деб даъво қилиш мумкин бўлади.

3. Тасриҳия ва макния истиоралари.

Истиора тарафайн эътибори билан икки қисмга бўлинади: тасриҳия ва макния. Истиорада мушаббаҳ бихнинг лафзи зикри келтирилса, бундай истиорани истиораи тасриҳия дейилади. Агар истиорада акси бўлиб, зикр қилинган лафз асли мушаббаҳ ёки унга тегишли бўлиб чиқса, у истиораи макния бўлади.

Истиораи тасриҳия *هـى لفظ المشبه به المستعار للمشبه* мушаббаҳ учун қўйилган мушаббаҳ бихнинг истиора қилинган лафзидир. *مـنـى زارنى بحر فى منزلى* Мени ўз манзилимда денгиз кўргани келди. Бу мисолдаги денгиз лафзи истиораи тасриҳийя бўлди. Чунки, денгиз лафзи ташбеҳда мушаббаҳ бих – ўхшатилмиш бўлиб келади.

Истиораи тасриҳийя олиш тартиби:

1. *الرجل الكريم كالبحر فى الإمداد و السخاء* Жувонмард, сахий кишини ёрдам илигини тутиш ва хайру саховатда денгизга ўхшатилди.

2. Сўнг ташбеҳни буткул унутиб, мушаббаҳ мушаббаҳ бихни бир бўлаги ва иккаласи бир нарса деб даъво қилинди.

3. Сўнг *البحر* баҳр лафзи бўлган мушаббаҳ бихни мушаббаҳ маъносида истиора қилинди, яъни исмини олиб берилди.

Мана бу, мушаббаҳ бихни лафзи истиора мақсадида тўғри ишлатилгани сабаб очик ва тушунарли истиора бўлди. Шунинг учун уни тасриҳия дейилган.

Истиора лафзига кўра икки қисмга бўлинади: аслий ва таъбий (эргашган, тобе).

Истиораи тасриҳийянинг аслий қисмида мустаор лафзи исми жинси ҳақиқий ёки таъвилий бўлади. Ҳақиқий исми жинс бўлганига мисол:

رأيت أسداً فى منزلنا Уйимизда шерни кўрдим, - деганда *الأسد* лафзи исми жинси ҳақиқий бўляпти. Маълумки шер шижоат, жасурлик кабиларнинг тимсоли ва уни доим мана фазилатларни ифодалашда истеъмол қилинади. Шунинг учун исми жинс бўлди.

Макниянинг луғавий маъноси киноя қилинмиш, ишора қилинувчи каби бўлиб, Илми баён уламулари наздида истиораи макния деб, мушаббаҳ бихни мушаббаҳга мустаор қилинган лафзига тегишли бўлган бўлагини кўчма маънода ишлатишдир. Унинг мадлули, яъни мустаор лафз ҳазф қилинган бўлиб, унинг ўрнига лозим этилган лафз келтирилади. Бу лозим этилагн лафзни келтиришнинг уч хил йўли бор.

Биринчисининг мисоли Абу Зуайб Ҳузалий байти:

و إذا المنية أنشبت أظفارها ألفيت كل تميمة لا تنفع

Ажал келса гар, ёвуз чангалларин чўзиб,

Наф ҳеч бермас ҳар туморки, умринг чўзиб.



Шоир бу байтида ажал чангалидан ҳеч қандай тумор сақламайди ҳам, фойда бермайди,- деган маънони билдирыпти.

Истиора ҳосил қилиш тартиби: الموت كالأسد فى الخيانة و الظلم деб, ўлим шерга хоинларча ташланиб жонлини бежон қилиш ва зулм билан даҳшатли муомала қилишида ташбеҳ қилинди. Кейин الأسد шер лафзи الموت ўлимга истиора қилинди. Қоидасига кўра, ташбеҳ бўлгани буткул унутилди, мушаббаҳ мушаббаҳ бихнинг бир бўлаги деб даъво қилинди. Шундан сўнг, истиораи макния ҳосил қилиш учун الأسد лафзини тақдиран ҳазф этилади. Ҳазф бўлганига далолат қилувчи сифатида шерга лозим бўлган, яъни шерни керакли сифат, масалан жасурлиги, шижоати, даҳшати кабиларни тасаввур қилишга аниқроқ ёндошадиган аъзоларидан бири келтирилади. Бу мисолда у الأظفار чангал (тирноқлар) лафзидир.

Мана шундай истиора олиш тартибини истиораи макния ҳосил қилиш дейилади.

قرينة الإستعارة المكنية هي إثبات لازم المشبه به المحذوف للمشبه المذكور

Зикри келтирилган мушаббаҳ учун маҳзуф бўлган мушаббаҳ бихнинг лозимийсини, яъни мушаббаҳ бихга тегишли бўлган ва ундан қасд қилинган маънони ифодалай оладиган бўлагини исботлаб беришдир.



ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Мажози муфрад нима?
2. Истиора ва унинг турлари?
3. Истиоранинг нечта аркони бор?
4. Мажози муфраднинг бошқа мажоз турларидан фарқли жиҳатларини келтиринг?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

10-мавзу. Мажози мурсал ва мажози ақлий

Режа:

1. Мажози мурсал ва унинг бошқа мажоз турларидан фарқлари.
2. Мажози ақлий.
3. Мажози мурсал билан мажози ақлий ўртасидаги ўхшашлик жиҳатлари.

Мавзуга доир истилоҳлар: Мажози мурсал, сабабия, мусаббабия, лозимия, малзумия, куллия, жузъия, ҳолия, маҳаллия, олия, мужовара, бадалия.

1. Мажози мурсал ва унинг бошқа мажоз турларидан фарқлари.

Маълумки, мажози муфрад икки қисм – истиора ва мажози мурсалга бўлинган эди. Уларнинг фарқи алоқа эътибори билан билинган эди. Истиоранинг алоқаси мушобаҳа – ўзаро ўхшашлик бўлиб, уни ўрганиб чиқдик. Мажози мурсалдаги лафзнинг кўчма ва ҳақиқий маънолари ўртасидаги боғлиқлик ўхшашликдан бошқа бўлади.

المجاز المرسل هو الكلمة المستعملة في غير المعنى الذى وضعت له لعلاقة غير المشابهة مع قرينة مانعة من إرادة المعنى الموضوع له

Мажози мурсал – лафзнинг ҳақиқий ва мажозий маънолари ўртасида алоқа мушобаҳа бўлмаган, кўчма маънода истеъмол қилинган калимадир. Бунда уни ҳақиқий маъносини тушунишдан қайтарувчи қарина ҳам бирга келтирилади.

Мисол учун: رعت الإبل الغيث Ёмғир туяни ўтлатди, ўт билан тўйгазди. Бу гапда الغيث ғайс лафзи мажози мурсалдир. Чунки, ўз аслий маъноси ёмғир ёғиш маъносидан الرعى ўтлатмоқ маъносига кўчирилди ва ғайсининг асли الماء сув маъносида бўлиб, набот ўсимлик النبات маъносига кўчирилди. Сувнинг кўчма маънода эканини رعت ўтлатди калимаси далолат қиляпти ва у қаринаи мониъадир. Чунки, ёмғир ўтлатмайди. Шунингдек, ўт билан сув ўртасида алоқа мушобаҳа – ўхшашлик эмас. Улар ўртасидаги алоқа – уларнинг бири

бошқасига сабаб эканидир. Шубҳасиз, ёмғир ўсимликларнинг ўсишига сабабдир.

Мана шу сабабийлик алоқа бўлишга кофий ва вофийдир. Шу сабаб, ёмғир набот маъносида ишлатиш дуруст бўлади. Мажози мурсал дейилишига сабаб:

- Биринчидан, биргина алоқа, яъни кўчма ва ҳақиқий маънолар ўртасидаги боғлиқлик билан ҳеч қайд этмасдан калимани шундайлигича кўчма маънода мутлақо истёъмол қилди. Бу икки маъно ўртасидаги боғлиқлик бир нечта бўлиб, алоқалар ҳам ўз ўрнида келтирилади.

- Иккинчидан, истиорада мўътабар ҳисобланган тарафайн бирлиги даъвоси ҳам шундайлигича келтирди. Чунки, битталигини даъво қилишга боис бўлган мушобаҳа – ўхшашлик мажози мурсалда йўқдир.

Баъзилар мажози мурсални ҳам истиора дейиш мумкин, – деганлар. Чунки, унда ҳам истиора каби бир лафзни маъноси бошқа лафзга қўйиш ва янги қўйилган лафз билан кўчма маъно тушуниш билдирилган эди. Мажози мурсалда ҳам худди шундай, масалан ғайс-ёмғир калимаси сув маъносига ўтказилди, кейин уни набот-ўсимлик маъносига кўчирилди.

Бу фикрга жавобан – буларни мана шундай икки хил номланиши истилоҳий мақсадлар учундир. Чунки, бундай номланиш улардаги алоқа – кўчма ва ҳақиқий маънолар орасидаги боғлиқлик бошқа-бошқа эканини англатади.

المجاز المرسل المركب هو ما كانت العلاقة فيه غير المشابه كما في الجمل الأخبارية المستعلة في

الإنشاء لأغراض لم يوضع لها الخبر كإظهار التحسر أو الضعف أو السرور أو الشماتة أو نحو ذلك

Ҳақиқий ва кўчма маънолар ўртасидаги алоқа мушобаҳа бўлмаган кўчма маънодаги жумла мажози мурсал мураккаб бўлади. Бу иншо маъносида ишлатиладиган хабарий жумлаларда ишлатилади. Ушбу иншоий жумланинг ғаразлари хабар қилиб қўйилмаган бўлиб, у التسحر – ғам-қайғуга ташвиш, الضعف – заифлик, ночорлик, السرور – шодлик, хурсандчилик, الشماتة – бировни

ғамига, бошига тушган мусибатга хурсандликни изҳор қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳафаликни билдириш мақсадидаги иншони хабар қилиб ишлатилганига мисол. Шоир:

ذهب الصبا و تولت الأيام فعلى الصبا و على الزمان سلام

Ёшлик, болалик кетди.

Кунлар бирин-кетин ўтди.

Ёшликка ҳам салом,

Вақту замонга ҳам салом.

Қарасам ёшлигим кетибди узоқларга,

Кунларим ҳам ўтди кетса қайтмасларга.

Ёшлигим сенга саломлар бўлсин,

Вақту замонлар саломга тўлсин!

Мазкур байт жумлалари хабар учун баён қилинаётган бўлса ҳам, ёшликни йўқотгани учун, қайғу, алам ва кунлари ўтиб бораётганига надомат чекиш иншо сифатида ишлатилган. Алоқаси лузумийлик, шунинг учун ҳам, ёшлик, беғуборликни кетишлигининг хабари ғам-андух ва ҳафачиликни лозим тутди. Иккинчи мисра қарина бўлади.

2. Мажози ақлий.

Мажози ақлийнинг ҳақиқий ақлий билан алоқаси – улар орасида ўзаро алоқа-боғлиқлик мавжудлигидир. Бу боғлиқлик ўзаро ўхшашлик ёки ўхшашликдан бошқа бўлиши мумкиндир.

Мажози ақлийнинг қаринаси.

قرينة المجاز العقلى هي الأمر الصارف عن أن يكون الإسناد على حقيقته

Ақлий мажознинг қаринаси гап бўлаги ўзи ҳақиқий боғланиши керак бўлган бўлақдан бошқа бўлақка боғланишни буриб юборувчи ишдир. Исноди ҳақиқийдан иснодни бошқа иснодга ўгирувчи амрдир. Агар қарина бўлмаса, дарҳол лафзнинг ҳақиқий маъноси тушунилади. Демак, қарина лафзнинг ҳақиқий маъносини тушунишдан қайтарувчи лафз – аломат, белги бўлиб

мажознинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Қарина икки нав: лафзий ва маънавий қариналарга бўлинади. Ҳар икки қарина мажоз иснодда эканига далолат қилади.

Лафзий қарина деб, гап ичида келтирилган лафз бўлиб, бу лафз гапни кўчма маънода эканини билдириб, гапнинг ҳақиқий маъносини тушунишдан қайтаради.

هزم الأمير خصمه و هو فى قصره *Амир қасрда турган ҳолда хасм (душман)ни чекинтирди.* Кўриниб турибдики, феъл ўзи ҳақли бўлмаган лафзга иснод қилинган. Чунки, Амир ҳеч бир иш қилмаган, қасрда бўлган. Аммо феълни ёпиштиришга боғлиқ нарса хасмни қочишга сабаб эканидир.

3. Мажози мурсал билан мажози ақлий ўртасидаги ўхшашлик жиҳатлари.

Энди феълни мажоз эканига далолат қилувчи лафз وهو فى قصره *у қасрида турган ҳолда,* деган гап бўлади. Зеро, бу гап ҳақиқий душманларни қочирувчи Амир эмаслигига далолат қилди.

Маънавий қарина деб, лафздан ташқари, яъни лафз бўлмаган иш бўлиб, у ҳам гапни ҳақиқий маънода эмаслигини билдиради. Маънавий қарина икки ишнинг бирига қараб юз беради:

1) Муснадни муснад илайҳга хаёлан, ақлан суянтириш мумкинлиги ёки одатда шундай боғланади.

المحيى “Мажиун” *Муҳаббатинг мени сенга келтирди.* محبتك جاءت بى إليك *“ҳия” муҳаббатга қайтувчидир.* Бу иснод мажозий ақлийдир. Чунки, феъл ўзи ҳақли гап бўлагига боғланмади. Унинг асли إِنَّ المحبة سبب فى المحيى *Муҳаббат келишга сабабдир.* Бу гапда мажознинг далили муҳаббат келишини ақлга сиғдириш мумкин эмаслигидир. Шунинг учун, зарурат билан хаёлан иснод этилди.

Агар ақл ишини чиқариб, хаёлан бир оз ҳақиқат юзасидан назар солинса, бу иш амри маҳоллиги маълум бўлади. Демак фақат шоирона гўзал нутқ учун бу гап айтилгани билинади.

أقدمنى بلدك حقّ لى عليك Мени сенда бўлган ҳаққим шаҳрингга келтирди. Бу гапдаги қарина – ҳақни келишини الإقدام استحالة ҳақиқатда мумкин эмаслигидир.

Одатийга мисол: هزم القاعد الجيش Қўмондон аскарларни чекинтирди, одатда шундай дейилади. Аммо ёлғиз қўмондонни ўзи бу ишни амалга оширмайди. Бир ўзининг қўлидан келмаслиги аниқ ва равшан. Бу мисол мана шу қаринаси билан ақлий мажоз бўлди.

2) Гапнинг мўъмин биллоҳ – Аллоҳга ишонувчи кишидан содир бўлаётгани маънавий қарина бўлади. Мўъмин: قوّست ظهري أحداث الزمان وأشابت رأسى نواعبه Белимни замонлар янгиланиши ёй қилди, унинг ҳам андуҳлари бошимни оқартирди, - деб айтса ҳам, унинг гапи тўғри ҳисобланади. Чунки иш-ҳаракатнинг эгасини мажоз қилиб кўчма маънода ифодаляпти. Аслида ҳақиқий белни букувчи ҳам, сочни оқартирувчи ҳам Аллоҳни ўзидир. Ҳудди мана шуни мўъмин яхши тушунади ва эътиқод қилади.

Зикр этилган бу икки ишда қарина маънавий экани аниқ маълум бўлди. Зеро, гапнинг ўзида бирон лафз очик ва аниқлик билан маънонинг мажоз эканига далолат қилмаяпти.

Мажози мурсал билан мажози ақлий ўртасидаги фарқ

Жиҳат	Мажоз мурсал	Мажоз ақлий
Тури	Лафзий мажоз	Иснадий мажоз
Кўчиш	Сўз маъносида	Нисбатда
Алоқа	Ўхшашликсиз	Феъл ва эгаси орасида
Мисол	"Қўл берди" (ёрдам берди)	"Подшо қурди" (аслида ишчилар қурган)

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Мажози мурсал нима?
2. Мажози мурсал дейилишига сабаб нима?
3. Мажози мурсал билан мажози ақлий ўртасидаги ўхшашлик жиҳатлари?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

11-мавзу. Киноя

Режа:

- 1. Киноянинг луғавий ва истилоҳий таърифи.**
- 2. Киноянинг турлари.**
- 3. Мавсуф матлуб бўлган киноя. Нисбат талаб этилган киноя.**

Мавзуга доир истилоҳлар: Киноя, сифатини талаб этиладиган киноя, мавсуф талаб қилинадиган киноя, сифатни мавсуфга нисбати талаб этиладиган киноя, кинояи возиҳа.

- ## 1. Киноянинг луғавий ва истилоҳий таърифи.

Киноянинг луғавий маъноси лақаб қўйиш, лақаб билан чақириш, белгилаш, белги, ишора билан билдириш, киноя қилиш маъноларида бўлиб, луғат олимлари шундай таъриф берганлар:

Киноя бир нарсани айтиб ундан
 Бошқасини ирода қилишингдир. Киноя лафзи масдар бўлиб, *Бу*
билан у ҳақда киноя, ишора қилдинг, агар очиқ айтишни хоҳламасанг, тарк
 этсанг, дейдилар. Киноя феъли *رمى رماية* бобидандир. Гоҳида *دعا يدعو*
Бул билан у ҳақда киноя, ишора
қилдинг.

Истилоҳий таърифи:

Ҳақиқий لفظ أطلق و أريد به لازم معناه الحقيقي مع قرينة غير مانعة من إرادة هذا المعنى маъносининг лозими – кўчма маъноси тушуниладиган ҳамда ҳақиқий ва кўчма маъноларини тушунишдан қайтармайдиган қаринаси бор лафз киноя дейилади.

محمد طويل النجاد *Муҳаммад қиличининг боғичи узун бўлган кишидир.* Бу гапнинг луғавий маъносидир. Лекин гапнинг мақсади боғичнинг узунлиги эмас, Муҳаммад бўйини узунлиги, қоматини баландлигидир. محمد طويل القامة Чунки, ўзи қилич боғичининг узунлигидан киши қоматининг узунлиги ирода этилади. Шў билан бирга унинг ҳақиқий маъносини ҳам ирода этиш дўруст.

Яъни, ҳар икки маънони ҳам тушуниш мумкин. Шу билан киноя мажозга ўхшамайди.

Мажоз қаринаси ҳақиқий маънони тушунишдан қайтаради. *كَلْمَنِي أَسَد* *Шер менга гапирди*, - деганда йиртқич ҳайвонни ирода этиш мумкин эмас. Чунки *كَلْم* *гапирди* лафзи қарина бўлиб, ҳақиқий маънони тушунишдан қайтаряпти. Зеро, гапириш инсонларга хос хислатдир. Кинояда эса бундай эмас.

*Ба роҳ-и фазл аз он гаштам сувора,
Ки кардам дар талаб бас кафиш пора.
Фазл йўлига ул сабабдин отландим,
Ки, талабида кўп кавушларни йиртдим.*

Сувора – отланмоқни ҳар икки маънода тушунмоқ жоиз.

2. Киноянинг турлари.

Киноя қилинаётган лафз, яъни қасд этилаётган маънонинг эътибори билан у уч қисмга бўлинади: 1. Сифати талаб этиладиган киноя; 2. Мавсуф талаб қилинадиган киноя; 3. Сифатни мавсуфга нисбати талаб этиладиган киноя.

I. Сифати талаб этиладиган киноялар.

الأولى كناية يطلب بها صفة و هي المطلوب بها صفة Сифати, кайфияти талаб қилинган киноя.

محمد طويل النجاد *Муҳаммад қиличининг боғичи узун бўлган кишидир* - *Муҳаммаднинг қомати узундир*. Ушбу мисолда محمد *Муҳаммад* лафзи мавсуф – сифатланмиш; طول النجاد *Ниждод, қилич боғичини узунликка изофаси* мавсуфга нисбати; талаб қилинган сифатни нисбати боғичнинг узунлигидан билинадиган طول القامة *қомат узунлигидир*.

Сифат талаб қилинадиган киноянинг қондаси шундай: мавсуф билан унинг нисбатини очиқ зикр қилиб, талаб этилган маънони сифатининг нисбатини зикр қилмасликдир. Аммо мазкур талаб қилинган сифатнинг нисбати ўрнига бошқа шу сифат лозим тутган сифат келтирилади.

محمد طويل النجاد *Муҳаммад қиличининг боғичи узун бўлган кишидир* - *Муҳаммаднинг қомати узундир*. Мавсуф - Муҳаммад ва уни нисбати - боғичнинг узунлиги очик келтирилди. Матлуб сифат – қоматнинг узунлиги очик келтирилмади ва унинг ўрнига боғичнинг узунлигини келтирди.

عباس كثير الرماد *Аббос кули кўп кишидир*, мисолида унинг сахийлиги киноя қилиняпти. Бу кинояда ҳам мавсуф очик келтирилди. У Аббос лафзидир. Нисбати ҳам келтирилган ва у кулни кўпликка иснодидир. Матлуб сифат эса келтирилмаган. Бу сифат الجود сахийлик бўлсада, унинг лозим тутган маконини келтирилган ва у кулнинг кўплигидир. Зеро, кулнинг кўплиги ҳақиқатда ҳам сахийликка сифат бўлади.

Сифат талаб этилган киноя икки хил – қариба ва баъийда бўлади.

Киноянинг мақсади зеҳнга воситасиз тезлик билан келса, бундай кинояни кинояи қариба дейилади. Масалан: محمد طويل النجاد *Муҳаммад қиличининг боғичи узун бўлган кишидир* – *Муҳаммаднинг қомати узундир*. Боғични узунлигидан бўйининг узунлиги ирода этилаётгани дарҳол маълум. Чунки, боғични узунлиги қоматни узунлигига сифат бўлади. Зеро, бу икки узунлик ўртасида ҳеч қандай восита йўқ. Бу киноя қулоққа келиши билан гап нима ҳақида экани ўз-ўзидан маълумдир.

Кинояи қариба ҳам ўз навбатида الكناية الواضحة والكناية الخفية очик ва махфий киноя турларига бўлинади.

Агар кинояни мақсади тез ва осон, биринчи эшитилгандаёқ тушунарли бўлса, у кинояи возиҳа очик киноя дейилади. Боғични узунлиги мисоли каби. Чунки, боғични узунлигидан бўйни узунлиги бирон тааммул, тафаккурга эҳтиёж сезмасдан очик тушунарлидир. Бу икки узунлик ҳатто бир-бирини лозим тутади. Шунинг учун бу кинояни имо ва ишора киноя ҳам деб юритилади.

Агар мақсадини тушуниш учун бироз тааммул ва тафаккурга муҳтожлик бўлса, уни кинояи хафия дейилади. فلان عريض الفقا *Фалончини жўровози баланддир*. Бу туянинг оғир юк кўтараётганидаги инграшидан

киноя экан. Чунки, овозни ўта садокорлиги телбаликни жуда ўтказиб юбориш билан бўлади. Бу билан ахлоқликни беркитишга ҳаракат қилинади. Буни топиш учун эса бироз фикр юритишга, яхшилаб ўйлаб кўришга зарурат бўлади. Шундай қилиб, бу кинояда мақсадга боғлаб турган маънолар анча махфий нарсалар экан. Бу кинояни рамз ҳам деб аталади.

Фақат восита билан кинояни мақсади тушунилса, уни кинояи баъийда дейилади. *عباس كثير الرماد* Аббос кули кўп бўлган кишидир, мисолида танишиш мумкин. Бу уни сахийлигидан киноядир. Сифат бўлмиш сахийлик билан кулни кўплиги ўртасида бир қанча боғланиш ва воситалар бор. Уларни ҳар бирини билмай туриб, уни сахийликка сифат қилиш мумкин эмас. Аввало, кулнинг кўплиги ўтин кўп ёнганини билдиради. Кўп ўтин ёниши кўп таом тайёрлангани, кўп таом кўп тановулга, кўп тановул эса зиёфатга ишора қилади. Бу меҳмондорчилик катта бўлиши, меҳмондорчилик эса сахийликка далолат қилади. Гоҳи бу кинояни талвиҳ (узокдан ўзингдан бошқага ишора қилмоқ) деб ҳам аталади.

II. Мавсуф матлуб бўлган киноя.

Мавсуф матлуб бўлган киноя:

والثانية كناية يطلب بها موصوف و هي المطلوب بها موصوف Иккинчи қисм киноядан унинг мавсуфи нима эканини талаб қилинади. Қоидаси: сифатни ва уни нисбатини очиқ келтирилади. Мавсуф эса зикр қилинмайди, уни ўрнига мавсуфга хос бўлган бошқа бир сифат айтилади. *فلان صفا لى مجمع ليه* Фалончининг ақли тўпланган жойи мен учун мусаффордир, яъни қалби пок демоқчи. Бу кинояда сифат бўлган *مجمع اللب* ақлнинг тўпланган ўрни лафзи ва сифатни нисбати – софони унга исноди очиқ келтирилган. Матлуб мавсуф эса йўқ. У қалбдир. Лекин уни ўрнига қалбга хос бўлган бошқа сифат *مجمع اللب* келтирилди. Зеро, қалб ақл ва фикрлашни жойидир.

Ушбу киноя ҳам икки навдир:

1. Киноянинг бир маънолик бўлиши, маъноларининг бир неча бўлмаслиги (ададланмаслиги)дир. *مجمع اللب* *فلان صفا لى مجمع ليه* мисоли каби деб

фақат битта маъно – қалбга киноя қилинади. Бу ўринда бир маънодан мурод – уни турли жинслардан бўлмаслиги, тасния ёки жам сийғасида келсада, ирода қилинган маънонинг ёлғиз бўлиши эътиборлидир.

2. Киноя бир неча маънолар тўпламидан иборат бўлишидир. Араблар инсонни шундай киноя қиладилар: *مەنيكىغا زارنى حى مستوى القامة عريض الأضافر* *тирик, қомати баланд, тирноқлари кенг келди.* Мазкур маънолар биргаликда инсондан киноя бўлади. Алоҳида олинганда киноя қилиш дуруст эмас. Зеро, бу сифатлар биргаликда бўлсагина инсонга хос сифат бўлади. Уларни мажмуаси бошқада топилмайди.

III. Нисбат талаб этилган киноя.

Учинчи қисм والثالثة كناية يطلب بها نسبة صفة إلى موصوف و هي المطلوب بها نسبة кинояда мавсуф ва сифат орасидаги муносабат талаб қилинади. Қоидаси бундай: мавсуфни ҳам, сифатни очик келтирилади, аммо уларни нисбати айтилмайди. Бу нисбатни ўрнига уни ўзига лозим тутган бошқа бир нисбат зикр этилади. Бу нисбат мусбат (исботланган, ҳақиқатланган) ёки манфий (нафий этилган, қайтарилган) бўлиши мумкин.

Мусбатга мисол: *الكرم بين ثوبي محمد* *Саховат Муҳаммадни икки кийими орасидадир.* Бу мисол саховатни Муҳаммадга исботлаш учун киноядир. Кўриниб турибдики, мавсуф ва сифат очик келтирилди. Аммо карамни унга нисбати келтирилмади. Уни ўрнига бошқа нисбат, карамни икки кийимига нисбат исботланган ҳолда айтилди. Бундай дейиш карамни Муҳаммадга исботлашдир. Унинг усули Муҳаммадни икки хос кийими борлигини билдириш билан бўлади.

Манфийга мисол: шоир Шанқарий афифа аёлни сифатлайди -

بييت بمنجاة من اللوم بيتهها إذا ما بيوت بالملامة حات

*Тунлари ўтар, хотиржам маломатдан саломат,
Вале, атроф уйларнинг барига кирмиш маломат.
Зеро, унинг уйи топибди маломатлардан нажот,
Шундан унинг уйи топибди ҳар гандин фароғат,*

Вале, маломатга ҳалол бўлмаган, бирон уй йўқдир.

Бу кинояда маломатни шу покиза аёлдан кетказиш ирода этилган. Унда ҳам мавсуф очик айтилган, у *بيتها* даги муттасил замир – сўзга ёпишиб келувчи олмош бўлиб, у аёлга қайтади. Сифат ҳам бор, у маломатни нафи этишдир. Буни *بمنجاة من اللوم* *маломатдан нажот топадиган маконда* маъноси билдирыпти. Аммо аёлдан маломатни кўтариш, унда маломатни йўқ қилиб ташлаш айтилмаган. Уни ўрнига бошқа нисбат, бошқа уйларга маломатни кирганлиги айтилган. Бу эса ундан нафий этилганини билдиради.



ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Киноя нима?
2. Киноя қандай турларга бўлинади?
3. Сифат талаб қилинадиган киноянинг қоидаси қандай?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмактабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
2. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
3. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
4. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
5. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

12-мавзу. Илми баён қоидаларини татбиқ этишга доир кўрсатмалар

وزاد بك الحسن البديع نضارة كأنك في وجه الملاحه خال

Бетакрор ҳуснинг гўзаллигинг қилар зиёда,

Гўё хол бўлмишсен ҳурулиқо чехрасинда.

Ушбу байтда мақталмиш зот киши юзидаги холга ўхшатилди. Важҳ бу ўринда икковига ҳам хол ва мактов улуғлик, ўта гўзаллик ва бетакрорликни касб этишдир. Адоти ташбеҳ *كأن* бўлиб, бу ташбеҳ ҳақиқийдир. Чунки, важҳуш шабаҳ ҳар икки томон – тарафайнда ҳақиқийдир, тамсилий – ҳаёлий эмасдир.

Зеро, важҳ биргина нарсадан тузилган. Ушбу ташбеҳ важҳ ҳазф этилгани учун мужмал ташбеҳ ҳисобланади. Одоти ташбеҳ келтирилгани учун мурсалдир. Унинг ғарази мушаббаҳ холини баён этиш бўлиб, малоҳат лафзида истиораи макния бор. Малоҳат гўзалларга ўхшатилди, ҳар икковида ҳам нафс гўзалликка мойил бўлиши важҳдир.

Сўнг мушаббаҳ бихга далолат этувчи лафз мушаббаҳга истиораи қилинди. Кейин у ҳазф этилиб, унинг лозимийларидан бирини унга рамз сифатида келтирилди. Ва бу рамз истиораи макнияга кўра *وجه* лафзидир. Ушбу истиора аслиядир. Чунки, истиора этилмиш лафз исми жинс бўлиб, қаринаси важҳ – чехрани малоҳатга исботлашдир. Бу исбот эса истиораи таҳйилия билан амалга ошади.

Татимма. Балоғат олимлари мажоз ҳақиқатдан кўра етукроқ, балиғроқдир деб иттифоқ қилдилар. Киноя эса, тасриҳ – очик келтиришдан етукроқ, истиора ташбеҳ, мажози мурсал ҳамда киноядан кўра етукроқ,- деганлар.

Мажоз ва киноядаги етукликнинг сабаби – бу икковини ҳолати бирон нарсани далил ва асос билан даъво қилишидир. Масалан мажоз қилиб: *رأيت أسدا على المنبر* - деб, *минбарда шерни кўрдим*, - деганда аслида: *رأيت رجلا جريءا على المنبر* - деб, *айтмоқчи экани Минбарда жасур, журъатли кишини кўрдим*,

маълумдир. Ушбу даъво ўз далили билан қоимдир ва у *أسد* маъносини кишига исботлашдир. Чунки, уни журъатли бўлиши шер бўлишини ҳам ўзига лозим тутади. Шер эса ўзига журъатлик ва жасурликни лозим тутади.

Киноя қилиб: *زيد طويل النجاد* *Зайд қиличини боғичи узун бўлган кишидир*, деса, бу билан *زيد طويل القامة* *Зайд бўйи баланд кишидир*, - демоқчи экани маълумдир. Унинг даъвоси ҳам далили билан қоимдир. У Зайдни боғичнинг узунлиги билан сифатланишидир. Боғични узун бўлиши бўйни ҳам узун бўлишини лозим тутади.

Шунда биринчи мисолда, *رأيت رجلا جليءا على المنبر* *Мен жасур кишини минбарда кўрдим*, иккинчисида *هو طويل القامة* *У бўйи узун кишидир*, - деб айтмоқчи бўлган.

Аммо ҳақиқатлиги – бу лафзлар ўз маъносида ишлатилишидир. Истиораи тасриҳийга мисоли: *رأيت رجلا مقداما على المنبر* *Журъатли кишини минбарда кўрдим*; Киноя қилиб, *زيد طويل النجاد* *Зайд қиличини боғичи узун бўлган кишидир*, деганда мақсад Зайднинг бўйи узунлигини билдиришдир. Бу гапларнинг маъноларини чақиш учун бирор ҳужжат шарт эмас. Мажоз ёки киноядаги каби, маънони далил-ҳужжатлик ва уни таъсирлик чиқишига қараганда етук эмас.

Истиоранинг ташбеҳдан кўра кучлилиги у мажознинг бир нави эканидир. Ташбеҳ эса ҳақиқатдир. Истиорада мушаббаҳ бих ва мушаббаҳ бир нарсa деб даъво қилинади. Мажознинг етукроқлигини исботи ҳам маълум.

Истиоранинг мажози мурсалдан кўра етукроқлигини сабаби: истиорада икки нарсани бир деб даъво қилиниши ҳам лафзий ҳам маънавий бўлади. Маънодаги даъво мушаббаҳни мушаббаҳ бихнинг жинсига киргизиш билан ва уни мушаббаҳ бихнинг бир тури, уни фардларидан бири деб эътибор қилиш билан бўлади. Лафздаги даъвоси эса мушаббаҳ бих лафзи билан мушаббаҳни айтилиши ҳисобланади.

Мажози мурсалда бундай эмас. *أمطرت السماء نباتا* *Осмон кўкат ёғдирди*, деганда фақат бир лафзда мажоз – кўчма маъно бор, деб даъво қилиняпти.

Яъни, биринчи маънодаги лафз билан иккинчи маънодаги лафз айтиляпти. Маънода бирлашиш бу ўринда мавжуд эмас. Чунки сув билан кўкат ўртасида, улар бир маънода деб даъво қилиш учун алоқа - ўзаро ўхшашлик йўқ. Бу алоқа ўхшашликдан бошқа нарсадир.

Истиоранинг киноядан устунлиги икки жиҳатда маълум бўлади:

1. Истиорада киноя билан истиорани жамлаш бор. Унда малзум тутилган маънодан – масалан الأسد лафзидан, лозим маънога – الجريء лафзига ўтиш бор. Кинояда ҳам, боғични узунлигидан масалан қоматни узунлигига ўтилади. Икковида ҳам лафзни кўчма маънода ишлатиш ўзаро ўхшашлик алоқа бўлганидан жорий бўляпти.

2. Истиора қатъиян мажоздир, чунки, унда лафз кўчма маънода истеъмол этилади. Кинояда эса бундай эмас. Бу ҳақда балоғат олимлари кўп фикр билдирганлар.

Эслатма. Ушбу уч ўрин – ташбеҳ, истиора ва кинояда бири бошқасидан етукроқ дейилишидан мурод, уни асл маънода зиёдароқ эканини ёки бошқани ифодалайди. Балки, маънони исботлашда таъкидни ифодалайди, бундай ифодалаш бошқасида топилмайди. Агар رأيت أسدا *Шерни кўрдим*, - деб ундан кейин رأيت رجلا لا يتميز عن الأسد فى إقدامه *Юриш-туришида шердан фарқ қилмайдиган кишини кўрдим*, деганда бир-биридан ортиқлик йўқ. Иккала жумла тенг кучли, бир маънони ифодалаяпти. Шундай бўлсада, биринчи жумлада киши шерга юриш-туришида шерга тенглиги билан бошқа жиҳатларида ҳам ифодаланяпти. Иккинчида эса бундай имконият йўқ.

Мана шу билан биринчи жумла анча чиройлироқ ва таъсирлироқ чиқди. Чунки, унда маънони шерга баробар эканини таъкидлаш, уни иқрор қилдириш кузатилади. Яна икки маънони бир деб даъво қилиш ва мушаббах биҳ лафзи билан мушаббахни айтиш ҳам бор. Мана шунда етуклик қай жумлада кучли эканини яққол кўринади. Зеро, иккинчи жумлада санаб ўтилган ортиқликлар йўқ. Буни ақли расо киши осон илғайди.

Истиораи тамсилия эса барча истиоралардан кучлироқ, етукроқдир. Чунки, у бир неча ишлардан тузилган иборалари ҳам ҳайъатни ифодалайди. Унда иборалар ҳам, мулоҳазалар ҳам жуда кўп. Уни яхши фикр қиладиган, узоқни кўра биладиган кишигина ишлатиши мумкин.

Ундан кейин қаринасида мажози ақлийни ўз ичига олгани учун истиораи макния келади. Истиораи тасриҳия эса учинчи мартабададир.

Илми бадийъ. Бадийъни луғавий маъноси бетакрор, бенамуна қилиш, чиройли қилиш, таъсирли, қофияли қилиш кабидир.

Илми бадийъ устида биринчи бўлиб қалам юргизган зот Абдуллоҳ ибн ал-Мўътазз ҳисобланади. Бу зот илми бадийънинг алоҳида илм ва фан даражасига келтирдилар. Тадқиқотлар қилиб ўн еттита навини аниқладилар.

- Мендан илгари ҳеч ким илми бадийъ ҳақида қалам ушламаган, уни ҳеч ким китоб ва илм шаклига келтирмаган. Ким мана шу ўн еттитага қаноат қилиб унга амал қилишни хоҳласа, амал қилсин. Ким уни бошқа яна нозик ва гўзал қирраларини топса ва уни қўшиб қўйишни ирода этса, ихтиёри ўзидадир, - деганлар.

Ул зотнинг асрдошлари Қудома ибн Жаъфар бу навларни ўрганиб чиқиб, уларни ўттизтага етказдилар. Кейин бу зоти шарифга ўз замонасининг аҳли фазл ва аҳли илму-амал бўлган зотларидан Абу Ҳилол Аскарӣ ва ибн Рашиқ кабилар эргашдилар. Сўнг Сафиюддин ибн Ҳаллий жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мақтаб қасида битди. Унда илми бадийънинг бир юз элликдан ортиқ навини келтирди. Ҳар байтнинг хошиясига қайси навга тааллуқли эканини ва унга байтни далил сифатида зикр этган.

Шундан кейин кўпгина қасиданавислар унга эргашдилар. Натижада унинг навлари бир юз олтмишдан ошиб кетди. Биз бу навларнинг машҳур ва истеъмоли кўпларини келтириб ўрганамиз.

Илми бадийънинг илми маоний ва илми баёндан фарқи. Уларни ўртасидаги фарқни яхшилаб билиб олингки, илми маъоний ҳам, илми баён ҳам маънони асоси ва уни атрофида баҳс юритилади. Илми маъоний гапни

муқтазога мос келишини ўргатади, яъни гап талаб этилган ҳолатга мувофик бўлишини ўргатади. Илми баён эса бир маънони турли лафз ва гаплар билан комилроқ ифодалаш услубларини ўргатади.

Аммо илми бадий эса, айнан маъно ёки лафз устида баҳс юритади, бунда уни мақсади чиройли ва ажойиб қилиш, гўзал ва ялтироқ кийимларга ўраш билан қалбни эритиш, кўнгилни асир қилиш услубларини ўргатади.

Шундан илми маъоний ва баён гапни чиройли қилишга хизмат қилиши зотий экани билинади. Илми бадий – калом муқтазога мос ва қасд қилинган маънога очиқ далолат қилгандан кейин уни зийнатлаш экан. Бу унинг оризий – кейин пайдо бўлган эканини билдиради.

Бу илмларни таъбир жоиз бўлиб, бирон нарсага ўхшатиш мумкин бўлса, илми маоний ва баён ҳашаматли бинонинг асоси ва деворлари бўлса, илми бадий шу бинонинг баланд ва тиллодан ишланган, турли қимматли тошлар ўрнатилган қуббасига ўхшайди. Ёки гўзал бир ҳурулиқонинг бўйнига осилган бебаҳо тақинчоқ мақомидадир. Агар муқтазога мос келмаса, қасд этилган маънога очиқ далолат қилмаса, гўё илми бадий тўнғиз бўйнига осиб қўйилган қимматбаҳо тақинчоқ мақомида бўлиб қолади.

علم البديع هو ما يعرف به وجوه تحسين الكلام بعد رعاية المطابقة لمقتضى الحال و وضوح الدلالة على المعنى المراد

Илми бадий гап ўз маъносига очиқ далолат қилиб, муқтазога риоя этилган (яъни, талаб қилинган ҳолатга мос тушган)дан сўнг, уни гўзал қилиш услубларини ўргатади.

Таҳсин – чиройли қилиш икки хил – лафзий ва маънавий бўлади.

Агар чиройли этиш, зийнатлаш аслида гапнинг маъносига қайтса, уни маънавий таҳсин дейилади. Унга лафзни зийнатлашни эргаштириш мақсад эмас.

Зийнатлаш гапнинг аслида лафзларига қайтса, у лафзий бўлади. Унда ҳам маъно таҳсинини эргаштириш дуруст эмас.

Ушбу таҳсинотларнинг, ҳусусан лафзий таҳсиннинг ҳосил бўлишини фақат маъно талаб қилган ҳолатдагина амалга ошишига уламолар иттифок қилганлар.

Илми маъоний гапни муқтазога мос келишини ўргатади, яъни гап талаб этилган ҳолатга мувофиқ бўлишини ўргатади.

Илми баён бир маънони турли лафз ва гаплар билан комилроқ ифодалаш услубларини ўргатади.

Илми бадий айнан маъно ёки лафз устида баҳс юритади, бунда уни мақсади чиройли ва ажойиб қилиш, гўзал ва ялтироқ кийимларга ўраш билан қалбни эритиш, кўнгилни асир қилиш услубларини ўргатади.

БАЛОҒАТ ФАНИДАН ТЕСТ

1. Илми баёнда нималар ҳақида баҳс юритилади?

А) маъноларни, баъзи лафзларни ишлатиш усуллари ва баъзи калималарнинг ўрни ва салмоғи ҳаида баҳс юритади.

Б) керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда калималарни ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари;

С) илми маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушириладиган фикрларни чиройли, бадий, қофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари устида баҳс қилади.

2. Илми бадийда нималар ҳақида баҳс юритилади?

А) маъноларни, баъзи лафзларни ишлатиш усуллари ва баъзи калималарнинг ўрни ва салмоғи ҳаида баҳс юритади.

Б) керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда калималарни ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари;

С) илми маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушириладиган фикрларни чиройли, бадий, қофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари устида баҳс қилади.

3. Илми маонийда нималар ҳақида баҳс юритилади?

А) маъноларни, баъзи лафзларни ишлатиш усуллари ва баъзи калималарнинг ўрни ва салмоғи ҳаида баҳс юритади.

Б) керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда калималарни ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари;

С) илми маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушириладиган фикрларни чиройли, бадий, қофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари устида баҳс қилади.

4. “Мажозул Қуръон” китоби муаллифи Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрий қачон вафот этган?

А) 206-ҳижрий

Б) 262-ҳижрий

С) 212-ҳижрий

5. “Ал-баён ват-табйин” ҳамда “Иъжозул Қуръон” (Қуръон мўжизалари) номли китоблар муаллифи ким?

А) Жаъфар ибн Яҳё

Б) Саҳл ибн Ҳорун

С) Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз

6. Илми бадий тўғрисида биринчи китобни ким ёзган?

А) Абдуллоҳ ибн ал-Мўътазз ал-Аббосий

Б) Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз

С) Абу Аббос ал-Мубаррад

7. Танофур нима?

А) Калимани соф араб тилида йўқлиги

Б) Калима ҳарфларининг биридан беиши

С) Калима машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги

8. Ғароба нима?

А) Калимани соф араб тилида йўқлиги

Б) Калима ҳарфларининг биридан беиши

С) Калима машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги

9. Мухолафат ул-вадъ нима?

А) Калимани соф араб тилида йўқлиги

Б) Калима ҳарфларининг биридан беиши

С) Калима машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги

10. Тақид нима?

А) каломдаги иллат туфайли ирода қилинган маънога очик далолат қилмаслиги

Б) каломнинг бўш тузилгани, таркибида машҳур наҳв қоидаларига ҳилофликнинг, тўғри келмасликнинг борлиги

С) Калима машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги

11. Баённинг луғавий маъноси нима?

А) нодир, кам ишлатиладиган

Б) очик, аниқ қилиш

С) кашф қилиш, изоҳлаш, тушунарлик қилиш

12. Мушаббаҳ нима?

А) ўхшатиш

Б) ўртадаги муштарак, бир-бирига мувофиқ келган маънонинг лафзи

С) ўхшатиш воситаси

13. Одоти ташбеҳ нима?

А) ўхшатиш

Б) ўртадаги муштарак, бир-бирига мувофиқ келган маънонинг лафзи

С) ўхшатиш воситаси

14. Важҳуш шабаҳ нима?

- А) ўхшатиш
- Б) ўртадаги муштарак, бир-бирига мувофиқ келган маънонинг лафзи
- С) ўхшатиш воситаси

15. Мажоз нима?

- А) Лафз истеъмол давомида маъноси ўзгармайдиган, сарфланмайдиган бўлса
- Б) Лафз истеъмол давомида маъноси ўзгарадиган, сарфланмайдиган бўлса
- С) Лафз истеъмол давомида маъноси ўзгарадиган, сарфланадиган бўлса

16. Муснад илайҳ қайси ўринда маърифа бўлади?

- А) Исми жинсининг бир турини ажратиш кўрсатиш учун
- Б) Изофа фикрни тингловчига етказишда энг қисқа йўл бўлгани учун
- С) Кўпайтириш кўрсатиш учун

17. Муснад илайҳ қайси ўринда мавсуф бўлади?

- А) Исми жинсининг бир навини ажратиш кўрсатиш учун
- Б) Изофа фикрни тингловчига етказишда энг қисқа йўл бўлгани учун
- С) Муснад илайҳнинг маъносини очиш, баён қилиш бериш учун

18. المستعار له нима?

- А) истиора қилинмиш (унинг учун, унга), яъни мушаббаҳ лафзини ўзидир.
- Б) истиора олинмиш (ундан), яъни мушаббаҳ биҳ лафзини ўзидир.
- С) истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ биҳнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзидир.

19. المستعار нима?

- А) истиора қилинмиш (унинг учун, унга), яъни мушаббаҳ лафзини ўзидир.
- Б) истиора олинмиш (ундан), яъни мушаббаҳ биҳ лафзини ўзидир.

С) истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзидир.

20. المستعار منه нима?

А) истиора қилинмиш (унинг учун, унга), яъни мушаббаҳ лафзини ўзидир.

Б) истиора олинмиш (ундан), яъни мушаббаҳ бих лафзини ўзидир.

С) истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзидир.

21. Истиораи тасриҳия нима?

А) мушаббаҳ бихни мушаббаҳга мустаор қилинган лафзига тегишли бўлган бўлагини кўчма маънода ишлатишдир.

Б) мушаббаҳ учун қўйилган мушаббаҳ бихнинг истиора қилинган лафзидир.

С) истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзидир.

22. Истиораи макҳия нима?

А) мушаббаҳ бихни мушаббаҳга мустаор қилинган лафзига тегишли бўлган бўлагини кўчма маънода ишлатишдир.

Б) мушаббаҳ учун қўйилган мушаббаҳ бихнинг истиора қилинган лафзидир.

С) истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзидир.

23. Киноянинг нечта тури бор?

А) 2 та

Б) 3 та

С) 4 та

24. Тақид нима?

- А) каломдаги иллат туфайли ирода қилинган маънога очик далолат қилмаслиги
- Б) каломнинг бўш тузилгани, таркибида машҳур наҳв қоидаларига ҳилофликнинг, тўғри келмасликнинг борлиги
- С) Калима машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги

25. Баённинг луғавий маъноси нима?

- А) нодир, кам ишлатиладиган
- Б) очик, аниқ қилиш
- С) кашф қилиш, изоҳлаш, тушунарлик қилиш

Жавоблар

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Б	С	А	А	С	А	Б	А	С	А

11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
С	А	С	Б	С	Б	С	А	С	Б

21	22	23	24	25
Б	А	Б	А	С

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Хомид Авний. Ал-Минҳожул возих, Дорул-китаб. Миср. 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
4. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. Ат-Талхисул-баён. Қозон. 1304 ҳ.й.
5. А. Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. Тошкент. 2001 й.
6. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин. Ал-Балоғатул-возиҳа. Оромбоғ-Қорачи Қадимий кутубхона. Исломобод. 1989 й.
7. Атоуллоҳ Ҳусаиний. Бадойиъу-с-Санойиъ. Тошкент. 1981 й.
8. Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қазвиний. Талхисул-мифтах. Алмақтабат ул-асрийя. Байрут 2008 й.
9. Али Муҳаммад Ҳасан. Асрор ул-баён. Қоҳира 2005 й.
10. Шарифов З. Балоғат фанидан маърузалар матни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 111 б.
11. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-Манор. Ал-Азҳар. Миср. 1991 й.
12. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.

Мундарижа

КИРИШ.....	3
1-мавзу. Балоғат илми ва унинг шаклланиши.....	4
2-мавзу. Фасоҳат.....	14
3-мавзу. Балоғат, каломнинг балоғати сўзловчининг балоғати.....	32
4-мавзу. Илми баён. Ташбеҳ ва унинг турлари.....	40
5-мавзу. Важҳуш шабаҳ - ўхшашлик сабаби ҳақида.....	58
6-мавзу. Ташбеҳ ҳақида.....	74
7-мавзу. Илми маъоний.....	93
8-мавзу. Ҳақиқат ва мажоз.....	107
9-мавзу. Мажози муфрад, истиора.....	113
10-мавзу. Мажози мурсал ва мажози ақлий.....	122
11-мавзу. Киноя.....	128
12-мавзу. Илми баён қоидаларини татбиқ этишга доир кўрсатмалар.....	135
ТЕСТЛАР.....	141
ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР.....	147